

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ

# Таъзим

ОЧЕРКЛАР

ҒАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1975

Файзий Р.

Таъзим. Очерклар. Т., Адабиёт  
ва санъат нашриёти, 1975.  
152 б.

Инсон ҳаётни учун сув, ҳаво, қуёш қанчалик зарур бўлса, инсоният учун дўстлик ҳам шунчалик зарур. Адиб узасарларида ана шу дўстликни куйларкан, унинг офтобасек аллиги, пўлатдек мустаҳкамлиги олтиндан қимматлиги, нафасдек азизу, бўрондан қудратли эканини — қисқаси, тенги йўқ ҳусни, бекиёс ҳаёгбахшлигини деярли ҳамма очеркларда таранимум этиб, унга — ана шу дўстликка қайта-қайта таъзим қиласи ва тўпламини ҳам шу мультабар сўз билади, комлади.

Файзи Р. Поклон. Очерки.

82C5

70303—178

9—Доп. 75

©Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 й.

## ТАЪЗИМ

...Москвалик дўстим бор. Ёши бир ерга бориб қолган, баобрў хизматчи. Хотини ҳам ишлайди. Ўзларига тўқ, бекаму кўст, тинч яшашади, икки куёв кўрган, неваралари бор. Бору, ҳаммаси қизалоқлар. Катта невараларнинг бўйи етиб қолган. Ҳадемай эварали ҳам бўлишади. Узоқнинг иши қийин экан. Борди-келди камроғу, аммо телефон, телеграф, бу ёқда самолётнинг дастёрчилиги десангиз, оғирни енгил қиласди, масофани яшириб, дўстлик меҳрини ошириб туради. Бунинг устига, Москвада таълим олиб, илмий ишини давом эттираётган ўғлимиз оиласмизнинг «фавқулодда ва мухтор элчиси» сифатида дўстимизнинг хонадонида тез-тез бўлиб туради. Айниқса, байрам кунлари ва ёки бирон оилавий маросим бўлиб қолса, меҳмонларни ўзбек таомларидан тайёрлаб, зиёфат қилишда бош-қош бўлади. Дўстимизнинг хонадонига ташриф буюрган меҳмонлар аввало палов, манти ва ёки чўзма лагмонни мақташса, кетидан ўзбекларда энг лаззатли таомни ҳам эркаклар тайёрлай олишини мамнуният билан гапиришармиш.



Шундай ўтиришлардан бирида ўғлимдан сўраб қолишибди:

- Кимингиз бўлади?
- Отам,— деб жавоб берибди дўстимизнинг номини айтиб ўғлим.
- Қизиқ. Сиз!..
- Ҳа, мен ўзбекман, бу киши руслар.
- Шундай бўлганидан кейин қайси жиҳатдан сизга ота бўлади?
- Отамнинг, яъни менинг дадамнинг қиёматли дўстлари бўлганларидан кейин, менга ким бўладилар? Ота бўладиларми, ахир?
- ...
- Бобомнинг оналари — катта бувим бўлардилар. Мен ёшлигимда иккам юзга кириб оламдан ўтдилар. Шу киши айтардилар: қиёматли дўст — оға-ини, эгачи-сингил мисоли. Инчунун, ота-онага тенг, дердилар. Шу-шу...
- Шапам, денг...

Бир чеккаси, боя айтганимдай, дўстимизнинг кўнгли ярим эмасми. Ўзи болажон, бунинг устига ўгил болаларни кўпроқ яхши кўради. Аксига олиб, кўрмайсизми... Хотинига ҳам ҳайронман, биттагина ўғил туғиб бераколса нимайди, дейман. Қизлар-чи, улар ҳам онага тортгандир-да, битта невараси ўғил бўлганида ҳам дўстим анча овнармиди. Барака топсин, ўғлим, дўстимнинг шу нозик ғомонини — кўнгли яримлигини биллиб, худди ўзининг уйига кириб боргандек кириб боради. Бурноги куни денг, эрталаб барвақт телефон жиринглаб қолди. Радиони пасайтириброқ трубкани олсан... ким деб ўйлайсиз, дўстим, саломатлигимдан олдин,

«қўйинг, қўйинг, радиони қўйинг...» дейди. Тушунолмай қолдим, музыкани эшитмоқчи-ми ё бирон хушхабар бўлади-ю, шуни тингланг, демоқчими? Қалайсизлар, тинчмисизлар, десам: «Кечаси радиода эшитиб, тунда безовта қилмадим. Мана ҳозир газета ҳам келди, қўлимда «Правда», пахтакорларнинг буюк ғалабаси ҳам, партия, ҳукуматимизнинг йўллаган табриги ҳам босилибди. Муборак бўлсин, ҳорманглар энди, чўлқуварга биздан кўпдан-кўп салом айтинг, табриклаб қўйинг», дейди. Ўзимиз, эр-хотин эрталабданоқ радиони баланд қўйиб юборганимиз, десангиз, бир бизнинг ҳовлида дейсизми, қўни-қўшниларнинг ҳаммаси, биласиз-ку бунақанги пайтларда, барада қўйиб юборишган денг. Карнай, сурнай овози кўккача етгудай жарангларди. Йичимиздан хурсанд-миз, яна бунинг устига табиатнинг сахийлигини қаранг, олам қулиб турибди-я, офтобни айтмайсизми, баҳри-дилингни очади, худди шу топда телефон қилди-да, қаранг, сизга айтдим-ку, ҳаётимизда нимаики бўлса шу заҳотиёқ баҳам кўрмасак туролмаймиз. Эши-тибди-ю, ичига сигдиролмай дарров... Чўлқувар дегани, катта ўглимиз бўлади, Мирзачўлда, совхозда агроном. Қайси бир йилиям Москвага борганида чўлнинг икки метрли қовуни билан чаноқларидағи лўппи пахтаси нишолдадай кўпириб турган бир туп ғўзани совға қилиб обрганиди. Телефонда ҳам ўшани эслаб айтиётитти, уйининг тўридаги шкаф тепасида нақшдор гулдонга солиб қўйганини кўргандим. «Қаранг-а, ақл бовар қилмайди, пардай, момиқдай енгил нарсадан салкам беш миллион тоннани уюш-а, оға, бу

улкан қаҳрамонлик, жасорат бу. Бундай жасоратта оғаринлар айтиб, таъзим қилмоқ лозим», дейди. Ўзида йўқ хурсанд, нуқул чўлқуварни табрикланг, телефон қилиб бўлмаяпти, дейди. Ўзимиз, шу ерда туриб тополмаяпмизу, дўстимнинг гинасини қаранг, даллададир-да, деб қўя қолдим. Аzonдан бери ўзимиз ҳам хунобмиз. Ё телефон ишламайди, ё уйида йўқ... Ана шундай қадрдонлармиз, мен сизга айтсан, сира унутмайди бизни. Уларни-ку қўя беринг-а, ўзимизни айтинг, дастурхонга бирон тансиқроқ таом қўйилдими, дарров ўшаларни эслаймиз, ўзимиздан ўтмайди, қани энди, ўғлимиз билан бирга эрхотин ҳам эшикдан кириб келишса деб, насиба атаемиз... Куз ўтиб боряпти. Оғизлари тегиб қолсин, деб мана буларни юборяпман... — деди иккита қириқма билан бир тўрхалта анорни кўрсатиб.

Ўтган ҳафта, Тошкент аэропортида бир танишим билан бўлиб ўтган бу сұҳбатнинг матбуот саҳифасига олиб чиқадиган бирон қизиқ жойи, мўъжизали томони йўқ, албатта. Бизнинг кунларда, ҳаётимизда ҳар куни, ҳар қадамда бўлиб турадиган оддий воқеа, турмушимиз, одамгарчилигимиздаги икирчикирлар булар. Тўй-тўйлашганимизда, куй-куйлашганимизда ҳамиша ёру дўстлар даврамизда бўлишади. Мана шундай улкан галабани қўлга киритган тантанамиздаги ва ёки байрам муносабати биланми, йўқса, бирон катта йиғин кезларидами — кундалик газета саҳифасини орзиқиб очамиз. Албатта, ёру дўстлар йўллаган яхши истаклар бўлади, қалбларининг қўри билан ёзилган эзгу ниятларини ўқиймиз. Мана, Партиямиз Мар-

казий Комитети, Олий Советимиз, Ҳукуматимиз йўллаган табрикнома босилган газеталарнинг саҳифаларини варақланг... Дастрраб кўзингиз Николай Тихонов қутловига тушади. Совет адабиётининг табаррук оқсоқолларидан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ шоирини ким танимайди дейсиз, кўрмаганлар ҳам кам топилади. У кишининг қутлов сатрларини ўқиб туриб, Тошкентнинг Арпапоя кўчасида, Бешёғоч майдонида севимли Ғафур акамиз билан бирга гурунглашиб туришгани кўз олдимга келади. Ипакдай майин, соchlари қуёшда кумушсимон товланиб, қип-қизил юзлари офтобда ялтираб, қулоч етмас паҳлавондек салмоқли одим ташлаб паҳгазор ичига кириб бораётганга ўхшайди. Ёки жаҳоншумул минбардан оташин нутқ сўзлаётгани, ёхуд жондан севган муҳлислари ҳузурида шеърларини ўқиётгани шундоққина кўз олдимиизда намоён бўлади. Николай Семёнович, ўз қутловларида: «Пахта — Ўзбекистон меҳнаткашларининг миллий ифтихоригина бўлиб қолмай, балки Совет Иттифоқи ҳалқларининг ҳам ифтихорига айланди... Шу қувончли дамларда олтин қўлли пахтакорларга самимий қутловларимни йўллайман», деб ёзибдилар. Ўзлари ҳам шундай ифтихор ҳис-туйғуси билан тўлиб-тошиб ёзганларки, худди ўша баданларни жимиirlатиб, юракларни тўлқинлатиб юборадиган оташин нутқлари сингари жаранглаб, акс садо бераётгандай. Шундай улуг, табаррук зоти олийларининг табаррук қутловлари қайси пахтакору галлакорнинг, қайси ишчию олимнинг қалбини қувончларга тўлдирмайди.



Қардошларимизнинг табрикларини — туркман адабиётининг оқсоқоли, Социалистик Мөхнат Қаҳрамони Берди Қербобоевнинг, ивановалик машҳур тўқувчи, Социалистик Мөхнат Қаҳрамони Зоя Пухованинг, ССРР Халқ рассоми, Социалистик Мөхнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати Н. Томскийнинг, машҳур ёзувчилар — Вадим Кожевников, Константин Симонов, Анатолий Софроновларнинг табрикларини ўқигансизлар радио-телевидениеда эшитгансизлар.

Бизнинг қувончимиз мамлакатимиз халқларининг қувончига айланиши, қардошлар қувончи эса бизнинг қалбларимизни шодликларга тўлдириб, бошимиз кўкка етиши янги совет кишисининг расми, удуми, одати бўлиб қолди. Буларга биз тонг отиб, кун ботишига ўргангандек ўрганиб қолганмиз. Бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилолмаймиз. Бирор, хорижий юртда ёки хорижийлар бизнинг юртимизга келишганида шу каби воқеаларни айтиб берсангиз, ҳайрон бўлиб, елка қисишади. Ҳатто баъзилар, қўлини кўксига қўйиб, уйига мөхмонга таклиф қилган мезбоннинг дастурхони атрофида ўтиrsa ҳам шубҳа билан қарайди, ишонқирамайди. Бунинг ҳам ажабланадиган жойи йўқ. Ўз юртларида турмуш тарзи шундай бўлганидан кейин, уларга ғалати туюлса ажабмас. Монреалда бўлганимизда шундай воқеаларни айтиб беришганди. Мөхмонга бормоқчи бўлган одам емишини ёнида олиб борар экан. Бу фақатгина бегоналарга тааллуқли бўлмай, энг яқин қариндошлар ҳам шундай қилишаркан. Ҳатто янги куёв қай-

нана-қайнатасини кига бормоқчи бўлса, қанча вақт у ерда бўлишига қараб, нонуштасини ҳам, тушлигини ҳам ғамлаб бориши шарт экан. Бу эҳтимол, миллий расм, удумдир. Билмадик. Ҳар қалай, меҳр-оқибат ҳам шунга яраша бўлса керак.

Бизда, кишиларимизда, меҳр-оқибат, дўстлик сингари энг олижаноб, энг табаррук, энг юксак инсоний фазилатларимиз борки, буни фақат бошқача ҳаёт тарзига қиёс қилганини пайқаб оламиз, холос. Чунки, бу каби фазилатлар дил-дилимизга жо бўлиб, қон-қонимизга сингиб кетган, бошқача бўлишини тасаввур ҳам этолмаймиз. Акс ҳолда, ўзбек аёли молдаван мурғагига кўкрак сутини бермасди; белорус аёли фашистлар бостириб олган қишлоқда ярадор бўлган ўзбек солдатини ертўласида яшириб, даволамаган бўларди. Юқумли касалликлар билан олишишда ўзлари ҳалок бўлган врачлар-чи? Бундай мисолларнинг сон-саноғи йўқ.

Дўст бўлиб яшаш халқларимизнинг азалий орзузи эди. Бу орзу бизнинг кунларга келиб социалистик жамиятда рўёбга чиқди, эллар, элатлар, миллатлар, халқлар дўстлиги камол топди, у тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Дўстлик — мамлакат, давлат бойлиги, унинг куч-қудрати, дейди халқимиз. Инсон ҳаёти учун қуёш, ҳаво, сув қанчалик зарур бўлса, инсоният ҳаёти учун дўстлик шунчалик зарурдир.

Тошкентнинг марказий Пушкин кўчасини кесиб ўтган Хоразм кўчаси чорраҳасида яқинда қурилган бир ҳайкал бор. Улкан Т ҳарфи шаклидаги бу ҳайкалнинг олдироғига

бориб, разм солсангиз бамисоли иккита дев-қомат йигитнинг мушаклари бўртиб чиққан елка ва билаклари Т нинг икки бағрига кириб, уни, яъни Тошкентни кўтариб тургандай. Зилзила оқибатида вайрон бўлган шаҳар бутун мамлакат, кўп миллатли дўстлар мадади билан тикланганинг тимсоли бўлган бу ёдгорлик ана шу дўстликнинг ёрқин ифодасини ўз савлати билан намоён этиб турибди.

Тошкентликларда кейинги йилларда яна бир одат пайдо бўлди. Улар кўча, маҳалла, хиёбонлар номини, уйларнинг номерларини кўпинча қайси республика ёки шаҳар қуриб берган бўлса — ўша ном билан аташади. Кўчада, трамвай, троллейбусда, автобусларда шундай гаплар қулоққа чалинади:

— Украинанинг ёнидан кириб борсанг...

— Сенга нима. Москвала тұрасан-ку. лип этиб етиб оласан...

— Қозоқ нақшларини кўрганмисан? Ўша уй.

— Ийе, грузинлар маҳалласи дедингизми, қўшни эканмиз.

Белоруслар маҳалласидаги уйларнинг де-ворига: «Белоруслар қурган уйларда тошкентликларга баҳт-саодат ёр бўлсин!» деб ёзиб қўйишибди. Бу лавҳани ўқиб туриб, бутун бир мамлакат халқининг меҳр-оқибатидан қалблар қувончга тўлади.

Халқимиз юз марта эшитгандан бир марта кўрган маъқул, яна, табиб табибмас, дард чеккан табиб дейди. Дўстлик нима-ю, нимага қодир эканини биз жуда яхши биласмиз.

Инсониятга неча-неча асрлардан бери шу нарса маълумки, замбараклар ҳаракатга келган пайтда илҳом сукут сақтайди. Албатта, гап фақат илҳомдагина эмас. Замбараклар ишга тушганда гўдакларнинг бегубор кулгиси тинади. Севишган ёшларнинг дил розини ифодаловчи қалб сўзлари тўхтайди, ғам-аламдан адо бўлган қарияларнинг тили гапга келмай қолади. Аммо етим бўлган гўдаклару бева қолган аёллар фарёд чекади, ғам ва дардан, ҳатто азиз тупроқ — ер ҳам бетиним инграйди.

Биз бу даҳшатларни бирордан әшиитган эмасмиз, ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Фашистлар бомбаси тагида фарёд чеккан бизнинг болаларимиз эди. Ғам, алам, дардан инграган бизнинг она еrimиз эди. Мен бу сатрларни ҳар сафар ҳаяжон билан ёзаман. Кўз олдимда мана шу Тошкент, бағрида яшаб турган нуфусчалик халқча бошпана ҳам, туз-намак ҳам бера олган Тошкент намоён бўлади. Ёшдир-қариидир миллатинг ким, мазҳабинг нима, оқмисан, малламисан деб ўтирмаган. Тошкентлик темирчи, табаррук инсон Шоаҳмад ака ибораси билан айтганда: «Ҳамма миллат болалари бир бола» эди. Турли миллат болаларидан ўн беш ўгил-қизни тарбиялаб вояга етказган бу олижаноб инсон қатрада қуёш акс этгани каби халқлар дўстлигининг ёрқин ифодасини ўз оиласи мисолида бутун жаҳонга намоён қилиб кўрсатди. Шомаҳмудов иккам саксон баҳорни кўриб, оламдан ўтди. Аммо, кўп миллатли оилани бирлаштирган хонадон — уй шу табаррук зот номидаги кўчада халқлар дўстлигининг ёрқин тимсоли бўлиб, қад кўтариб турибди.

Ёки, яна шу Тошкентдаги бошқа кўча, бошқа уйни олайлик. Бу хонадонда ишчи Азимхўжа Исломхўжаевлар оиласи истиқомат қилишади. Азимхўжа аканинг икки ўғли фронтда ҳалок бўлган. Бундан етти йил муқаддам ногаҳон табиий оғат туфайли шаҳримиз бошига оғир кулфат тушган кезларда севастополлик она-бала Максимовлар ўз жамғармаларига йиғма уй сотиб олиб, худди шу Севастополь ҳимояси учун қурбон бўлган йигитнинг оиласига — Исломхўжаевларга тақдим этишди. Ҳозир бу уй ҳам «Октябрь» массивидаги Ильич кўчасида ҳалқлар бузилмас дўстлигининг ёрқин тимсолидек қад кўтариб турибди.

Ҳалқимизда «Чинор илдизи билан, одам дўстлари билан кучли» деган мақол бор. Бу мақолни бутун бир ҳалқа нисбатан ҳам айтиш мумкин. Бунинг мумкинлиги ҳам бизнинг лаврда, социалистик жамият шароитида мумкин бўлиб қолди, лиги мазмун касб этди. Вафодор дўстлари, содиқ қардошлари кўп бўлган ҳалқ кучли, қудратлидир. Биз, ўзбекларнинг бекиёс бахтимиз шундаки, юзлаб ана шунақанги дўстларимиз бор: мамлакатимиздаги барча ҳалқлар — фикр-ўйлари, орзу-умидлари, юракларининг уриш мақомини Кремль курантининг мақоми билан ўлчайдиган барча ҳалқлар бизнинг дўстимиз эканлиги билан фаҳрланамиз.

Биз, мамлакатимиз улкан дастурхонига, ҳазинасига биринчи галда «оқ олтин» имизни қўшишимиз билан фаҳрланамиз. Аммо, ана шу тоғдек хирмонимиз фақат деҳқоннинг ва ишчининггина хизмати туфайли әмас, дўстлигимиз туфайли, кўп миллатли

турли қасб әгаларининг сидқидил меҳнати билан бунёдга келгани учун ҳам ҳақли фахрланамиз. Бу йилги мисли қўрилмаган пахта хирмонимиз, Тошкентда, азиз Леонид Ильич Брежнев иштирок этган пахтакор республикалар кенгашида берган ваъдамизни шараф билан бажаришимиз ҳам худди мана шу дўстликнинг құдратли кучи туфайлидир.

Чиндан ҳам. Олам олам бўлиб, замон замон бўлиб, башарият тарихи ҳали бу қадар бекиёс воқеани — юздан кўпроқ миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқли иттифоқини, демакки, ҳалқлар дўстлигини кўрмаган, билмаган ҳам. Бу дўстликни бизга Улуғ Октябрь берди, В. И. Ленин партияси уни тарбиялаб вояга етказди. Бугун биз ана шу құдратли дўстлик, тарих билмаган, жаҳонда мисли қўрилмаган ҳалқлар дўстлигининг ҳаётбахшилигидан баҳрамандмиз. Унинг ҳаётбахшилигини биз ҳамма вақт сезиб, ҳис әтиб турамиз. Мамлакатимиз ҳаётидаги бирон-бир йирик воқеа йўқки, унда ҳалқлар дўстлиги, биродарлиги намоён бўлмаган бўлсин. Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада ҳалқларимиз дўстлигининг куч-құдратини бутун жаҳон тан олди. Табиий оғатдан саксон минг хонадон уй-жойсиз қолган Тошкентимизнинг қайта тикланиб, қад ростлашида ҳалқлар дўстлиги, биродарлиги нималарга қодир эканини ҳам бутун олам кўрди. Тошкентимизни бугун дўстлик шаҳри деб атасак жудаям ярашади, бу билан ҳам фахрланамиз, ҳам дўстликка бўлган ҳурмат-ташаккуримизни изҳор этган бўламиз.

Биргина Тошкент эмас, эндилиқда бутун республикамизни дўстлар диёри, дўстлик юр-

ти деб юритсак жудаям ярашади, исми-жис-  
мига монанд тушади.

Салкам беш миллион тоннали осмон ўпар  
бу йилги хирмонимиз қадрдон Леонид Ильич  
муносиб ва юксак баҳолаган «олтин қўллар»  
яратган «оқ олтин» хирмонимиз мағрур сав-  
лат тўкиб, юртимиз ҳуснига ҳусн қўшиб ту-  
рибди.

Кўпмиллатли республикамизнинг кўкси-  
да табаррук Ленин орденлари қаторида  
Халқлар Дўстлиги ордени порлаб турибди.  
Меҳнати, меҳр-оқибати, садоқатининг тимсо-  
ли бўлган бу орден биродарлар қаторидаги  
биродар республикамизнинг фахридир, ҳам-  
мамизнинг фахримиздир. Дўстликка, дўст  
халқлар мамлакатига, жонажон она юрти-  
мизга чуқур эҳтиром билан минг таъзим қил-  
сак арзийди.

1973 йил, ноябрь

Туроб акани топиш осон бўлмади. Унинг таниш-билишларига бу гап ғалати туйилади, албатта. «Авжи иш қизиган пайтда бирон ёққа борармиди? Суяк-суягигача пахтакор одам бунақанги долзарбда даладан жилмайди, ғўза барглари барига тегиб юрмаса кўнгли тинчимайди», дейдиганлар ҳам топилади. Бутун гап шундаки, ана шу даласидан нарига бормай, ғўзалар ичидаги юрган, тиним билмаган кишини топиш қийин бўлди. Кимдан сўраманг, «ҳо-ҳозир шу ерда эдилар...» дейди-да, кетидан «бир жойда турмайдилар, қаҷон қарасангиз, пайкалда бўладилар» дея қўшиб қўяди, ажабланадиган жойи йўқ бунинг дегандай.

Кун ёйилган. Кўримсизгина, аммо нимасидир ўзига тортиб турган шийпонда ҳеч ким йўқ. Кўримсиз дедим. Ҳа, шундай. Баъзи серҳашам, ялтироқ, кўрманага қуриб қўйилган, одамлар унинг атрофига ўтириб овқатланадиган, дам оладиган шийпонларданмас. Нимасидир ўзига тортиб турибди: озодалиги, йигинчоқлиги. Ёнларига скамейкалар қўйилгая узун столларнинг устига клеён-

ка дастурхонлар ёзилган, чойнак-пиёлалар йиғилиб тахлаб қўйилган. Радиода концерт. Шийпон ёнида бак қайнаб турибди. Ҳамма ёққа сув сепилиб, супурилган. Лиммо-лим тўлиб оқаётган ариқнинг нариги томони — пахтазор денгизидан шабада эсиб турибди. Бу ердаги ҳар бир нарса — чанглари ҳозир артилгандай йилтиллаб турган репродуктор ҳам, столга ёйилган китобчалар, девордаги плакат, ариқ лабидаги чойнак-пиёлаларгача бари катта бир оиласи эслатади. Уй бекаси катталарни хизматга, кичикларни мактаб, боғчаларга кузатиб дастурхонни йиққан, ҳовлини супуриб, ҳамма ёқни саранжом-саришта қилган. Мана бу эсиб турган шабада эса ҳозир шу хонадоннинг каттаю кичиги кўз илғамас пахтазорнинг ҳар қаер-ҳар қаерида баракали меҳнат қилаётганидан дарак бериб, қулоғингизга пицирлаб тургандай.

Шийпсииниг ёнгинаси пахта қабул қилиб оладиган ва уни қуритадиган катта супа. Ҳаммага таниш ва кўзга яққол ташланадиган бу супа беихтиёр қоп-қоп, қанор-қанор пахта тўкилаётган дақиқани эслатади. Бир кунда бир неча жойда бир неча марта кўрсангиз ҳам шу — кўз олдингизда пахтадан улкан кўрпа тўшалгандай бўлади. Ҳа, оз қолди. Ариқнинг нариги бетидаги яшиллик бериги бетидаги майдонда бутунлай оқариб, ястаниб ётганини кўрамиз, ҳадемай.

Супанинг нариёғидаги бинодан бир йигит чиқиб келди. Коржомаси ёа қўлларигача мой бўлганидан билагини тутиб сўрашди.

— Ҳо-ҳозир тушиб кетувдилар-а... Нариги картада бўлсалар керак,— деди йигит.

Ўша томонга юрдик. Уч жойда тўхтаб суринширилдиқ. Худди бекинмачоқ ўйнагандек. Биз борсак, Туроб ака нариги участкага ўтиб кетган бўлар эди. Топиб бўлмади. Вақтни ўтказмаслик учун кечқурун, ишдан бўшаганида идорада учрашмоқчи бўлдик. Қўшни колхозга ўтдик.

Бу сафар ҳам иш ўнгидан келмади. Кечқурун узоқ вақт кутдик. Туроб акадан дарак бўлмади. Бу орада орқаворатдан Туроб ака ҳақида кўп гапларни эшитдик. Колхоздагина эмас, қўшнилар даласида ҳам, дастурхонида ҳам, пахтадан гап очилар экан, Туроб акани тилга олишарди. Бирор унинг тиниб-тинчи маслигини гапирса, бирор миришкорлигини мақтарди. «Онаси пахтакор қилиб туққан» дейишарди. Эрталаб бригада ерларини айланниб, ғўзаларнинг гуркираб ўсаётгани, баъзи жойларда уч-тўрттадан кўсаклар диркиллаб турган тупларни кўрганимизда, бригада аъзоларининг баъзилари билан сухбат қилганимизда ҳам худди шунга ўхшаш гапларни эшитдик. «Айниқса, ҳозир эгатдан чиқмайдилар. Авжи ҳосил тўплайдиган пайтда қилт этган ўт-ўлан бўлмаслиги керак», дейдилар.

Эртасига тонг пайтида етиб келдик. Шийпон ва унинг атрофига кечадан буён гард қўнмагандек. Сепилган сувни ҳали ер шиммабди, қуёш қуритмабди. Дастурхонлар ёзиглиқ. Чой қайнаб ётиби... Шийпонда ўн тўрт ёшлар чамасидаги жиккаккина бора скамейка устига чиқиб, радио қулогини бурамоқда эди. Бизни кўриб сакраб пастга тушди, оёқ босган жойини артди. Салом берди. Биз дарров мақсадга ўтақолдик. Бригадирни сўрадик.

— Боя эди... Нариги картага ўтгандирлар...— деди бола қўли билан биз келган томонни қўрсатиб,— келиб қоларлар...

Боланинг охирги сўзлари бўшгина чиқли, бизнинг кўнглишимиз учун шундай дегани сезилиб турарди. Ўзига қолса: «Овора бўлибсизлар, топаман деб!» дерди барада.

Боланинг шахтини қайтариб бўлмади. Скамейкага ўтиридик. Шийпон тугул, ҳали дарахт учларига ҳам қуёш мўраламаган, фирмир шабада эсиб турарди. Болакай дарров чойнакни ариқда чая бошлади. Афтидан, чой дамламоқчи.

— Шунаقا барвақт нонушта қилишадими?— сўрадик боладан.

— Йўқ... Ҳали нонушта қилганимиз йўқ, вақтли-ку.

— Ким бўлиб ишлайсан?

Чойнак қопқогини латта билан артаркан, уялди, юзлари қизарган ҳолда жавоб қилди:

— Ердамчи.

— Кимга?

— Опамга.

— Опанг ким бўлиб ишлайди?

— Ошпазлар.

Шийпоннинг озода-саришталиги, асбоббуюмларнинг жой-жойдалигига шу боланинг ҳам ҳиссаси борлиги сезилиб турарди. Турсаканинг қаердалигини аниқлаб бўлмагач, ўрнимиздан қўзғалдик, бола кўзларини жавдиратиб қолди, ўз қўли билан чой дамлаб, қўйиб бермоқчи, мезбонлик қилмоқчи эди, бўлмади, тарвузи қўлтигидан тушиб, қуруқ чойнакни ушлаганича:

— Келинглар,— деганини эшитиб қолдик,

Бригада ерларини ёқалаб, идорага бордик. Раис Тўйчи ака икки томонга одам юборди, бўлмади, бу орада колхоз ҳақида анчагина гаплашиб олдик. Гап айланиб, яна Туроб акада тўхтади. Бироқ ўзидан дарак йўқ эди.

— Виргалашиб тузганмиз колхозни,— деди раис Тўйчи Тожибоев,— роса ўттиз йил бўлипти, шунга. Барака топсин, Туроб ака, азамат экан. Шу давр ичида нари-бериси билан уч йилча раис, ҳосилот бўлганини ҳисобга олмаганда ўттиз йилдан буён бригадирлик қиласди. Колхоз янги тузилганда ҳам, кейинги ташкилий даврларда ҳам, Улуғ Ватан уруши йилларидағи энг оғир пайтларда ҳам бир ўзи уч-тўрт азаматнинг юкини кўтарди. Ана...

Туроб ака кириб келди. Сўрашдик. Ўрта бўй, унча ориқ бўлмаган гавдаси абжир, қадам ташлашлари ёшлардек тетик бу одамнинг ёши олтмишдан сшганига ишониб бўлмасди. Пешанасидаги турмуш тирноғининг изларигина бунинг гувоҳи эди, холос. Офтобда тобланган юзлари қип-қизариб турар, лаблари иссиқдан қовжираганига ўхшарди. Баҳорда ерга қадаладиган чигит донасини тишлари орасига олиб чақиб синасан, тупроқнинг майинлигини әзғилаб кўрган, кетмон кўтариб, қамчи ушлаган, ниҳоят, кузакда, бўлиқ кўсакдан бир сиқим паҳтани сугуриб олган, еппоқ мөмичини чангallаб кўриб, тўқ чигитни яна тиш орасига олиб боргани бармоқлар, қадоқ бармоқлар стол чизиб, гапимизга кўмаклашарди. Биз, ҳали ҳеч нарса демай туриб, Туроб ака ўзидан-ўзи гапиркетди.

— Кечаке кечқурун йўқлатипсизлар, оғирроқ участкамиз бор эди, ўша ерда қолиб кетдим.

— Айтдим, буни,— деди раис.

— Чап бериб юрибсиз, Туроб ака, яшириб нима қиласиз?— деди ўтирганлардан кимдир ҳазиллашиб.

— Чап берсам, бермасам, бизда ҳам бор ўшандақалари.

— Олтиталиги-я?

Туроб ака индамай қолди. Ўтирганлар бир-бирларига қараб олишди. Ҳазилнинг таги зил чиқиб қолди. Гап бориб кечаги воқеага тақалди.

Район партия комитетининг секретари Мойисей Васильевич Ким куни бўйи бизларга ҳамроҳ бўлди. Эрталаб у бизга машинасининг орқа томонига ташлаб қўйилган бир туп ғўзани кўрсатди. Илдизи билан суғуриб олнигани бу тунда оптита кўсак бор эли. Мойисей Васильевич «Политотдел» колхози идорасига кираёттанимизда ғўзани қўлига олди. Тўғри бориб колхоз раиси Ман-Гим Хванга кўрсатди. Қаранг-га, районнинг серҳосил, илғор колхозининг раиси ғўзани кўриши билан бир хил бўлиб кетди. Қўлига ҳам олмади, у бир қаращаёқ нечта кўсаклигини пайқаганди. Раиснинг авзойини сезган Мойисей Васильевич ғўзани секин деразага қўйиб, ҳеч гап бўлмагандек ўтираверди. Кечга томон эшитсан, райком секретари жўнаши ҳамоно, раис тўппа-тўғри пахтазорга қараб кетибди.

«Правда» колхозининг далалари ёқалаб бораражанмиз, кенг пахтазорнинг ўртасида колхоз раиси Иван Антонович Цойни учрат-

дик. Мойисей Васильевич бояги ғўзани унга ҳам кўрсатди. Кекса, тажрибали деҳқон Иван Антонович ғўза тупини қўлга олиб ҳавас билан унга тикилди. Кўсакларини битталаб ушлаб кўрди, гулларини санади, энг учидан бир энлик чимчиб олиб, узиб ташлади, чеканка қилди.

— Қаердан?

— Юқори Чирчиқдан.

Ҳаммамиз кулиб юбордик, раис ҳам куларди, ҳам сўраганидан пушаймон эди. Айтмаслигини биларди-я, сўраб нима қиласарди.

— Бизда ҳам топилиб қолади,— деди у оҳиста.

— Қани, қаерида?

— Ҳа, энди, қидириш керак-да.

Яна кулги кўтарилиди. Раис тупни қўлида ушлаганича ҳамон ҳавас билан унга тикиларди.

— Барака топсин, ҳозирки олтитадан тугдирашибими, марра ўшаники.

Раис билан хайрлашдик. Мойисей Васильевич ғўза тупини машина орқасига ташлаганича, кечгача қўлига олмади ҳам, бирорвга кўрсатмади ҳам. Аммо мана шу икки раисга кўрсатгани ҳақидаги хабар колхоздан колхозга тарқалиби, тилдан-тилга ўтибди. Ҳозир Туроб акага қилинган ҳазилнинг тагида ҳам ана шу гап ётарди. Деконнинг орияти кучли бўлади. Туроб aka ҳам шу топда худди Мойисей Васильевич унга ҳам ўша тупни кўрсатиб, «Хўш, Туроб aka, бунга нима дейсиз?» деяётгандай ҳис қиласарди ўзини.

— Олтита бўлмаса ҳам учта-тўртталиги бор,— деди Туроб aka,— хуллас, мана шу ой-

да зўр берган ютади, сал бўшаштирган бой беради-да.

— Ўт қалай, ўт? — тўсатдан сўраб қолди раис.

— Тозалашяпти. Мен ҳам ўша билан овора эдим... — Туроб ака шундай деб бизга қаради, — Асад кирди. Ота-боболаримиз Асад — ғўзангни ясат деганлар. Ғўзани ясатиш дегани нимаси? Ясатишнинг маъниси шуки, аввало унинг ўзини бегона гиёдан тозалаб, пок қилиш керак. Ана ундан кейин потирлатиб кўсак тугаверади, деҳқончасига айтганда, ғўзанинг Асадда кийган либоси шу бўлади. Озиқлантириш ҳам, суғориш ҳам, ишлов ҳам вақтида бўлиши шарт. Шундай қилинганда мўлжалдаги ҳосил қўлга кираверади.

Бир юз йигирма икки гектар пахтазор. У бошидан бу бошига бориб келгунча ғўза неча бор товланади ахир. Туроб ака билади шуни. Кеча курио келган пайкалидаги гўзалар бугун қай аҳволда-ю, эртага қанақа бўлади, у турган жойида айтиб бераверади.

— Колхозларнинг техникага эга бўлиши, нима десам экан, қишлоқ хўжалигига бекиёс катта ўзгариш ясади. Мана, ўзингиз кўриб турган иккита звено — икковида ёш, эпчил, ишбилармон йигитларимиз бор. Аҳмад Ҳусаинов ҳам, Деҳқон Абдуқодиров ҳам бири биридан ўтаман дейди. Қайси бири олдинда дейсизми? Иккови ҳам...

Ўтиргаклар кулиб юборишли.

— Ахир сал бўлса ҳам бирори олдинадир-ку.

— Йўқ. Иккови ҳам олдинда, — дейди сўзини такрорлаб Туроб ака. — Бирини мақтаб, бирини ерга урсам инсофдан бўлмайди. Қам-

чилиги бўлса бригаданинг ўзида ҳал қилиб оламиз... Мундоқ ўйлаб қаранг-а, мана шу жазирамада бутун ишнинг огирини шулар қиляпти. Қизимиз-ку, аллақачон терим машинасини ўрганиб олди,— Туроб ака қўли билан девордаги плакатни кўрсатди. Унда кўхликкина бир қизнинг — Урби Абдуқодированинг портрети бор эди.

Урбиой звено бошлиғи эди. Республика-мизда турсунойчилар ҳаракати бошланганда ёш пахтакор ўз бригадири ҳузурига келди:

— Туроб ака, мен ҳам пахта териш машинасини ўргансам.

Қизнинг қалбидаги жўшқинликни дарров пайқаган Туроб ака унинг гапини охиригача ҳам эшитмади.

— Тўғри ўйлабсан, қизим. Яхшилаб ўрган, ўзимизнинг бригадада терасан, маъқулми?— Қиз севиниб кетди, шу кундан бошлаб янги касб қучогига отилди. Мана ҳозир Урбиой янги пахта териш машинасини мукаммал ўрганиб олди. Бригада ерининг ярмидан кўпи яхлит, машина теримига мосланган. Бу йил бригаданинг ўз теримчиси теради бу пахталарни. Урбиой пўлат машинасини шайлаб, стартда турибди.

Туроб ака ишнинг оғири механизмлар зиммасига юкландигани, механизаторлар эса колхоз ишлаб чиқаришининг асосий кучи эканлигини мамнуният билан сўзлар экан, худди шу ерларда киши бошига бир гектар, баъзи жойларда ундан ҳам оз ер тўғри келганда ҳам ҳосил ҳозиргисидан анча паст бўлгани кўз олдингизга келарди. Энди-чи? Ҳар кишига тўрт гектардан тўғри келади. Шунда ҳам сарф қилинаётган меҳнат аввалгиси-

дан кам, ҳосил эса анча ортиқ. Бригада ўтган йили гектаридан ўттиз беш центнердан ҳосил кўтарди.

— Тағин ҳам парваришни етказолмадик. Бўлмаса, уч-тўрт центнер оширишнинг иложи бор эди,— дейди Туроб ака.

— Ҳиссасини бу йил чиқарарсиз?

Туроб ака сукут сақлар экан, раис жавоб қилди:

— Ҳиссасини дейсизми? Ҳақини қўймайди Туроб ака. Айтдим-ку, ўттиз йилдан бери бригадир бўлиб, бирон йил ўттиз центнердан кам олганини билмайман. Албатта, у пайларда бригаданинг ери ўттиз-қирқ гектар атрофида бўлар эди... Ҳозир-чи? Қаранг, кичикроқ бир колхоз дейсиз. Қирқ бешдан кўтармоқчи.

— Қирқ беш? Қирқ икки центнердан әмасмиди?

— Тўғри. Ҳозир тушунтириб бераман,— деди Туроб ака ва ён томондаги стулда ўтирган район ижроил комитетининг раиси Йўлдош Иброҳимовга ўгирилди,— фурсатдан фойдаланиб бир нарсани айтмоқчиман Йўлдош ака, кечаги йиғилишни яхши ўтказдинглар, шундай қилса бўлар экан-ку. Бригадирнинг руҳи ҳам кўтарилади, билмаганини биллиб олади, тажрибасини ўргатади. Қуруқ ваъзхонликдан не фойда.

Яхши ташаббус, пухта ўйла б ўтказилган тадбир ҳамма вақт қўллаб-қувватланади, кишинарда меҳнат завқ-шавқини алангалашиб юборади. Районда ўтказилган бу йиғилиш ана шундай кўтаринкиликка сабаб бўлдики, Туроб ака ҳам ҳозир шуни айтяпти.

...Эртага жонажон партиямиз Марказий

Комитетининг пленуми очиладиган кун. Кечки пайт. Радиодан пленум шарафига тортиқ қилинган меҳнат совғалари — рапортлар эшитилиб турибди. Колхознинг шинам шийпонида, ҳовуз лабидаги чорпояда кўрпачалар устида пахта бригадаларининг бошлиқлари, агрономлар, партия ташкилотларининг секретарлари, раислар ва уларнинг механизация бўйича ўринбосарлари чой ичиб, гурунглашиб ўтиришибди. Бу ўтириш расмий мажлисга сира ўхшамасди, шу билан бирга тўй-томошадан ҳам фарқ қиласди. Пахта усталари Нурмамад Имомов, Ким Ден-Нак, Раҳимахон Давидовалар қаторида «Ленинизм» колхозининг бригадири Туроб Ҳамроев ҳам ўтиради.

Одатдагидек узундан-узоқ доклад бўлмади. Чой устидаги суҳбат деб аталган бу йиғилишда ҳар ким ўз тажрибасини гапирди, гап орасида билмаганини сўраб олди, луқма ташлаганга жавоб қайтарди. Агроном ўз маслаҳатини берди, механизатор машинасининг «саломатлигини» айтиб берди. Ҳар бир бригадир ана шу ўтиришда ўз имкониятларини чамалаб, эртага очиладиган пленум шарофатига қўшимча центнерлар беришга ваъда қилди. Районда «Чой устидаги суҳбат» гача мажбурияти қанча эди-ю, ундан кейин қанчагача ошди? — деган иборанинг тарқалиши шу ердан бошланди. Суҳбат анчагача давом этди ва жуда мароқли ўтди. Ўтирганлар худди бир оила аъзоларидек, борини баҳам кўрадиган, йўғига қарашадиган бўлиб тарқалишди. Бу суҳбатдан шундай таассурот қолдини, колхоз ишлаб чиқаришининг асосий командирлари бўлган бригада бошлиқлари билан

тез-тез ана шундай тажриба алмашиш сұхбатлари ўтказиб туриш ниҳоятда зарур әкан. Агар район ташкилотлари каноп ва маккажды хори экувчи бригадирларнинг сұхбатини ҳам ўтказсалар яхши бўлур әди. Тураб ака ана шу ўтиришда бригада аввалги мажбурияти устига яна икки центнер қўшганини айтган әди. Гўзанинг шу кеча-кундуздаги ривожи — Асадда кийган либоси бемалол қирқ беш центнерга етказиш имконини беради. Тураб аканинг қирқ бешга бел боғлагани ҳам шундан.

Тураб ака яшил денгиз соҳилидан оҳиста юриб, узоқлашди. Онда-сонда энгашар, ўт юлиб олар, яна йўлида давом этарди. Бораркан, атрофида тўхтовсиз шитирлаётган товшуш — кетма-кет тугилаётган кўсакларнинг шўхлиги кекса дежконнинг дилини қувонти-рарди.

1960 ийл, июль

Куз барвақт тушиб, ҳавонинг қош-қовоги осилди-қолди. Гоҳ шивалаб, гоҳ шаррос ёмғир қуяди. Булут қуёш бетига парда тортгани тортган. Каттадан-кичик — шаҳарликми, қишлоқлик — пахтани йигиб-териб олиш ташвишида...

Эрталаб редакцияга келсам «Правда»нинг Ўзбекистондаги муҳбири В. Вельмицкий мени йўқлатганини айтишди. Телефон қилдим. Келадиган бўлди.

— Дўстим,— деди елкамга қўл ташлаб Вельмицкий,— «Правда»ни Ўзбекистонда чиқарадиган бўлдик...

Уруш йили әмасми, юрагим бир орзиқиб тушди. «Нима гап ўзи?» дегандай унга тикилдим.

— Партия Марказий Комитетининг кўрсатмаси шундай. «Правда»нинг сайёр редакциясини ташкил қиласиз. «Правда» пахта учун! Қалай, маъқулми?

Мен очиғи бу янгиликдан ҳангманг бўлиб қолгандим. Ахир отахон газетамиз «Правда»нинг Ўзбекистонда чиқарилиши —

бу журналистикамиз тарихида сира бўлмаган — биз учун жуда катта воқеа эди.

— Нега ағрайиб қолдинг?

— Йўг-э, жуда яхши бўлибди...

— Тайёrlигингни кўравер... Фикр-мулоҳазаларингни қоғозга тушириб қўй. Кечқурун учрашамиз.

Куни бўйи ишломадим. Бу воқеа мени тамомила ўз комига тортиб олганди. Биринчидан, «Правда»нинг шу ерда, ўзбек тилида чиқарилиши катта бир тарихий факт бўлса, иккинчидан, пахта йигим-терими даврида чиқарилиши ВКП(б) Марказий Комитети, Совет ҳукумати, Давлат Мудофаа Комитетининг пахтага қанчалик катта аҳамият берадётганини, ўзбек деҳқони етиштирган пахта шунчаки қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўлиб қолмай, фронт учун қурол-яроғ, озиқ-овқат қанчалик муҳим бўлса, бу ҳам ўз аҳамияти билан шу ҳаторда турганини кўрсатарди.

Республика пахтакорлари йил бошида ўзларининг 1 қурултойларига тўпланиб, бу йил мамлакатга бир миллион тонна «оқ олтин» етказиб берамиз, деб эл-юрт олдидা аҳд-паймон қилған, онт ичган эдилар. Бу қасамёд етти яшардан етмиш яшаргача — ҳамманинг фикр-ёди, маҳсад-тилагининг ифодаси эди. Бу қасамёд фронтда жанг қилаётган азаматларга мадад, уларнинг ўрнини сездирмаслик, улар учун ҳам меҳнат қилаётган отоналари, қаллиқлари, укаларининг аҳди-паймони эди. Кузакда, пахтани йигиб-териб олиш палласига келиб, икки-уч сменалаб ишлаётган ишчи, инженер-техник ҳам; бир ўзи икки-уч кипшининг ўрнида қолган олим ҳам; студент, ўқувчилар ҳам шу ташвиш билан

кун кечира бошладилар. Пахтакорнинг қасами ҳаммамизнинг қасамимиз, дерди улар.

Орадан сал ўтмай «Правда» пахта учун!» номли газетанинг сайёр редакцияси сафарга отланди. Отланганда ҳам кўч-кўрони, довдастгоҳи билан. Махсус вагонда редакциянинг машинкасидан тортиб қофозигача, очиқ вагонга эса машина ортилган. Редакциямиз ишни Фаргона водийсидан бошлади. Область марказларида тўхтаймиз. Ҳар хил форматда газета чиқарамиз. Газеталаримизнинг нусхаларини кўпинча «Қанотли почтачилар»— самолётлар тарқатарди. Бу нарса — газеталар ўз вақтида етказилиши билан бир вақтда мусобақадош областлар, районлар, колхозларда терим суръатини оширишда матбуотнинг таъсир кучи қанчалик зўр эканини яққол намойиш қиласр эди.

Бутун республика фронт учун, душман устидан ғалаба қозониш учун меҳнат қилаётган оғир кунларда ишчи ҳам, хизматчи ҳам, зиёли ҳам деҳқон билан ёнма-ён туриб мамлакатга пахта етказиб беришни ўзининг шарафли бурчи деб билди, оби ҳавонинг ёмон келгани, барвақт қиши бошланганлигига қарамай, йиллик планни шараф билан адо этди.

Бундан йигирма беш йил муқаддам 1944 оғир уруш йилининг пахта хирмони ана шундай қад кўтарган эди. Шаҳарнинг қишлоққа, корхонанинг колхозга моддий-техника ёрдами, мутахассисларнинг кўмаги ҳақида алоҳида ёзиш керагу, аммо деҳқон билан ишчининг, шаҳар билан қишлоқнинг ҳамкорлигини, социалистик хўжаликнинг куч-қудратини лоақал мана шу машаққатли хирмон-

нинг ўзи бутун оламга кўз-кўз қилиб турарди.

Мана шу йилни эслаганда, кўпинча колхозлар янги ташкил этилган пайтларда яратилган ва машҳур бўлган қўшиқнинг «Яшасин дунёда доим, ишчи-дехқон бирлиги...» деган сатрлари эсга келади.

Ҳа, бу қўшиқ катта-катта йигинларда айтилар, радио орқали берилар, халқ орасида кенг тарқалган эди. Ҳозир бу қўшиқни деярли эшитмаймиз. Биз-ку шундай, аммо ҳозирги ёш авлод-чи? Табиийки, уларга аввало қўшиқнинг сўзлари галати туюлади. Наинки, ёшлар, ўзимизга ҳам шундай кўринади. Ахир бугун ишчи-дехқон бирлигисиз ҳаётимизни тасаввур қилиб бўладими? Бошқачароқ қилиб айтганда, этдан тирноқни ажратиб бўладими? Октябрнинг ҳаётбахш қуёши дехқоннинг даласига нур сочиб, косибнинг ҳовлиси га кириб борган муборак айёмда ишчи билан дехқоннинг забардаст ҳадоқ қўллари бир-бирини маҳкам қисиб ушлаганича бу табаррук удум халқимизнинг қон-қонига сингиб кетди. Асрлар бўйи шу орзу-умид билан яшаган халқ ниятига етганидан беҳад шод эди, шодлигидан қўшиқ куйлади, куй яратди. Ушалган орзусининг рамзи — «Ўроқ ва Болга» озодлик, эрк ва бахтимиз байроғининг тамғаси бўлиб қолди. Ишчи-дехқон бирлиги, ҳамкорлиги ҳаётимизнинг мазмуни бўлгани, онгимиз, қонимизга сингиб кетгани, бусиз социалистик жамиятимизни тасаввур этиш қийинлигидан бўлса керак, маҳсус конструкторлик бюролари, заводлар қишлоқ аҳли учун янги машина яратиб берса оддий, зарурий иш деб қараймиз; пахта ташишга

қийналмасин, деб янги автоприцеплар тайёрлаб беришига ўрганиб қолганмиз. Чўлларни ўзлаштиришда сув ерга сингиб кетмасин, исроф бўлмасин дея цемент ариқлар ясаб берса; авиация деҳқон хизматида бўлса; энергетиклар қишлоқни нурафшон этиб, устахоналарни ёритса; баландликка сув чиқарадиган насосларни ишга солса сира ажабланмаймиз. Мирзачўлни ўзлаштириш оммавий тус олганида бутун мамлакат, қардошларнинг мадад бергани, улкан саноат корхоналарининг беқиёс кўмаклари ишчи-деҳқон бирлигининг, ҳалқлар дўстлиги, аҳил-пайвандлигининг ёрқин тимсоли эмасми.

Республикамиизда қурилган ва қурилаётган ирригация иншоотлари ўзининг кўлами жиҳатидан ҳам, қуввати жиҳатидан ҳам жаҳонни қойил қўлдирмоқда, ишчи-деҳқон бирлигининг, социалистик деҳқончилигимиз куч-қудратининг афзаллигини намойиш қилмоқда.

Қишлоқда бундан қирқ йиллар муқаддам неча хил касб бор эди? Деҳқончилик. Йирикроқ, ўзига дурустроқ қишлоқда темирчилик, тақачилик, ёрлақаса аравасозлик... Бу касбларни бармоқ билан санаса бўларди. Тошкентнинг биқинидаги Аччи қишлоғидан тонг қоронғисида йўлга чиққан киши этигига нағал қоқтириб қайтиб кетишга улгуrolmasdi, эртасига йўлга чиқарди. Қонқусдан тушган деҳқон битта кетмон деб кунини ўтказарди. Кечагина эмасмиди шулар. Буни ўз кўзи билан кўрмаганларга галати туюлади. Худди ўша деҳқоннинг ўғил-қизлари ва неваралари ҳозир механизатор-деҳқон, ирригатор-деҳқон, инженер-деҳқон, бинокор-деҳ-

қон, энергетик-дәхқон, селекциячи-дәхқон... бунга ҳам шунчалик ўрганиб қолганмизки, бошқача бўлишини сира тасаввур қилмаймиз.

Юртимизга тез-тез чет эллик меҳмонлар келиб туради. Мабодо, улар қишлоқда ҳозир нэча хил касб кишилари бор, деб сўраб қолгудай бўлса дабдурустдан ажабланиб қарайсан киши. Негаки, биз қишлоқда кўрган-билганларимизга ўрганиб қолганмиз. Шу туфайли, қишлоқ билан шаҳарликларнинг касб-корини санаб ўтирамаймиз, бунга зарурият ҳам йўқ. Борди-ю санамоқчи бўлсак, саноғига етолмаймиз. Колхоз сўзи ўзбек тили луғатидан ўрин олганига нари-бериси билан қирқ йил бўлди. Бироқ бу сўзга биз шунчалик ўрганиб қолганмизки, унинг эндиғина қирчиллама ёшга кирганини ўйлаб ҳам кўрмаймиз, бу хаёлимизга ҳам келмайди, гёё она тилимизда шундай сўз бўлган ва бундан кейин ҳам шундайлигича қолади. Бу сўз ҳаммамизнинг ҳаётий эҳтиёжимиз ифодаси бўлиб, тилимизни бойитди.

Ишчи, хизматчи, инженер-техник ходим, зиёли қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашишгина эмас, ҳатто зарур бўлиб қолганида этак тутиб пахта даласига чиқади, шофер бўлиб машинасига ўтиради, механизатор бўлиб бункердан пахта тўқади. Беминнат қиласи буни, қалб даъвати билан қиласи, эл-юрт олдида ўз гражданлик, ҳамкорлик бурчини бажариш учун қиласи. Чунки у бу ишни эл-юрт учун, ўзи, давлати учун қилаётганини яхши билади. Ўша, огир урущ йилидаги бир мисолнинг ўзи буни яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбек деҳқонининг қардошлар дастурхонига қўшадиган ҳиссаси асосан, пахта! Пахтакор ўз касби билан қанчалик фахрланса, ишчи ҳам, хизматчи ҳам шунчалик фахрланади. Мамлакатимиздаги веча-неча тўқимачилик корхоналарининг коллективлари пахтага кўз тикиб туришади. Пахтакорчининг иши билан қизиқишиди, унинг муваффақияти билан баб-баравар қувонишади... Пахтамизнинг довруги Ватанимиздагина эмас, жуда кўп хорижий мамлакатларда ҳам маълум.

Бундан ниҳояти 25 йил муқаддам ўзбек халқи бир миллион тонна пахта етиштириш учун курашган эди, эндиликда биз мана, неча йилдирки, тўрт миллион тонна атрофидан хирмон кўтаряпмиз.

Мамлакатимиз пойтахти Москвада колхозчиларниң Бутуниттифоқ III съездидаги республикамиз колхозларининг вакиллари қардош халқлар деҳқонлари қатори ишчи-дехқон бирлиги, ҳамкорлигининг буюк самарасини бутун жаҳонга яна бир бор намоийиш қилдилар.

1970 йил, январь

— Ўзбеклар қанча кишига бошпана бера оладилар?

Усмон Юсупов ўрнидан турди:

— Қанча лозим бўлса шунча кишини ўз бағрига олади, Иосиф Виссарионович.

Даҳшатли урушнинг оғир кунларида Давлат Мудофаа Комитетида бўлиб ўтган эпизод бу.

Сал ўтмай шахримиз кўчаларида ҳар хил миллат, турли әлат болаларини етаклаш бораётган Шоаҳмад ака, Баҳри опаларни, опичиб олган Оқилхон акаларни, бағрига босиб бораётган Лутфихон аяларни кўрдик. Аравага юк ортган чол йўл азобидан ҳориб-чарчаган икки аёлни бошлаб, маҳалласига олиб келаётибди. Чойхона олдидаги гулзорда ҳар хил тилда гаплашаётган қариялар, аёллар, ҳали бу даҳшатнинг нималигига тушиуниб етмаган гўдаклар чуғурлашиб туришибди. Чойхона тепасидаги болохонага жой ҳозирланаётибди. Бошидаги ойимдока рўмали қийшайиб, бир учи ерга тегай деб бораётган кампир ўз тенги ҳамроҳининг юкини өнгиллатиб, битта тугунини кўтариб олгани-

ча, ҳаллослаб, жавраб боради: «Бош омон бўлса дўппи топилади, гиргиттон, феъл кенг бўлгандан кейин жой торлиги қаёқча борарди...» Аёл кампирнинг гапига тушунмайди. Раҳмдил кўзларига тикилади, тушунгандай бош иргайди, унга сари кампир тушунтиришга ҳаракат қиласди: «Хорош, хорош... Дил тортдими, тил топилади, майли. Йиғлаган плохо... Мама, сестра...» Ҳамроҳи кулиб, украйинча жавоб қиласди...

Ўша даҳшатли кунларнинг бирида, ғирашира оқшом пайтида шундай бир воқеа соидир бўлганди: Тошкент вокзалига катта эшелонда келган болалардан саккиз-тўқиз яшар Остап синглиси Лесяни олағовурда йўқотиб қўйди. Шу дақиқадан бошлаб, кўзидан ёш аримади, тиними йўқолди, дод солиб йиғлайдиган бўлиб қолди. Болалар уйидаги тарбиячилар қидирмаган жой қолмади, синглиси топилмади. Ниҳоят, болани Маҳкам ака тарбиясига олди. Олди-ю, уйда ҳам тиним бўлмади. Остап турса ҳам, ўтиrsa ҳам, еса ҳам, ичса ҳам йиғларди. «Онам жон бераётганда, биттаю битта уканг, уни ташлама», деган эдилар деб, ҳамманинг юрагини эзарди. Маҳкам ака болани етаклаб, шаҳар кезди, бормаган жойи, кирмаган кўчаси, қоқмаган эшиги қолмади. Кечга томон трамвайдаги боришаркан, Остап бирдан «Леся!» деб бақириб юборди. Маҳкам ака болани етаклаб пастга тушди. Остап ғира-ширада кўча бўйлаб «Леся!» лаб бақириб бораарди. Улар ўртаси гулзор чорраҳага етишганда кўчанинг нариги томонидан «Остап!» деган қўнғироқдай овоз эшитилди. Лесяни етаклаб бораётган аёл тақча тўхтади. Бир-бирига туташган кўча ўртаси-

даги хиёбон кўкида икки норасида жигаргўшаларнинг овози янграб, акс садо бера бошлиди: «Оста-ап! Ле-е-еся?» Улар топишишиди. Оқшом пардаси қоплаган кўча, хиёбонда қуёш чараклаб кетди, мисоли.

Акс садоси билан бир қориндан тушган икки қалбни туташтирган мана шу қўнғироқ овозлар ҳамон қулоқларим тагида жаранглаб тургандай... Остап, Лесяларнинг номлари билан атаса арзигулик шу кўча, шу хиёбон, меҳригиё кишиларимизнинг оқибатлари олдиди ҳар қандай даҳшатнинг юзи тескари бўлади...

Бўйрадек кулбасини ҳам, туя кўзидек кулчасини ҳам хонавайрон бўлган қон-қардошлар билан беминнат баҳам кўрган тошкентликлар ўша йили шаҳар аҳолисидан бир яrim баробар кўп кишини бағрига олди. Урушдан азизлар чекканлар ўзбек оғасининг қалбидаги кулбасини, кўзларида ватанини кўрди. Нафасдек азиз дўстликни ҳис этди...

Мамлакатимизнинг икки ерида — Белоруссия ўрмонзорида, ҳамда Фарғона водийсида Топиболдиев номига қўйилган қишилсқ бор. Бир номдаги бу икки қишлоқ икки халқнинг — белорус ва ўзбек халқининг дўстлиги, қон-қардошлиги, меҳр-оқибати тимсоли бўлиб қолди.

Ўзбек йигити Мамадали урушнинг даҳшатли кунларида Белоруссия ўрмонларида партизанлар билан бирга жанг қилиб, қон тўқди, оғасининг ерини душмандан ҳимоя қилишда оғир ярадор бўлди. Душман бўсиб олган ерда, ҳар дақиқада хавф-хатар даҳшат солиб турган бўлишига қарамай белорус аёли ўзбек йигитини ўз бағрига олди. Яраси-

ни даволай бошлади. Улар она-бола тути-нишиди.

Бундан икки йил муқаддам Белоруссияда ўзбек йигити, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топиболдиевнинг белорус онаси билан учрашганини кўрган эдим. Бу учрашувни сўз билан айтиб бериш, ёхуд расмда чизиб кўрсатиш қийин. Уни кўриш керак эди. Мункиллаб қолган нуроний кампир паҳлавон йигитни бағридан қўйиб юбормасди, юм-юм йингларди, «халоскорим» дерди кампир; «мәҳрибоним» дерди йигит. Қалбларни ҳаяжонга соларди, ҳаёт-мамот жангининг даҳшатларини эслатарди бу учрашув.

...Баҳор кунларининг тонг палласида ноғаҳон шаҳри азмимиз ларзага келди. Гул япроғидаги шабнам доналари қуёш бетини кўрмай дув тўкилди. Мусаффо кўкни чанг-тўзон қоплади. Имаратларнинг оёқлари қалтираб, тиззалари букилди, қобирғалари қарсиллаб, кўплари синди. Этлари парча-парча бўлиб кетди, ўпкаси ҳарсиллади, аммо алгов-далғов бўлган юрак бардош берди!

Азизу мўътабар замин! Она ер! Гардингни кўзларимга тўтиё қилгум, табаррук тупроқ! Сенга на бўлди? Нега бунчалик безовталандинг? Нохуш туш кўрдинғу қўрқиб, сескандингми? Ё ўша даҳшатли йил — фарзандларинг орасидан чиққан, одамгарчилик қиёфасини йўқотган, эллар-элатлар, листлар-миллатлар орасига низо солиб, сени топтаган, тупроғингни қонга белаган бир гала ёвузлар — фашист йиртқичларининг одамзот босшига соглан кулфатлари тушингга кирди-ю, газабдан силкиниб, сесканиб тушдингми? Сени жамиша ардоқлаётган миллион-мил-

лион қобил, яхши ниятли, пок қалбли фарзандларинг орасида бир ҳовуч газандалар ҳам бор экану сен уларни ҳам бағрингда олиб юрганингдан хижолатдамидинг? Шулар тушингга кириб, безовта қилдими? Ахир, азамат фарзандларинг ўша фашизм деган иллатдан мамлакатлар, ҳалқларни халос қилганига чорак аср бўлди-ку. Ҳа, дарвоҷе, сенинг улкан умринг ҳисобида чорак аср дегани бир кеча ё бир кун ҳисобига тўғри келса керак. Ўша одамлар бошига қиргин солган, неча миллионларнинг ёстигини қуритган уруш бамисоли кечада бўлиб ўтгану, сен ҳам ҳориб-чарчаб ухлагансан, тушингда шуни кўргандирсан, безовта бўлганингнинг боиси ҳам шундандир. Аммо ўзинг безовта бўлдингу, тинч, осойишта, фароғатда яшаётган миллиондан ортиқ нуфузли азим шаҳарни ҳам алғов-далғов қилиб юбординг-а.

Азиз она ер бамисоли фарзандларини ҳам бевақт безовта қилиб юборганидан хижолатда эди. Хижолат билан кўзларини уқалар, киприклари пирпирав, қаддини ростламоқчи бўлар... Ниҳоятда эҳтиётлик билан ҳаракат қиласиди-ю, ҳар бир ҳаракатида тебраниб турарди...

Ижод аҳли тунларни бедор ўтказади. Қумуш тонгни қарши олмаса кўнгли жойига тушмайди. Нафасдек азиз дўстлик ҳақидаги асарининг янги бобига нуқта қўйиб, ўрнидан турган адаб, очиқ тонг ҳавосида нафас олгани айвонга чиққанида, даҳшатли гумбурлаш билан ер қимирлади. Шароф Рашидов жадал трубкани олди, гаплашди. Кейин шаҳарга кириб борди. Вайронагарчиликнинг ҳисоби йўқ эди. Сочиқ билан бошини ўраб олган

ярадорни кўрди, «тез ёрдам» машиналари визиллаб ўтиб турарди, бола кўтариб олган аёллар, қарияларга дуч келди. Шаҳарни айланиб чиқди.

Ногаҳон силкиниш содир бўлган дастлабки соатлардаёқ, халқимизнинг қалби, ақлидроқи, раҳнамоси, суюнган тоғи — партиямиз Марказий Комитети оёққа турган эди. «Энди нима бўлади?» деган табиий, шу билан бирга нафасдек ҳаётий ташвиш титраётган телефон, телеграф симларидан оқиб, бутун мамлакатга таралар, нафасдек азиз дўстларнинг қалб даъватини — «биз бормиз» деган ниносини олиб қайтарди, мисоли.

Шаҳар харобалари оралаб ўтиб бораётган Леонид Ильич Брежнев, Алексей Николаевич Косигин, Шароф Рашидович Рашидовларга дуч келган ҳар бир киши уларнинг ташвишли ва меҳрибон боқишиларида шуни сезиб, ҳис этарди, дадил ишонч билан кўнгли таскин топарди, ногаҳон офат харобалари устида голиб солдатдек одим ташларди. Одамларнинг саросимага тушмагани ана шу ишончдан эди. Интизомлилик шундан эди. Ҳар кимнинг одатдагидек дастгоҳи ёнига келгани шундан эди. Ярим соат ичида шаҳар милиция ходимлари ўз постларида пайдо бўлгани, деворлари дарз кетган хонада бошига тахтани соябон қилиб, «Тез ёрдам» телефонлари ёнидан жилмаганлар, транспорт, электр қуввати, радио, сувни тўхтатмаганларнинг ишонгани шундан эди. Шу соатларда бутун мамлакатда нон шаҳри, тинчлик шаҳри, дўстлик шаҳри Тошкент номи такрорланарди. Ҳаво лайнерлари шу томон учарди. Қурилиш материаллари ортган, юртимизнинг

узоқ-узоқ шаҳарларига бориши лозим бўлган ёшелонлар маршрутини ўзгартириб, шу томон йўл олганди.

Қардошлардан, даставвал катта огамиз Россиядан, бахтимиз бешиги Москвадан, Ленин шаҳридан, Украинадан, Белоруссиядан; ён қўшниларимиз Тоҷикистон, Туркманистон, Қозогистон, Қирғизистондан; Қавказлик оға-инилар — Гуржистон, Арманистон, Озарбайжондан; Болтиқ бўйидаги азизлар — Литва, Латвия, Эстониядан, Молдавиялик дўстлардан хушхабарлар келди: «Бинокорларимиз дов-дастгоҳлари билан йўлга чиқишли...», «Материалларни ҳам ўзимиз олиб борамиз, хотиржам бўлинглар», «Эшелон йўлга чиқди», «Архитекторлар лойиҳа тузишга киришди...»

Азиз ҳамشاҳар! Бундай хатлар, рақамларни бир неча марта ўқигансизлар. Такрорлашга ҳожат йўқлир Булар ку бутун-бутун республика, йирик шаҳарларининг беминнат дўстлиги, оқибати. Айрим кишиларнинг қалб ҳароратларини айтмайсизми. Портфель оламан деб йигиб юрган пулимни юбордим, болалар богчаси қуарсизлар, деган қизалоқдан тортиб, маошидан ўттиз сўм пулни ажратиб, «муҳтоҷ кишига беринглар, байрамда боласига кийим олиб берсин» деган ишчигача, опа-сингил пенсионерлар ўз жамгармаларини тўплаб, бутун бир уй сотиб олганлари, уруш йиллари туз тотган шаҳримизга бизнинг кўмагимиз, деб юборгандарни айтмайсизми!

Тошкентга бамисоли бутун мамлакат кўчиб келди. Ҳар кўча, ҳар хиёбонда, чорраҳа-майдонда турли тилларда гаплашаётган,

гурунг қурган, қўшиқ айтиб, ўйинга тушган бинокорларни, қардошларни кўрардингиз.

Ер қимирлаган кундан уч ҳафта ўтмаёқ янги Йўлдош шаҳарнинг биринчи иморатига пойдевор қўйилгани-қурилиш суръатининг қанчалик жадаллик билан олиб борилганидан далолат беради. Уч йилда барча қардош республикалар, Москва, Ленинград, Тошкент бинокорлари ҳамкорликда кўлами ва мураккаблиги жиҳатидан қурилишлар тарихида мисли кўрилмаган ишни бажардилар. Янги — дўстлик шаҳри Тошкент қаддини кўтариб, савлат тўкиб турибди. Янги Йўлдош шаҳарлар, янги даҳалар, янги маҳаллалар барпо этилди. Қанча уй, қанча мактаб, ошхона, магазин, болалар муассасалари — бу раҳамларни сиз яхши биласиз, муҳтарам китобхон.

Йиллар ўтар. Тарих саҳифалари авлод-авлодларга олтмиш олтинчи йил баҳоридаги Тошкент офати ва кишиларимизнинг жасоратини етказар. Ана ўшанда келажак авлод фарзандларига девор ва пештоқларига қардош шаҳарлар номи нақш этилган иморатлар буюк дўстликнинг, ҳамиша нафасдек азиз дўстликнинг жонли гувоҳи, сўнмас тимсоли бўлиб гавдалангусидир.

1969 йил, август

Меҳмонлар бирин-кетин узун стол атро-  
фидан жой олишди. Кенг, ёруғ хона алла-  
қандай ёқимли бўй — дераза нарёғидаги  
гулзордан тараалаётган, столдаги гулдонлар-  
да диркиллаб турган анвои хил гуллар атри  
 билан тўла, лиммо-лим бўлганидан, димог-  
ни чоғ қилар, ҳали қуёш иситиб улгурмагач  
салқин шабада ҳам гуллар ҳиди билан шо-  
дон уиноқлаб, роҳат баҳш этар, кишининг  
руҳий ҳолатида ажиг бир ҳиссиётни уйго-  
тардики, булар бари юзларга қалқиб, беих-  
тиёр табассумга мойиллик, чеҳраларга гул-  
гунлик, гулчирой, касб этарди.

Бу очиқ чеҳралар фақат мусаффо ҳаво,  
кенг хона, гуллар ҳидидангина эмасди, ал-  
батта. Аввало меҳмонлар билан самимий,  
ёқимли табассум-ла саломлашиб чиққан,  
стол тўрида салобат ва камсуқумлик, вазмин  
ва теран фикрли, нозик дид ва ўткир зеҳнни  
инсоний илтифот кафтига қўйиб, оҳиста суҳ-  
бат бошлиган мезбон Фахриддин аканинг  
кўнглидан сув ичаётганлар чеҳрасидаги ак-  
си эди. Кўнгилдан кўнгилнинг сув ичиши  
шу бўлса керак-да, асли.

Икки минг йилнинг нарёғи-берёғига бориб тақаладиган Фарғонанинг тарихи ҳам, ҳозир шу топда очиқ деразадан ҳайқириб кирган ҳаёт сурони — пастда, ҳув анави кўз илғайдиган жойда ишлаётган экскаваторнинг овозигача — кимдир туриб, деразани ёпди, хонага жимлик чўқди — ҳаммасини шошилмай лўнда-лўнда қилиб гапириб бераркан, ўтирганлар бамисоли водий бўйлаб сайдга чиқиши, каналлар ёқалаб, пилла қурти ғамида бир чеккадан каллакланадиган тутзорлар ёнидан юришар, бепоён пахта далаларида қизлар қошига ўсма тортгандек, эгатларга тортилган ям-яшил чизмадек бир-иккитадан барг чиқарган мурғак ғўзаларни томоша қилишарди. Худди ана шу ниҳоллардан бу йил олти юз минг тонна ҳосил олишга аҳду паймона қилган фаргоналикларнинг ҳимматию жасоратини гапиракан, меҳмонлар кўз олдиди ана шу улкан хирмон намоён бўларди. Зероки, Фахриддин аканинг лафзида ишонч, ишончида ирода, иродасида буюк қудрат сезилиб турарди. Касб-кори ирригатор бўлган бу одам шу кабинетда туриб, бутун областдаги сувнинг шу паллада қаёқдан оқиб, қаёққа тўкилаётгани-ю, қаерда камайиб, қаёққа буриб юборишни, қайси артезиандан қанчадан сув отилиб чиқаётганини, эртага қанча бўлишигача айтиб бера оларди.

— Бу йилги аҳвол оғир. Шунча ишлаб, бунчалик сув танқислигини билмайман,— дейди Фахриддин ака.

Воажаб! Олти юз минг тонна-ку, Фарғона тарихида бўлмаган марра! Шунга бел боғлаган область раҳбари сув танқислигини ҳеч чўчимай, бамайлихотир гапиради-я. Йўқ. Ба-

майлихотир деб бўлмайди. Ташқаридан шундай кўринган бамайлихотирлик замираиде кучли ирода бор. Коммунистга хос ишонч, ирода бор. Интернационалистга хос дадиллик, шижаат, дунёқарааш бор.

Сув танқислигини бартараф қилиш режаларини, қазилган, қазилаётган артезиан қудуқларни гапиракан, Бешариқда 460 метр чуқурлиқдан челакнинг тагидек қувур орқали отилиб чиқаётган сув ҳовузчасида ювинганим, болаларнинг чўмилгани кўз олдимга келди.

— Булар ҳаммаси коммунистлар бошчилигига, кўпмиллатли аҳил халқимизнинг: 112 миллат ва элат вакилларининг куч-гайратлари, ижодий меҳнатлари билан бажарилади. Бунга ишончимиз комил!

Енимда ўтирган меҳмоннинг блокнотига 112 рақами катта қилиб ёзилгани, охирига бирамас учта хитоб белгиси қўйилганини кўриб қолдим. Бу рақам унга бутун область, унинг партия ташкилоти эришаётган ютуқларнинг магзи-маъноси нимада эканлигига жавоб бўлиб туюлган бўлишига, дўстлик, интернационал улкан оила, уни оқилона қовунтира олган партия ташкилоти нимага қодир эканлигига жавоб бўлганига сира шубҳа қилмаган эдим. Кейинчалик буни мен тўрт кунлик сафар давомида унинг чеҳрасида, миннатдорона оташин нутқларида ва ниҳоят, ҳамюрти, уруш йилининг шамоли учирриб келган украин ўғлони шу ерда, ўзбек оиласида, қувалик Ҳайдаровлар хонэдонида тарбия олиб, вояга етган, ҳозир серфарзанд оила бошлиғи Мусулмонқул ўттиз йилдан кейин ўз жигари — акасини топгачи акс

тирилган кинолентани кўриб, кўзларида ёш қалққанида сездим.

Кечагина Республика мизда бўлиб ўтган, халқлар дўстлигининг ёрқин намойишига айланган Совет адабиёти қунлари бир гуруҳ ёзувчиларга ҳамроҳ бўлиб Фарғонага бориш насиб қилди. Қучоқ-қучоқ гуллар, гуллардан ҳам чиройли чеҳралар... Нон-туз насиба тутиб, пешвоз чиққан областнинг энг табаруқ кишилари. Табассум, ўйин-кулги, музика садолари остида шаҳар томон йўл оларканмиз, биринчи ташрифимиз энг муътабар даргоҳ — область партия Комитети бўлди. Юқорида зикр этилган залда меҳмонларни биринчи секретарь, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фахриддин Шамсиддинов қабул қилди. Кекса, кўпни кўрган тажрибали партия раҳбар ҳодимининг қисқа муддатли савимий сухбатда айтганлари меҳмонларда чуқур таассурот қолдирдики, бу нарса бутун сафар давомида сезилиб турди. Фахриддин акадаги босиқлик, камсуқумлик, ҳуда-бехудага ҳовлиқмаслик, баландпарвозлик ёт бўлган хислатлар, юзларида ҳамиша ёғилиб турган меҳр — бу ажойиб фазилатлар бамисоли областдаги раҳбарларга, аниқроғи, биз учрашган, ҳамсухбат бўлган партия ҳодимларига шундоққина кўчганга ўхшайди. Бир мен десам, меҳмонларимиз ҳам буни пайқашган экан.

Мусажон Шербўтаев областдагина әмас, республика, Иттифоққа номи кетган тадбиркор, тажрибакор пахтакор, колхоз раиси эди. Район коммунистлари уни ўз партия ташкилотларига раҳбар қилиб сайладилар, Мусажон Қўвадаги каттадан-кичикни ака-уқадек

билиди, шунинг учун ҳам улар ўз раҳбарларини шунчалик ҳурмат қилишади. Колхозга келса раис, бригадага борса бригадир, звено-да сувчи, боғчада тарбиячи, қариялар даврасида шогирд, икки қўли кўксида таъзим билан маслаҳатларига, насиҳатларига махтал бўлиб турадиган ходим — Қува район партия Комитетининг биринчи секретари Фахриддин акага ўхшаш деганимиз босиқ, тадбиркор, ҳар қандай ишни ҳам шовқин-суронсиз, дабдабасиз, мулоҳаза билан битирадиганлардан.

«Коммунизм» колхозида бўлган учрашув меҳмонларнинг ҳам, мезбонларнинг ҳам хотираларида узоқ сақланиб қолса керак. Қатрада қуёш акс этгани каби мана шу бир колхоздаги йигинда халқлар дўстлиги ўз ифода сини топди, ёрқин акс этди. Украиналик шоир Виктор Кочевский икки ҳалқ ўртаси лаги адабий алоқалар ҳақида, энг оғир кунларда дўст дўстга мадад бергани ҳақида тўлқинланиб галирди. Унга гул тақдим қилган ўзбек йигити меҳмонни украин тилида табриклиди. Шундан кейин тоҷик тилида шеър янгради. Шоира Гулруҳсор Сафиева табаррук қариялар, меҳнат қаҳрамонлари шаънига илиқ сўзлар айтди. Шоир Абираш Жамишев қозоқ дўстларимиздан салом топшириб, дўстлик даврасида ўз она тилида, рус тилида шеърлар ўқиб берди.

Севимли шоира Римма Казакованинг ўзбек адабиётига хизматлари катта. Унинг таржималари туфайли шоирларимизнинг асарлари Иттифоқ китобхонларига бориб етди. Унинг «Яхшимисиз» ва «Нурхон» шеърлари адабиёт кунлари — дўстлик кунларига, дўст-

лик байрамига айланганининг ёрқин тимсоли бўлди. Лариса Тараканованинг «Дўппи» шеъри, Александр Бобровнинг қўшиқлари қонқардошликни тараннум этарди.

— Биз, ҳалқлар дўстлиги, ҳақиқий интернационал дўстлик билан фахрланамиз. Районимиздаги бутун-бутун колхозлар Украина, Белоруссиядаги колхозлар билан мусобақалашган. Улар бир-бирларини худди оға-ини, опа-сингиллардек йўқлаб туришади. Мана шу топда, белоруссиялик мусобақадошларни кутиб олгани аэропортга чиқиб кетишиди,— дейди Мусажон Шербўтаев.— Ленинградликлар билан азалий дўстлигимиз-ку, ҳаммага маълум. Даламиизда биринчи марта наъра тортган тракторни ўшалар тортиқ қилишган-да, шундайми?

Мусажон каравотда савлат тўкиб ўтирган ҳар бири чинорга қиёс қилгулик табаруқ отахонларга — Мамади Узоқов, Абдуллаҳаким Нишонов, Абдуллаҳўжа Нишонов, Тўтихон опа Султоноваларга ўгирилди. Қўлдош Аҳмедов раис бўлган мана шу «Коммунизм» колхози бир вақтлар 21 колхоздан иборат эди. Партиямиз тарбиялаб етиштирган раҳбар ходимлар — ана шу нуроний қарияларимиз ўша вақтларда колхоз раислари эдилар. Мусажон ҳозир ҳам уларни фахрий раисларимиз, деб ҳурмат қиласди.

Қайси бир йигин, учрашув, шеърхонлик, тантана бўлмасин, ҳамма жойда фарғоналиклар дўстлик ҳақида мамнуният билан, кишини ҳаяжонга соладиган, ҳаётий далиллар билан гапиришадики буни икки энлик қоғоз бетида ва ёки икки оғиз гап билан ифода

этиш қийин. Бутун-бутун асарга арзигулик ҳар бири.

Юқорида зикр этилган украин ўғлонининг уруш йилида бу ерга келишидан тортиб, ҳозир етти фарзанднинг отаси экаки, ўттиз йилдан кейин туғишган акаси билан шу ерда тошигани, бола-чақаларининг учрашувлари... Бу шунчаки, икки сатрда айтадиган ахборот эмас. Икки инсон — интернационал руҳда тарбия олиб вояга етган икки оиласининг машиқатли ва фарогатли босиб ўтган йўли бу!

Фарғона пахтаси, пилласи, чорвасию дони билангина эмас, сертармоқ саноати — атласию кимёси, цементию нефти, пойафзалию гази, темир йўлию қандолатпазлиги, машиналарию ёғи, кийимларию электр қуввати билан ҳам машҳур. Ана шу тармоқларнинг қай бирига қадам қўйманг, дўстлик боғига киргандек бўласиз. Марғилон атласчилари ҳузурида бўлган учратув ҳам худди ана шундай кўпмиллатли халқлар дўстлиги на моянишига айланди. Меҳмонлар ҳам, шаҳар партия ташкилотининг раҳбари Мўмин Мұҳиддинов ҳам, комбинат партия ташкилоти раҳбари Геннадий Қосимов ҳам ана шу ҳақда гапирдилар.

Республикамиз партия ташкилотининг эллик йиллиги арафасида унинг жанговар отрядларининг тарихига, фаолиятига назар ташласак, партиямиз босиб ўтган йўлнинг салобати тағин ҳам ёрқинроқ намоён бўлади. Большевик А. Г. Зарабов бундан роса етмиш йил муқаддам Қўқон шаҳрига келиб, ишчи-солдатлар орасида революцион гояларни тарғиб қила бошлаган эди. Интернационализм руҳи, дўстликнинг рамзи эди бу.

Меҳмонларнинг қўқонликлар билан учрашуви ғалаба байрами кунига тўғри келди. Бу ерда ҳам партия ташкилотининг биринчи секретари Али Комилов шаҳарнинг бугуни ва әртаси, энг муҳими, одамлари ҳақида, кўпмиллатли қўқонликларнинг аҳил оила бўлиб яшаб, ижод әтаётганларини тўлқинланниб, ҳаяжон ва фахрланиш ҳисси билан ҳикоя қилиб берди.

Меҳмонлар шаҳарнинг тарихий жойларини кўришди. Жангчилар монументларига гулчамбарлар қўйиши, ёғ-мой заводи ишчилари билан учрашишди. Қечқурун шаҳар меҳнаткашларининг дўстлик кечасида шеърхонлик давом этди.

Табиат ўз инжиқлигини қилди. Қечқурун, биз йўлда бораётганимизда, бутун мамлакат сукунат дақиқасини кутаётган бир пайтда уфқ ёришиб, бир-икки чақмоқ чақиб ўтди. Момақалдироқ бўлди, бирпасда шамол туриб, бўронга айланди-ю, кўп ўтмай босилди.

Эртаси эрталаб, Киров районига жўнадик. Яқинлашиб қолганимизда йўлнинг икки томонидаги пахтазорларда борган сари қўплаб одамлар кўрина бошлади. Ягана қилишаётгандир деган хаёлда марказга кириб бордик. Қучоқ-қучоқ гуллар, катта тантана билан кутиб олишди. Шундан кейин, ҳамма ерда бўлгани каби суҳбат бошланди. Аммо бу сафар район партия ташкилотининг биринчи секретари Усмон Бегматов ижроком раиси Инъомжон Саидов қулогига бир нима деб пичирлади-да, меҳмонлардан узр сўраб, оҳиста ташқарига чиқиб кетди. Буни бирор пайқади, бирор пайқамади, ҳам. Суҳбат да-

вом этаверди. «Бешариқ» совхозининг дала шийпонида ажойиб учрашув бўлиб ўтди. Турли миллат тилларида шеър, қўшиқ, ҳажвиялар янгради. «Бешариқ»ликлар меҳмонларни гулларга кўмиб юбориши.

Учрашувдан кейин билсак, кечаги ҳаво бузилганида дўл аралаш жала қуйган, биз кўриб ўтган далалардаги ғўзаларга катта зарар етган экан. Кўринишида ҳам, гап-сўзида ҳам, ҳаракатида ҳам ҳеч нарса сезилмаган Усмон Бегматов очиқ чеҳра билан меҳмонларга пешвоз чиқиб, уларни кутиб олиб, хотиржам бўлгану, ўша, пайҳон бўлган дала га жўнаган экан.

Ҳақиқий партия ходими, раҳбар ходимга хос босиқлик, ҳовлиқ масдан, тадбир билан иш кўришликнинг яна бир намунаси эди бу.

Адабиёт кунлари баҳона Фарғонанинг ҳам, Фарғоналикларнинг ҳам характерлари ни, айниқса, коммунистлар, уларнинг меҳнаткашларни дўстлик, интернационализм руҳида тарбиялашдаги тадбиркорлигини, яна муҳими, раҳбарликдаги янгила услубни кўриб, катта бойлик, хазина орттиргандек бўлдим. Бу шундай хазинаки, уни фақат коммунистлар, интернационалистлар бунёд этади, тарбиялайди, вояга етказади.

Фаргона боғлар, гулзорлар шаҳри деймиз. Фарғона яна чинорлар шаҳри ҳам. Халқимизда чинор дарахти буюклиқ, куч-қудрат, узоқ умр тимсоли ҳисобланади. Республикамизнинг, унинг ақл-идроқи, шарафвиждони бўлган Компартиямизнинг шонли эллик йиллик тўйида эллик мингдан ортиқ коммунистни бирлаштирган Фарғона партия

ташкилотининг чиниққан, ватанпарвар, фидо-кор коммунистларини, раҳбар ходимларини чинорга қиёс қиласадим. Улар моҳирона ишлари, раҳбарликлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги меҳрибонликлари билан кучли, қудратлидир, дўстлари билан кучли, қудратлидир.

1974 йил, июнъ

Тошкентимиз ҳақида жуда кўп ривоятлар, ҳикоялар, ҳақиқатлар бор. Шулардан бирида айтилишича, шаҳарликлар меҳмон истиқболига пешвоз чиққанида кўча-кўйдаги дов-даражатлардан тортиб, дезорларгача икки букилиб таъзим қиласмиш. Бу таъзим ўн беш кунли келинчак саломидек жозибали, иффатли бўлармиш, меҳр товланиб кетармиш. Бу афсонамас, халқимиз азалий удумнинг образли ифодаси.

Бу фақат Тошкент ва тошкентликлар гагина хосмикан? Асло. Гўзал Фарғонаю жон Андижон, Марғилонимизнинг меҳмоннавозлиги-чи? Самарқанду Шаҳрисабз, Нукус Бухоро, Наманганду Термиз, Урганчу Гулистан, Қаршию Хива... Меҳмоннавозлик тўғрисида гап борганида республикамизнинг бирон шаҳарини иккинчисидан әмас, ҳатто бир маҳаллани иккинчисидан камситиб бўлмайди. Бири биридан ошадики, бу билан ҳақли равишда фахрлансак арзиди.

Ҳа, фахрлансак арзиди. Қўлни кўкрагига уриб писанда қилиш, гердайиб мақтаниш мас, ота-боболаримизнинг ажойиб анъана ларининг муносиб ворислари бўлиб давом этти-

раётганимиз, унга янгича шакл, янгича мазмун бериб, бойитаётганимиз билан фахрланасак арзийди. Меҳмондўст халқ әдик, меҳмоннавозмиз, келажак авлодга ҳам бу расмимизни ривож топтиришни ўргатамиз.

Меҳмондўстлик ҳақида халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам шунчалик кўп мақол, матал, ҳикматли сўз, иборалар, турили латифалар борки, буларнинг ижодкори ана шу меҳмоннавоз, меҳмондўстликнинг қадрига етадиган халқнинг ўзиdir. Ота-боболаримиз ҳаётида ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳатто юртда қаҳатчилик, очарчилик бўлган оғир дамларда ҳам, «меҳмон азиз» деганча, икки қўлларини кўксиларига қўйиб, унга пешвоз чиққанлар. «Бир майизни қирқ кишига бўлса бўлади», «Буғдой нонинг бўлмаса, ширин сўзингни аяма» сингари мақоллар худди шунинг ифодаси эканлиги кўриниб турибди.

Насриддин афандининг рўзгори тортилиб, уйда қоққандада қозиқ, осганда хурмачаси қолмаган, йўқчилик важидан ҳар куни эр-хотин жанжаллашиб юрган кезлар экан. Бир куни эрталаб афанди боши гангид, дарвозаси олдида ўтиаркан, катта кўчадан отминган йўловчи ўтиб қолибди, афанди олдиндан ўтаётганида одоб билан салом берибди. Афанди ҳам алик олибди-да, мамнун бўлиб, йўловчини ҳовлига таклиф қилибди. Бир-иккни йўқ дейишига қарамай, «бир нафас ўтириб кетасиз» деб қистабди. Йўловчи ҳам кўнибди ва афандининг олдига келиб отдан тушибди-да, у билан кўришибди. «Тақсир. отни қаёққа боғлай?» деб сўрабди йўловчи. Меҳмонни уйга олиб кирса нима бўлишини

ўйлаб, ваҳм босган афанди ўз қилмишидаи ўзи ғазабга келибди. «Тилимга,— дебди жаҳл билан йўловчига,— тилимга, биродар, мана шу бебош тилимга боғлайсиз».

Муҳтарам китобхон, бу латифага изоҳ-нинг ҳожати бўлмаса керак. Меҳмоннавозлик удумимиз азалийлиги, ҳатто оғир пайтларда ҳам халқимиз ундан кечмаганлигини кўрсатиб турибди.

Бизнинг социалистик тузумимиз шароитида миллий анъаналаримизнинг кўплари қатори меҳмондўстликдек расм-удумимизни ҳам ҳар тарафлама ривожлантиришга жуда катта имкониятлар мавжуд.

Авваллари меҳмоннавозлик оила, қариндош-уруг доирасидан, катта бўлганда тўйга чақириладиган меҳмондан нарига ўтмасди. Ҳозир биз республика миқёсидаги, Иттифоқ миқёсидаги меҳмонларга мессбилик қиласибтибмиз. Ижодий учрашувлар, ҳафталиқ, ўн кунликларда бутун-бутун колективларни кутиб оламиз, елкада сочиқ, бир қўлида дастишса, бир қўлда обдаста билан хизматда бўламиз. «Меҳмон кутиб чарчасанг, роҳат қилиб дам оласан», деб бежиз айтилмаган.

Қарияларимиз барвақт турибоқ, дарвозани ланг очиб қўйишади. Очишаётганда «кираверсин давлат, чиқаверсин фалокат» деб ният қилишади. Тонг палласида очилган дарвозадан қут-барака киармиш, энг муҳими, келган меҳмон эшик олдида маҳтал бўлиб қолмасмиш.

Меҳмонки келдими, уйга барака ҳам киради, меҳмон аримаган уйдан баҳт аримайди. Кечагина, байрам арафасида диёромизга кўп-

миллатли улкан совет адабиёти меҳмон бў-  
либ келди. Барча қардош республикалар ада-  
биётларининг намояндалари ташриф бую-  
ришди. Азиз меҳмонларнинг пойқадамига  
қалбларимиз эшигини очган дақиқаларда-  
ноқ хонадонларимизга, кулгимизга барака  
кириб келди. Қувончимизга барака, ишқ-  
муҳаббатимизга барака, қадр-қимматимизга  
барака кириб келди. Дўстларнинг ширин су-  
хани, гўзал адабиёти, меҳригиё қалби билан  
кириб келган ана шу барака—катта давлат-  
дир. Биз буни яхши тушунамиз, юксак қадр-  
лаймиз.

Юбилей йили — СССР ташкил топгани-  
нинг 50 йиллиги шарафига улуғ доҳиймиз  
Владимир Ильич Ленин тугилган табаррук  
кунда Тошкентда совет адабиёти кунлари-  
нинг тантанали очилиши адабиётдагина әмас,  
бутун маданий ҳаётимизда катта воқеа бўл-  
ди. Бир неча кун мобайнида республикамиз-  
нинг пахта далаларида, қурилишларда, ўқув  
юртларида, корхоналарда қардош адабиёт-  
ларнинг намояндалари китобхонлар ҳузури-  
да бўлдилар.

Меҳмон азиз, гурунги ундан ҳам азиз.  
Қардош адабиёт вакиллари билан ўтказил-  
ган ҳар бир шеърхонлик, суҳбат, тантанали  
дўстлик кечаларида айтилган оташин нутқ-  
ларда буюк ва қудратли дўстлик мадҳ әтил-  
ди, куйланди. Даражт илдизи билан кучли,  
одам дўстлари билан, дейди халқимиз. Со-  
вет кишилари ўртасидаги ана шу дўстлиги-  
миз жаҳонга кўз-кўз қилса арзигудек. Қуёш-  
дек иссиқ, чашмадек тиниқ дўстлик бу!  
Пў-  
латдан мустаҳкам, бўрондан кучли дўстлик  
бу! У ҳамиша қўл беришиб туради, бири би-

рига меҳмоннавозлик қиласи, бирни бирининг яхшиликларидан баҳраманд бўлади.

Дунёning қайси бурчагидан бўлмасин, яхши ният билан ташриф буюрган меҳмонга мезбонлик қилишдан чарчамаймиз, бундан баҳра оламиз, энг муҳими янги-янги дўстлар ортирамиз, дўстлик даврамизни кенгайтирамиз.

Бугун ана шу дўстлик, бирдамлик байрами кунида қулай имкониятдан фойдаланиб қардош адабиётлар вакиллари — ҳамкасб дўстларимни улуг айём билан қутлайман. Бахт, ижод ҳамиша ёр бўлсин, азиз дўстлар!

1972 йул, апрель

Хаёл тизгинини тутқизмай олиб қочар, тоғу тошлардан ошиб, дарёлар кечар, шаҳарлар кезиб, йилларни ҳатлаб ўтар, айланиб келиб, «Наво»да тўхтарди. Бир куй чалиниб бўлгунча оламни кездирди у.

Налибой куй тингларди. Уста Жўрабек танбур чертарди. Налибой кўкрагини столга, чаккасини кафтига қўйиб, деразадан узоқ-узоқларга тикилганича бутун вужуди қулоқ бўлиб «Сурнай навоси»ни тингларди. Тингларкан, хаёл тиним бермасди, куй билан ўча-кишиб, бошқа томонга олиб қочарди. Налибой беихтиёр унга эргашарди: ёшлик чоғла-ри, отасига эргашиб далага чиқиб кетганла-ри, мол боқиб юриб, тун қоронгусигача аллақаёқларда тентиб юрганлари... Мактаб... Ёзги саёҳатлар, ширин дамлар... Юорт бошига тушган оғир кулфат... Украина ерларидаги даҳшатли жанглар, чекинишлар, эҳа, қанчалик оғир эди орқага чекиниб, бутун-бутун шаҳарларни ташлаб чиқиши... Харьков, Брянск ўрмонлари... Кейин Венгрия, Руми-ния, Польша, Германия тупроғидаги жанг-

лар. Висла, Одер сувларининг қизғиш кўпиклари... Ғалаба куни бир умр эсдан чиқармиди... Бутун қишлоқ ҳув анави кўриниб турган катта йўлга чиқиб кутиб олган эди ўз баҳодирини. Қишлоқ аҳли шу зайлда кўпларни кузатди-ю, ҳаммасини кутиб олишга мұяссар бўла олмади. Уруш урушлигини қилди. Налибойлар қайтиб келмаганларнинг ҳам ўрнини босиши керак эди. Шундай қилишди ҳам. Толиққан ер куч-қувватга тўлди, нураган иморатлар қаддини ростлади, хўжаликка барака кирди. Мана ҳозир шу оқариб турган бепоён пахтазор эл-юрт хирмонини тиккайтираётган экан, Налибойларнинг пешана тери, олий ҳиммати туфайли. Аҳмаджон, Акабой, Алибойлар телевизор экранидан туриб камсуқумлик билан әлу юрга планимизни бажардик, деб рапорт беришган экан, бу бутун хўжалик ишчиларининг ҳиммати туфайлидир... «Хўш.— ўйпариди узича Налибой,— бунга, «Наво»нинг ниша дахли бор?»

Налибой бу саволига жавоб топиб ултурмаган ҳам эдики, хонага одамлар кириб келишди. Налибой иш қизигида майшат қилиб ўтирган кишидек хижолат бўлиб, дарров приёмникни ўчирди, хаёли қочди.

— Ийе, нега ўчирасиз, баландроқ қилинг,— деди кирганлардан бири унга далда бериб.

— Ғолибларга аatab бериляпти. Налибой aka сизга бағишлиб эшиттиришяпти шу куйни,— деди яна бири.

Шундан кейингина радионинг қулогини сал бураб қўйди Налибой. Хонага кирганлар Налибой билан «Ҳорманг, муборак бўлсин»,

дэя қўл олишиб сўрашишди. Аммо келганлардан бири, кўринишидан район ташкилотларидан бирининг ходими бўлса керак, Налибойга дабдурустдан:

— Пахта ҳали қўл урмагандек оппоқ бўлиб ётса, ачинмайсизми, қаранг! — дея дағдаға билан деразадан далани кўрсатди.

Ўртага ноқулай бир жимлик чўкди. Ҳамма бир-бирига қараб олди. Уларнинг бу қарашларидан «бу пўписами ё ҳазилми?» деган маънони англаш қийин эмасди. Бирор кулди, бирор бепарво дераза томонга юз ўғирди. Налибойнинг энсаси қотди, босиқлик билан илжайиб қўя қолди. Пахтага «ачинаётган» ўртоқ ўнгайсиз қолганини сезиб қўшиб қўйди:

— Энди, бир чеккаси вазифамизда...

Бу ўртоқнинг лавозими, исм-шарифларини келтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бундайлар — ишни қойил қилиб қўйганда ҳам «ҳорманг» дейишни билмайдиганлар — баъзан топилиб туради, кўнгилни хира қилишдан бошқани билмайди. Ахир, ҳамма тушликка чиқиб, дам олаётган пайтда ҳам идорадан кетмай, тўхтаб қолган машинанинг ташвишини қилаётган Налибой сингари асл дехқонларга «пахтага ачинмайсиз» деб бўладими? Инсофданми?

Одамларнинг авзоини пайқадими ёки бўлган-тургани шунаقا палапартишми, ҳар қалай у узоқ ўтирмади, «хайр» деб чиқиб кетди.

«Наво» аллақачон тугаган. Аммо Налибойнинг чеҳрасида куй таъсири, хаёл паришонлиги аримаган кўринарди. Фақат ҳалиги

диidi жирилик әллақандай кўланка ташлаб турарди.

— Пахтамиз ҳали кўп,—деди бирдан тетикланиб Налибой,— ваъдамизни ҳам бажарамиз,— ўрнидан турди у,— шундайми Муҳаммад, Алибой. Нега индамайсанлар. Мана, қаҳрамонлар деб шуларни айтса бўлади. Мана буниси-ку, бригадани ташлаб чиқиб кетди,— деди у Муҳаммад исмли ориқдан келган йигитга ўгирилиб.

Муҳаммад уялинқираб ерга қаради. Бошқалар бўлиб ўтган воқеани әслаб кулиб юборишиди.

— Аммо ёмон қилмади,— деди партком секретари Иброҳимжон Муҳаммадни қувватлаб,— мана, мустақил звено принципининг афзаллигини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

...Ўтган йилнинг кеч кузаги эди. Совхоз партия комитетида утказилган йиғилишда ишни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинади. Шунда, кекса пахтакор Акабой ака Шукруллаев бошлиқ бригадада звено бошлиғи бўлиб ишлаётган Муҳаммад Дадаев шартта ўрнидан турди-да: «Мени бригадирсиз, мустақил звено бошлиғи қилиб тайинлашларингизни сўрайман», деб қолди. Дабдурустдан айтилган бу сўз ҳаммани хайратда қолдирди. Бирор «Муҳаммад Акабой ака билан чиқиша олмай қолипти» деса, бирор «у ҳам бир нарсани ўйлаб айтиётгандир» дерди, яна бири «ўзидан каттани кўп орасида беҳурмат қилмай, кейинчалик айтса бўлмасмиди?» деди. Олаговурни Муҳаммаднинг ўзи босди:

— Ишонаверинглар. Сўз субути билан

дейдилар. Катта оғизлик қилаётганим йўқ.  
Акабой ака менн тўғри тушунарлар, деб ўй-  
лайман.

Муҳаммадга тикилиб ўтирган Налибой у  
гапини тугатиши биланоқ, ялт этиб директор-  
га қаради. Аҳмаджон бўлса ич-ичидан хур-  
санд бўлиб ўтиради, «боплади» дегандай  
Налибойга кўз қисиб қўйди. Налибой шу  
топда райондаги кўп хўжаликларда комплекс  
механизациялашган звенолар ташкил этиш  
кенг қулоч ёяётганини, худди Муҳаммадга  
ўхшаган лафзи ҳалол йигитлар, сўзининг  
устидан чиқадиган қиз-қувонлар сафи кен-  
гайиб бораётганини кўз олдига келтирди.  
«Қани, энди ким даврага чиқаркин?» дея  
кўнглидан ўтказди у.

Акабой ака чуқур ўйга толган эди. Кўп-  
ни кўрган миришкор деҳқон, совхознинг пеш-  
қадам паҳтакорларидан бири Акабой ака ҳо-  
силини ошириш йўлида нимаики янгилик бўл-  
са, дарров пайқаб оладиган, ишга соладиган  
одам. Неча йилдирки, у бошчилик қилаётган  
бригада сурункасига ўттиз центнердан ҳосил  
бериб келяпти. Шундай экан, нега энди у  
Муҳаммадга ёқмай қолипти. Ахир Муҳам-  
мад мукофотга «Москвич»ни қайси бригада-  
да ишлаганда олди? Шу Акабой ака брига-  
дасида эмасми? Нега энди унинг юзига қа-  
раб, «мен сиз билан ишламайман» дейди.  
Акабой ака шуларни кўнглидан ўтказди-ю,  
аммо айтмади. «Майли, унинг ҳам шаҳди  
қайтмасин», дегандай индамай ўтираверди.  
Индамагани ҳам яхши бўлган экан. Муҳам-  
маднинг ташаббуси бошқаларга ҳам маъқул  
тушди, шу йигилишнинг ўзидаёқ бир нечта  
звенонинг бошликлари комплекс механизза-

циялашган мустақил звено усулида ишлашга аҳд қилишди.

— Буни мен кўпдан бери ўйлаб юрардим,— дейди Муҳаммад,— ўша кезларда қўшни хўжаликларда ҳам ана шундай комплекс механизациялашган звенолар ташкил этилаётганидан хабардор эдим. Кўп звено бошлиқлари билан суҳбатлашдим. Орадан сал ўтмаёқ бутун районда ана шундай звенолар саккиз юзга етибди. Мустақил звено бўлиб ишлаш, мана, ўз натижасини кўрсатди. Звеномиз Акабой ака бригадасидан уч кун олдин планни бажарди. Яна камида ўн икки центнердан пахта топширмоқчимиз.

— Акабой акадан ўзиб кетдим дегин,— деди Налибой.— Биз ҳам келаси йили мустақил звено бўлмоқчимиз, фақат бригадиримиз хафа бўлмасалар бўлгани.

Налибой ҳазиллашиб шундай деди-ю, аммо дилидагини айтди. Мустақил звено бўлиб ишлашнинг афзаллиги ҳаммани қизиқтириб қўйганди.

Баъзи иккilanганлар бу звеноларнинг ишини йил бошиданоқ кузата бошлади. Чиндан ҳам мустақил звеноларда чигит әкиш ҳам, ундириб олиш ҳам, сугориш ҳам, парваришлаш, қўйингки, барча иш унумли, сифатли бораарди. Ҳар бир ишчининг моддий манфаатдорлиги меҳнатга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди, масъулиятни оширди. Оқибатда мустақил звеноларнинг ҳаммасида мўлжалланганидан кўп ҳосил етиштирилди. Бугина эмас, ҳосил муддатдагидан эрта етилиб, эрта йигиб-териб олинди. Муҳаммад Дадаев бошлиқ механизациялашган мустақил звено 55 гектарнинг

ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил кўта-риб, планни биринчи октябрдаёқ бажарди. Звено яна камида 12 центнердан ҳосил топширмоқчи.

Совхознинг Налибой Жўраев бошлиқ иккинчи бўлимидағи 18 звенонинг ҳаммаси пахта топшириш планини 21 иш кунида бажарди. Пахтанинг 65 проценти машиналарда териб олинди. Бўлим ишчилари ҳар гектаридан яна 7 центнердан пахта топшириб, ҳосилни 30 центнерга етказиш ниятида. Ўн кун ичидаги планни бажарган Налибой Жўраев бошлиқ звено ҳосилни қирқ центнерга етказишни мўлжаллаяпти.

Тажрибали пахтакор Ҳаким полvon Бегматов ўтган йили бригадага бошчилик қилган эди. Янги ташаббусга қўшилган Ҳаким полvon бу йил бригадирликни ташлаб, мустақил звенога бош бўлди. Бу звено ҳам машина билан ўн бир иш кунида планни бажариб, ҳозир пландан ташқари пахта топширяпти.

Мўл ҳосил катта даромад келтирди. Иккинчи бўлим ҳисобчиларидан бир оиланинг ўртача йиллик даромадини ҳисоблаб беришларини илтимос қилган эдик. Чўт қоқиб ўтирган йигит ялт этиб, ака-ука Жўраевларга қаради. Улар ўз оила аъзолари билан қилган меҳнатлари эвазига ўрта ҳисобда ўн икки минг сўмга яқин даромад қилишар экан.

— Ошириб юбордингиз афтидан,— деб қолди Налибой ҳисобчига қараб кулиб,— жудаям бунчалик эмасдир.

— Ҳали бу ҳисобга,— дейди ҳисобчи,— сиз оладиган мукофотлар кирмайди.

Совхозда катта даромад оладиган бундай оиласларни кўплаб кўрсатиш мумкин.

Ўтган йилнинг эрта баҳори эди. Бир йиллик совхоз директорлари тайёрлаш курсини тамомлаган Аҳмаджон Дўстбоев Бўқадаги Пскент совхозидан ажраб чиқсан янги хўжаликка — 2- Пскент совхозига директор қилиб тайинланди. Авваллари бўлим бошлиги, агроном бўлиб ишлаб келган Аҳмаджон учун бу катта ва масъулиятли вазифа эди. У ўзи билан бирга ўқиган ва шу совхозга бош агроном қилиб тайинланган Йўлчи Тошпўлатовни ёнига олиб, хўжалик билан танишаркан, уни ваҳима босарди, ишни қандай ташкил этишни билолмасди. Совхозда устахона йўқ, машина-механизмлар этишмайди. Бунинг устига вақт ўтиб боряпти...

Аҳмаджон Налибой, Акабой ака сингари тажрибали пахтакорлар ҳузурига борди, бор имкониятлардан фойдаланиб, ҳар қандай бўлганда ҳам экинши жадал бошлаб юбориш чорасини кўришди.

— Анча оғир бўлганди ўшанда,— дейди Налибой ўтган баҳорни әслаб,— Аҳмаджон совхознинг тажрибали деҳқонларига суюниб, ўшалар билан бамаслаҳат иш кўриб, жуда тўғри қилди. Совхоз коммунистлари айниқса, экиш даврида ўринак кўрсатиб ишлашди, совхоз ишчиларига намуна бўлишди.

Янги хўжаликнинг биринчи йили ниҳоятда оғир шароитда ўтганини ёшу қари эсдан чиқармайди. Пахта кеч етилиб, терим ҳам кеч бошланди, ноябрнинг охирларига бориб, план тўлдирилди. Пахтанинг кўп қисми қўлда терилди. Машина терими зўрга 40 процентни ташкил этганди.

Бу йил яхши тайёргарлик билан бошлангани, вақтида экилиб, вақтида парвариш қи-лингани туфайли ҳосил тез ва мўл етишди. Теримга пухта тайёрлик кўрилди. Натижада 2600 гектар майдондаги пахтанинг учдан икки қисми машиналарда териб олинди. Пахта тайёрлаш плани 25 иш кунида бажарилди. Совхоз гектаридан яна 5 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олди.

Бўкалик пахтакорлар етиширилган пахтанинг учдан икки қисмини машиналарда терамиз, ҳосилни муддатидан олдин йифишириб оламиз деб, эл-юрга ваъда берган эканлар, 2-Пскент ссовхозининг лафзи ҳалол азаматлари бу ташаббуснинг пешқадамларидан бўлишди. Комплекс механизациялашган звеноларда 10—12 кун мобайнида пахта плани бажарилди. Налибой Жўраев бошлиқ бўлимнинг 65 процент пахтаси машиналарда териб олинди. Совхоз йиллик планини 25 иш кунида адо әтиб, машина терими топширигини 140 процентга етказди.

Налибой билан пахтазор ёқасида турадик. Даланинг нариги чеккасидан тўртта терим машинаси шу томон сузуб келарди. Налибой тикилиб қолди. Машиналар келаётган томонгамас, катта йўлдан кўз узмай, бир неча дақиқа жим қолди. Узоқдан, радиоданми, ўткинчи машиналарнинг приёмнигиданми ёки бирон хонадонданми танбур садоси тараларди, бўлиниб-бўлиниб қулоққа чалинарди. Ёқимли куй Налибойнинг фикр-хаёлини ўзига тортган эди. Ўша, ғалаба билан юртига қайтиб, она тупроққа биринчи қадам қўйганида эшитган танбур садоси си-

ра-сира эсидан чиқмас, қачон, қаерда бўлмасин оҳанграбодай ўзига тортарди...

Терим машиналари яқинлашиб, уларнинг овози дала кўкини қоплади. Налибой машиналардан бирини кўрсатди;

— Мана, шу «ХТ» да Налибойлар кунига саккиз тоннага етказиб теришди,— деди у завқ билан,— аммо ўзиям мукаммал машина-да, сира қолдирмайди-я. Омон бўлсак, яна 5—6 йил ўтар-ўтмас мана шу тўкилганларни териб юриш ҳам ғанимат бўлиб қолади. Ҳадемай теримнинг бутун юкини елкасига олади бу машиналар.

Налибой тўгри айтди. Шу бу йил туғилган гўдак мактабга борадиган бўлганида, онаси унга: «Сен туғилган йилинг шунча пахта терғандим» деса, бола ишонмай, онасини масхара қилиб, кулиши турган гап.

1965 иил, 22 октябрь

Бир йилнинг ҳосилини азамат бир ҳафта  
тада саранжомлаб олса, елкасида даст кўта-  
риб, хирмон уйса — буни нима деса бўлади?  
Мўъжизами? Ҳа, мўъжиза. Бироқ бу фав-  
қулодда рўй берган ёки афсонавий мўъжиза  
эмас. Инсон ақл-идроқи, меҳнатидаги Фидо-  
йилик, техника қудрати, моҳир раҳбарлик  
туфайли яратилган мўъжизаки, отахон шои-  
римиз Гафур aka айтганидек:

4,5

Тақдирни қўл билан яратур одам,  
Гойибдан келажак бахтдир афсона.

Кечагина эди. Республикамиз мамлакатга  
бир миллион тонна пахта етказиб бериш  
мажбуриятини олган йил. Қасамёд қилинг-  
ган ва пахтачилик тарихида шу ном билан  
қолган йил. Пахтачиликда донг чиқариб  
раҳбарлик лавозимларига кўтарилиган пах-  
такорлар яна қайтадан колхоз, бригадалар-  
га бориб ишлай бошлаган йил. Партия, со-  
вет, комсомол, касаба союз ташкилотлари-  
нинг раҳбар ходимлари районлар, колхоз-  
ларга вакил қилиб тайинланган, бутун куч  
бир миллион тонна пахта етишириш, уни йи-  
ғиб-териб олишга сафарбар этилган йил.

Мазкур сатрларни ёзарканман, бир гуруҳ қалам аҳллари эрта тушган кузнинг изғирили кунларида «Правда» газетасининг Ўзбекистондаги сайёр редакцияси билан маҳсус вагонларда Фаргона водийсига жўнаганимиз кўз олдимга келади. Районма район кезардик, ҳар хил форматда газеталар чиқарардик, баъзи кунлари иккитадан газета чиқаришга тўғри келарди. Газеталар самолётлардан бевосита пахта далаларига ташланарди, машина, араваларда етказиб бериларди. Қиши забтига олган, ноябрь тугул декабрда ҳам ҳамма — колхозчими, шаҳарликми, қимирлаган жон борки пахта терарди. Бир миллион учун кураш борарди.

Энди-чи? Салкам беш миллион тонна пахта хирмони кўтарган баҳодир дехқон бу йил нима қилди? Бир ҳафтада бир миллион тоннали хирмонни шиббалади. Янаги ҳафтасида иккинчи миллионини уиди. Бутун бир область — Бухоро азаматлари бир ой деганда планни ўринлатдиларда, пешана терларини бир сидириб ташлаб, қўшимча мажбурият ҳисобига пахта теришга тушиб кетдилар.

Булар ҳаммаси шовқин-суронсиз, дабдабасиз, осойишта, ишнинг кўзини билиб тузилган режа билан олиб борилган, тўғри ташкил этилган меҳнат туфайли бўлди. Партиямиз Марказий Комитетининг оқилона раҳбарлиги яна шу нарсани кўрсатдики, районлар, совхозлар, бригада, бўлимларда юқори ташкилотларнинг ҳафталаб, ойлаб ўтирадиган вакилларига өҳтиёж қолмади.

Пахтачиликда оғиримизни тобора енгиллаштириб бораётган механизаторлар ҳал қиувчи роль ўйнади. Исми жисмига монанд

дейилганидек, шерободлик шерлар дадил айта оламизки, ҳаммани қойил қолдирадиган меҳнат унумига эришдилар: Абдусаттор Қурбонов, Шоймардон Қудратовларнинг ҳар бири олти юз эллик тоннадан пахта териб, хирмонга тўжиши. Бу йилги ҳосилнинг учдан бирини машиналар тергани катта мадад бўлди.

Тўғри, ҳали ҳосилнинг кўп қисмини қўлда теришга тўғри келяпти. Аммо, тошимизнинг оғирлигини ҳисобга олсак, бу ҳам табиий бир ҳол экани кўриниб турибди. Ҳозирча шаҳарликларнинг кўмагига эҳтиёж катта. Шаҳарликлар буни миннат қилаётганий ўқ. Улар қалб амри, виждан даъвати билан пахтазорга йўл оляпти, дехқон оға-инисининг оғирини енгил қилиш, демакки, юртимиз хирмонини кўтаришда ҳамдам бўлиш билан ўз бурчини ўтаяпти. Сир әмас. Йигит-қизларимизнинг кузакда киядиган кийимлари икки хил: бири кишилик, бири пахтазорда кийиладигани. Мих пошна бежирим туфлисига гард юқтирмай артиб-авайлласа, заифона этик-часини ҳам мойлаб, далабоп қилиб қўяди, кофта-юбкасини дазмоллаганда ихчам ва қулай коржомасини чамадонга жойлаб, тахт қилиб қўйишни ҳам унутмайди. Йигитларку, бунинг машқини олган. Ҳамма вағт шай туришади. Газета саҳифаларида йигим-теримнинг дастлабки рақамлари пайдо бўлдими, бас, улар ҳозирлик кўришаверади. Баъзи-баъзида эркатой қиз ёхуд олифта йигитни учратиб қоламиз-да, кўпчилик ёшларни «совуқ сувга қўл урмайдиган»га чиқариб, улардан ноўрин нолиймиз. Аммо ана шу ёшларни пахта даласида кўрсангиз эди. Улар-

нинг меҳнатлари ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Бир ой муқаддам Сирдарё обlastining янги совхозларида бўлган эдим. Районлар, совхоз, колхозлар планларини бирин-кетин бажариб, область ҳам охириги маррага яқинлашиб қолган кунлар эди. Шундай бўлишига қарамай кўз илғамас кенг пахтазорлар оппоқ оқариб ётарди. Бамисоли бир марта териб олингану, иккинчи теримга тушилмандай. Ҳар гал шу томонга келсам, беихтиёр тарихий бир ҳужжат—Мирзачўл ерларни ўзлаштиришга эллик миллион сўм ажратиш ҳақида Владимир Ильич Ленин имзо чеккан декрет эсимга тушади. Ёш совет давлатининг биринчи йилидаёқ шу ерларни ўзлаштириш вазифасини қўйган улуғ доҳийнинг орзулари амалга ошаётгани, бепоён чўл бепоён пахтазорга айланавётганидан кўз қувонинб, дилларда қандайдир фахр, мамнунлик ҳиссиётини қўзғайди. Шу хаёллар билан борардим, йўл иккига бўлинган ерда бир қария қўл кўтариб қолди. Тўхтадик.

— Титовгача ола кетинглар.

— Хўп бўлади. Марҳамат.

Чол шошилиб машинага чиқди.

— Шошганда «лаббай» топилмайди дегандай, сўрашиш ҳам эсга келмапти-я,— деди-да, қўл узатиб, ҳаммамиз билан бирма-бир сўрашиб чиқди,— йўловчи машинада шу ергача келдиму, бу ёгига автобус кутишга сабрим чидамади-да, одам ҳамиша шошгани шошган, айбга буормайдилар...

— Бемалол, хижолат тортманг.

— Баракалла,— деди-да, ўрнашиброқ ўтириб олди, бир қўлидаги халтачасини ёни-

га қўйиб, иккинчи қўлида чанглаб келаётган буклоғлиқ қоғозга бир қараб қўйди. Ёши олтмишлардан ошған, аммо кўриниши тетик бу қариянинг юзидан, кўзларидан қандайдир хурсандчилик барқ уриб турарди, ўзини босмоқчи бўларди-ю, кулгига мойиллигини яширолмасди.

— Титов совхозида ишлайсизми? — сўрадим чолдан.

— Йўқ. Ўн биринчи совхозданман. Титовда ўғлим ишлайди,— деди кулиб чол,— кўнглини тинчтай, хотиржам қиласай деб шошилаётганим...

Тахминим тўғри чиқди. Ичига сигдиролмаётган қувончини айтишга шошиларди чол.

— Нимадан?

— Фарзанд кўрди... — кўзлари қувнаб деди чол,— ўғил!

— Муборак бўлсин!

— Қуллуқ, қуллуқ. Умри билан берган бўлсин, мана, келиним ёзиб чиқарган жатиниям олиб кетяпман,— у кафтидаги буклоғлиқ қоғозни кўрсатди.

— Ўғлингиз?..

— Ҳа, пахта теряпти. Механизатор. Эрхотин шу совхозда ишлайди.

— Ўзингиз шу ерликмисиз?

— Учтомликман. Билсангиз керак.

— Ҳа, ҳа. Ўғилчани бизнинг номимиздан ҳам табриклаб қўйинг.

— Албатта... Ҳой, барака топкурлар, буям бир ирим-да. Ҳушхабар олиб кетаётганимда ҳожатимни чиқариб, бошимни кўкка етказдинглар. Энди битта илтимосим бор. Неварага бир ном қўйиб бермайсизларми?

Мен ҳайрон бўлиб, шоферга қарадим.  
Ҳаммамиз кулиб юбордик.

— Ўзингиз ё ўғлингизнинг ўйлаб қўйган исми бордир?

— А?! Дилемдагини топдингиз, ука. Ўғлимни-ку билмайман. Ўзим топиб қўйганим бор. Онасига ҳам айтмаган эдим. Бир чеккаси суюгимиз пахтада қотган деҳқонмиз-да. Бу йилги пахтани кўрдингизми? Шу ёшга келиб бунақа ҳосилни кўрмаганман. Қаранг,— у деразадан пахтазорни кўрсатди,— шу яхши ният билан исмини Ҳосилжон қўйсак... Нима дейсизлар?

Чол исм қўйдиришмас, фикрини маъқуллатишни ўйлаган экан.

— Жуда яхши.

— Менгаим ёқди,— деди шофер ҳам,— чиройли исм. Ҳосилжон!

— Бўлди. Ўғлимга ҳам маъқуллатаман. Шаҳарлик акаларингга ҳам ёқди дейман...— Чоининг юз-кўзлари боягидан чақнаб кетди,— шу десангиз, бир одатим бор. Ишим қилишни яхши кўраман. Аммо ҳаммаси ўзим ўйлагандек тўғри чиқади. Бу йил ўзи баракали йил бўлди. Ҳеч бўлмаганда шундай серҳосил йилда тугилган деб эслаб юришадику, а, нима дейсизлар?

— Бўлмаса-чи. Жуда тўғри ўйлагансиз.

— Барака топинглар, дилим равшан эди, тағинам равшан топди.

— Ота, бу йилги ҳосилнинг бунча кўплиги нимадан?

— Авваламбор, меҳнат зўр бўлди, авжи ҳосилга кирадиган паллада ҳаво ҳам туриб берди. Менинг ўзимга қолса, бошқача ўйлардим. Айтдиму, иримчиман деб. Бу йил — та-

баррук йил бўлди. Ахир, табаррук инсон туғилганининг юз йиллигими? Ҳа, омон бўлинг. Ана шунинг шарофати бу! Ўша зўр меҳнат деганим ҳам шундан. Шу улуг зот тугилганининг юз йиллигига муносиб меҳнат тортиғи бўлди бу! Ишонаверинг. Бундан ташқари шу азим чўл обод бўлсин деб, васият қилганлари эсингиздами? Васиятлари амалга ошаётганини кўряпсизми? Қани энди ўзлари ҳаёт бўлсалару, бир кўрсалар...

Машина совхоз марказига етганда, чол тўхтатди. Бизни бир пиёла чой ичиб кетасизлар деб қистади. Зўрга узр сўраб, хайрлашдик.

Анча ергача хаёл суриб бордим. Чолнинг очиқ чехраси кўз олдимдан кетмасди. Ҳозир бора солиб, ўглига хотинининг хатини бераётгани, Ҳосилжон деб исм қўйганини айттаётганини тасаввур қиласадим.

Ҳа, кекса деҳқон тўғри айтди. Улуғ доҳий юбилейи — демак, табаррук йилнинг табаррук мўл ҳосили эди бу. Бугун туғилган Ҳосилжон ҳадемай улғаяр, у ҳам бобоси ният қилгандек улкан ҳосил кўтарар.

Бу йил чиндан ҳам табаррук, унутилмас йил бўлди. Доҳийиз юбилейига муносиб совфа қила олдик. Партиямиз Марказий Комитетининг бош секретари Леонид Ильич Брежнев республика партия активи йиғилишида, пахтакорларимиз меҳнатидан мамнун эканлигини билдириб, бу йил мўлжалдагидан 300—400 минг тонна ортиқ пахта бериш имкони борлигига ишонч билдирган эди. Азamat пахтакорларимиз бу ишончни ҳам оқладилар. Пахтакорнинг сўзи билан иши бир!

1970 йил, ноябрь

Сафар хотираларини йўлга чиқишдан бошлаш расм бўлиб қолган. Бу гал ана шундай одатни бузиб, бирон воқеадан бошламоқчи бўлиб кўп уриндим, бўлмади. Она юртдан қадам узиш қанчалик оғир бўлса, бу ҳам шунга ўхшаб кетди. Чиндан ҳам шундай эмасми, қандай сафар бўлмасин, барнибир ҳадам узиш данингасинда ажиб бир ҳиссийт ичидаги қоласан, кўнгил алланечук бўлади, шу туфайли бу дақиқаларни унутиб ўтиб, сафар хотираларини эслаб бўлмас экан.

Якшанба куни эди. Самолётимиз замини Тошкентдан қадам узиб, кўкка шўнғиди, ҳали зарур баландликка чиқиб олмасиданоқ репродуктордан ёқимли овоз эшишилди. Бу овоз одатдагидек аэрофлот ходимасининг сафар олдидан йўловчиларга оқ йўл тилаб, кетидан учиш қоидалари-ю, самолётнинг тузилишини тушунтирадиган гаплари эмасди. Бу овоз аллақандай ички ҳаяжон тўлқини билан жаранглаб чиқарди: «Қирғизистоннинг азиз меҳмонлари! — шу сўзлардан кейин ё самолёт моторларининг гувиллаши пасайди, ё қирғиз қизининг овози тиниқ, жа-

ранглаб әшитила бошлади,— самолётимиз бортида Сизларни маданият түйингиз билан табриклаймиз. Сиз азиз меҳмонларга хизмат қилиш шарафига мұяссар бўлганимиздан хурсандмиз. Сафарларингиз бехатар бўлсин, байрамингиз шодликларга тўлсин. Хуш келибсизлар!»

Бу сўзлар оҳанграбодек қалбларни ўзига торти. Қандайдир ёқимли, тотли ҳиссиёт чулғаб олди. Ҳали ердан кўтарилганимизга ўн-ўн беш минут бўлмай туриб, бамисоли қирғиз дўстлар бағрида кўрдик ўзимизни. Самолётнинг хоналари қирғиз қўшнимизнинг хонадони-ю, ҳалиги қизча әшик олдида қўлларини кўксига қўйиб, бизга пешвоз чиқаётгандай...

Ана, ялпиз бўйли попук уюлган патнисни кўтариб ўзи келяпти. Ҳар бир ўриндиқ ёнига келиб одоб билан таъзим қиласди, патнисни тутади. Ҳаяжонланаётгани, уялаётгани шундоқ билиниб турибди. Қимиздек оппоқ чеҳрасида тер томчилари йилтиллади. Юзлари лоладек қизариб кетди.

Сал ўтмай терга тушиб ўтирганларга патнисда муздек сув келтириди, худди самолётимиз тагида оппоқ қорли чўққилари қуёшда йилтираб турган ўркач-ўркач тог жилгаларидан стаканчаларга тўлдириб чиқиб, узатаетгандай...

Сертақаллуф мезбон бир қарашда меҳмонларни ўзига мафтун этиб қўяди, дейилгани шу бўлса керакки, қандай қилиб, оппоқ қорли тогларни ошиб ўтганимизни, бояги димиқини, терлаш ўрнига муздек ҳаво шамолларидан уфуриб турганини пайқамай қолдик. Яна бояги, энди бизга таниш бўлган

**қиз — Сакенниңг ёқимли овози янгради:**  
**«Азиз меҳмонлар! Юртимиз тупроғига қўнишга саноқли дақиқалар қолди. Аэропортда сизларни минглаб фрунзеликлар кутиб туришибди. Республикаизга хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар!..»**

— Баракалла, хушвақт бўлинг, қизим!

Дастлабки дақиқаларда ҳамкаслар бир-бирлари билан қучоқлашиб кетишиди. Ана, Қувончбек Маликов Миртемирни багридан қўймайди, Зулфияни гулларга кўмиб юборишиди. Ҳа, дарвоҷе гуллар! Гул эмас, гулдаста кўтармаган кишини кўрмайсиз. Гуллар бўлганда ям анвойи жил, анвойи бўйли. Бутун аэропортни атир бўйи тутган. Ана, Яшин акани Али Тўқумбоев бағридан қўйиб юбормайди. Жунай Мавлонов, Суюнбой Эралиев, Тумонбой Бойзоқовлар Мирзакалон Исмоилий билан Илёс Муслимни «ўзимизнинг қирғиз» деб бағриларига босишади. Ана, ҳов анати киночилар тўдасидан бургутдек қулочларини ёзиб Чингиз Айтматов чопиб келяпти...

Кечагина эди. Сентябрнинг бошлари, гарқ пишиқчилик палласида азиз қирғиз дўстларимиз бизнинг юртимизга ташриф буюриб, ўз ҳайкалтарошлиғи, ёқимли музикаси билан ўзбеклар диёрини яшнатган, минг-минглаб томошабинлар, китобхонлар таҳсинига сазовор бўлишган эди. Мана, бугун биз, дўстларимиз ҳузурига ўз ижодий ютуқларимиздан ҳисоб бергани, маслаҳат олгани, ўргангани келдик. Аниқроғи, азалий удумимизни давом эттиргани келдик. Ахир ҳурматли Ғафур акам айтганидек, бири бирига шогирд, бири бирига устоз ҳалқлармизку. Яна бунинг устига қўшнилармиз.

Ён қўшнимиз. Ён қўшни — жон қўшни бўлади. Ўртамизда тўрт-беш пахсали, баланд синчли ёхуд тахта девор, ҳатто четан тўсиқ ҳам йўқ. Ниҳоят, номигагина якка қават чий тортилган пардевор қилинган. Тўю ҳашам зарурати бўлганда ширр этиб, чий йигилади-ю, ҳовли кенгаяди қолади, нариги этакка дошқозонларни қура берингу, тўрга стол-стул, каравотларни қўяверинг. Ўртадан оқиб ўтадиган ариқ лабида қирғиз қизи ўсмасини юваётган бўлса, бериги ҳовлида ўзбек йигити унинг сувдаги аксига тикилиб, ўша жойдан ҳовучлаб сув ичиб, шўхлик қилади. Тиқмачоқдек гўдак ўзидан катта коптогини думалатиб, ҳовлидан ҳовлига ўтади, шовқин солади, кулгиси кўкни қоплайди.

Ассалом алайкум, кекса Тянь-Шаннинг кумуш чўқилари, салом сенга мовий Исиққўл, салом бердик, ҳайқириги кўкни қоплаган шўх Норин. Талас водийси, азamat энергетиклар ва тоф кончилари, машинасозлар, лавлагикорлар, пахтакорлар, чўпонлар, олимлар, рассомлар, ўзбек дўстларингиз—ён қўшнингизнинг саломини қабул этгайсизлар!

Биз сизларга тоғлар, тошлар, адирлар оша ўзбек элининг тароналарини олиб келдик. Фарғона боғ-рогларининг атрини, Самарқанд осмонининг камалак товланишини келтирдик. Бағримиз, қалбимиз нимага бой бўлса, барини, ақл-идрокимиз зиёси қанчалик ёруғ бўлса, қўли гул халқимиз нимаики яратган бўлса — барини олиб келдик, азиз дўстлар!

Ижодий ҳисоб бериш нияти билан респуб-

ликангизга отланар эканмиз, нозик таъб, диди ўткир, талабчан китобхонлар, томошабинлар ҳузурига келаётганимизни тушунардик, ҳис этардик. Табиийки, ҳаяжонимизнинг боиси ҳам шундан эди. Аммо шу билан бирга ўзбек адабиёти ва санъати әришган энг ёрқин, энг жозибали яхши асарлар сизларни ҳам мамнун этишига ва ҳар бир санъаткор учун энг қимматли ҳисобланган томошабин, китобхон таҳсинига сазовор бўлишига ҳам имонимиз комил эди.

Декада кунларида, ижодий учрашувларда, санъаткорларимизнинг концертларида бу нарса яққол намоён бўлди. Ўзбек санъати, адабиётининг ҳисоботи дўстлик байрамига айланиб кетиши ҳаммамизни қувонтириди.

Иссиккўл бағрига жойлашган Туп районидаги Ленин комсомоли номли колхознинг донгдор бригада бошлиги, Социалистик Мехнат Қаҳрамони Жамил Дуйшевба учрашуда зўр ҳаяжон билан тўлқинланиб шундай деди: «Бир-бирига оғайни, эгачи-сингилдек халқнинг тўйи, тантанаси ҳам икковиники ҳисобланади, сизларнинг санъат-адабиёт түйингиз бизларнинг ҳам тантанамиз, ундан баҳра олаётганимиздан хурсандмиз».

Саноат корхоналарида ишчилар, хизматчилар билан бўлган учрашувлар, студентлар даврасида бўлганимиз, чорвадорлар, пахтакорлар ҳузурида суҳбатлар қурганимиз — булар ҳақида ҳурматли газетхонларимиз радио, газета ахборотларидан билиб олишган. Такрорлаб ўтиришни лозим кўрмадим.

Енр нарсани такрор ва такрор айтгинг, ёзгинг келади, чунки дўстлик меҳри, дўстлик оқибати, дўстлик муҳаббати ҳамма ерда,

ҳар қадамда, жажжи қўлида бир дона гулни ушлаб, саҳнадаги ўйинчига маҳлиё бўлган но-расидадан тортиб, нуроний қария-оппоқ соқо-ли кўксига тушган, ҳар биримизни фарзандидек бағрига босиб кўришган ва шу заҳоти-ёқ қўлимизга бир чинни коса қимиз тутган (оқлиқ ёргалиқ, яхши ният аломати!) қария-гача ҳамманинг чеҳрасида, ҳаракатида, му-лозаматида шуни чуқур ҳис этдик, қалблари-миз қувончларга тўлди.

Кичик бир лавҳада декада давомида ол-ган таассуротларни батафсил ёзиш амри ма-ҳол. Ҳар бир учрашув бутун бир китобга татийди. Ёзувчилар союзида бўлган ижодий учрашув, ҳамкасларнинг фикр олишувлари жуда мароқли ўтди. Бу ҳақда алоҳида ёзиш керак.

Қирғизистоннинг гўзал ерлари — боғлари, адирлари, тоглари, кўллари, ўрмонлари, гулзорлари... Ўҳӯ, буларни санаб саногига етиб бўлмайди. Биз республиканинг ажойиб табиий бойликлари билан бирга табиатнинг инжикликларини ҳам кўрдик. Бундай пайтларда камдан-кам бўладиган шамол, бўронни, Туп районида ёққан қорни ва ниҳоят, шу районда даҳшатли ер қимирилашини ҳам кўрдик. Қирғиз дўстларимизнинг сабот-матона-тига қойил қолдик.

Декадага отланганимизда қирғиз қизи Сакен самолётдаёқ ҳаммамизни ўзига мафтун этиб, меҳримизни товлантириб юборган эди. Меҳри дарё қирғиз дўстларимиз билан хайрлашар эканмиз, гўзалликда тенгсиз, тиниқлиқда шабнам донасилик тиниқ, қуёш нурини сочганда товусдек товланадиган Иссиқ-қўлни барала қучоқлагандай — жон қўшни-мизни қучоқлаб хайрлашдик.

1970 йил, юль

Байрам арафаси. Бари шундоққина деразам тагига тегиб турган, оппоқ қор чойшабиңга бурканган тоғ орқасидан тонг ёришиб келмоқда. Дарахтлар, шабада турса думалаб пастга тушиб кетадиган, деразага келпб уриладигандай, хийлдага турганга ўхшаб қўринадиган катта-катта тошлар, ёлғизоёқ йўллар аниҳ қўриниң бошлиди. Ана, харсанг ёнида ётган кийик сҳиста теналаб кетди. Кетидан бошқалари эргашди, худди тошга ўхшаб, ер бағирлаб ётганлари қўзгалди. Учта, тўртта. Дарахтзор ичидан яна учтаси чиқиб келди. Тунда базм қўилганлар ҳам шулармикин? Гоҳи-гоҳида бир-бирларини чақириб, тунда гурунг қуришади. Бу ерликлар ҳозир кийикларнинг никоҳ тўйлари авж олган палла, тез-тез базм қуриб туришади дейишади. Ривоятларга қараганда, кийикларнинг базм тантанасидаги «қўшиқлари»ни эмас, ҳатто унинг шунчаки бир-бировини чақирган овозини эшитган киши ҳам юз йил умр кўрармиш. Бу кеча ҳам, худди мана шу арчазор бағрида роса базм қуришди, тонг отиши билан чўққига чиқиб, нариги томонга ўтиб етти-

саккизтаси бирин-кетин юқорилаб бораёттибди.

Бу манзарага жуда ўрганиб қолдик. Ҳар куни нонуштагача, баъзан нонушта пайтида ким нечта бугу, нечта кийик кўргани, бири биридан фарқи, ҳусни-қомати ҳақида суҳбат юритамиз. Баъзан тунда ёхуд тонг палласида тоғ этагидан сал юқорироқ кўтарилиб, томоша қиласми.

Кийиклар кўпинча шаҳарга тушиб кетаётганимизда йўл ёқасида машиналарга тикилиб турганини кўрамиз. Тунда шаҳардан қайтагтганимизда ҳам шу манзара. Машина чироги шуъласида худди бизни кутиб олаётгандек оҳу кўзлари чақнаб кетади, кейин эгасини кўриб кўнгли тинчигандек йўлдан оҳистагина четга чиқади ва тикилиб қолади. Бу ерда бугу, кийикларни ов қилиш тақиқланган. Улар ҳам худди қўлга ўргатилган жониворлардек эркин юришади. Ҳайвонот оламининг бу гўзал зоти кўзларининг беқиёс чиройлилиги билан машҳур. Афсоналарда ҳам, шеъриятда ҳам оҳу кўзларининг таърифи жуда кўп мадҳ этилган. Бироқ кийикларниң фақат кўзларигина чиройлимикин? Жозибадор, ўзига мафтун этади, ха-лосми? Йўқ. Унга тикилиб турсангиз, бутун гавдаси—чиройли тўшидан тортиб белигача, ингичка, чаққон оёқлари, ҳамиша ялтираб турадиган танаси зийрак қулоқларигача бари гўзал ва бу гўзалликнинг ҳаммаси кўзларида мужассамланган. Инсоният оламида ўз кўзларининг таърифи ва тавсифи баландлигини ўзлари ҳам сезган ва бу билан фахрлангандек, кишига боққанида шунчалик ёқимтой, жозибали тикиладики, сира

ундан кўз олгинг келмай қолади, сеҳрлаб қўйгандай бўлади, кейин «бўлар энди» дегандай, бошини оҳиста ёнига ташлаб, шундай бир сузилиб қарайдики, кўзлар боягидан ҳам чиройли, жозибали, шу билан бирга шикаста бир нигоҳни эслатади, орқасидан тикилиб қоласан, киши.

Тонг ёришди. Ҳамон кийиклардан кўз узолмайман. Ана, қояларга, ўркачларга яқинлашиб, охиргиси кўздан гойиб бўлади.

Хаёл беихтиёр Тошкентга қараб учди. Озмунча масофами? Дунёнинг бир чеккасида миз десак, муболага бўлмас. Уйдан чиққани мизга ҳам ўн бир кун бўлди. Бироқ нима учундир шу кунлар жуда тез ўтиб кетди. Ҳар бир кунгина эмас, ҳар бир соатимиз олам-олам таассуротларга тўла, уларни қай ҳолатда қаламга сліб, ҳозозга тушириб бўларкин, деган ташвиш босиб ётибди-ю, ўн бир кун ўн бир соатдай тез ўтганига ҳайронман. Ҳар куни кечқурун, кўпинча тун ярмida қайтамиз, ниҳоятда чарчаган, оёқларни кўтариб босишга, гаплашишга мажол қолмаган ҳолда келамизу, эрталаб ҳеч нарса бўлмагандай барвақт туриб кетамиз, бизни эркалаётган кийикларни томоша қиламиз. Ҳар куни бизга ҳамроҳ бўлиб юрган дўстларимиз кўриша туриб, «чарчамаяпсизларми?» дея ҳол-аҳвол сўрашади, чарчаётганлигимизни яширмаймиз. Бироқ бу чарчоқдан чарчаш эмас, аксинча, борган сари бардам, тетик бўлиб бораётганимизни гаплашамиз. Чиндан ҳам келган кунимиз, Улан-Батор тупрогига қадам қўйган соатимизда мўгул дўстлар кучоқларини очиб, бағирларига олганича ҳамон қўйиб юборишмайди. Ўша

аэропортдаги иссиқ чеҳралар, ўша меҳр, ўша мулозамат, ҳурмат, иззат, самимият ҳеч қандай баландпарвоз иборасиз илиқ, қардошлиқ, меҳмондўстлик билан қуршаб олингандан кейин қандай қилиб чарчайсану, кунларнинг ўтишини ҳисоблаб чиқа оласан. Бундай чарчашиб кишига роҳат баҳш этаркан.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, мӯғул дўстлар ҳузурида ўтказган кунларимизнинг ҳар бири биттадан китоб бўлгуси, китоб бўлганда ҳам меҳр-оқибатни мадҳ этадиган, ёру дўстлик, аҳду пайвандликни кўкка кўтарадиган, яхши ниятли кишиларнинг бебаҳо инсоний фазилатларини, халқлар, миллатлар биродарлигининг буюк қудратини куйладиган китоб бўлишга муносибdir. Лекин афсуски, дўстлар диёрида ўтган икки ҳафталик сафар таассуротларини кичик бирлавҳада, лоақал санаб чиқишга ҳам имкон йўқ. Мен фақат бир кун — байрам арафаси кунидаги баъзи учрашувлар ҳақида гапириб бермоқчиман.

Ҳамон тог чўққисига тикилганча жаёлан Тошкентни кезаман. Ахир ҳар қандай бўлганда ҳам байрам кунлари оиласангни, айниқса, жужуқларни қўмсайсан, соғинган юраклар тез-тез уриб, улар томон талпинади. Приёмникни бураб, Тошкентни эшитмоқчи бўлдик. Ён-веримдагиларнинг роҳатини бузгим келмади. Телефон жиринглаб қолди. Ўзимизниклар. Байрам билан табриклишяпти. Демак, бугун барвақт турган бир мен эмас эканман. Бирпасда коридорда оёқ товуши, гурунг эшитилди. Ҳаммамиз бирбиримизни Улуғ Октябрь байрами билан табриклардик. Бирин-кетин мўғул дўстлар

кириб келишди, улар ҳам қучоқлашиб табриклишарди. Ҳамроҳларимизнинг бири хат ёзиш, бири табрик телеграммалари юбориш, Тошкент билан телефонда гаплашишга киришиб кетишиди. Қимdir, биз бўлган аймоқларниғ раҳбарларига байрам телеграммалари юбориб, аратларни табриклишни таклиф этди.

Ҳаммамизга маъқул тушди.

Хоналарда, вестибюлда телефонлар кетмат жиринглаб, ҳамроҳларимизни йўқлашар, табриклишга шошилишарди.

Нонуштадан кейин пионерлар ҳузурига боришимиз керак әди. Ҳаммамиз чамадонларимизни титкилай кетдик. Ахир болалар ҳузурига, тагин байрам арафасида қуруқ бориб бўлмайди-ку. Бирор бир ҳовуч значокларни олди, бирор китоблар, яна кимдир бир даста открытка, Тошкент кўриннишлари, атиргулларнинг амбийи хил навлари, ҳайкалчалар олдии. Делегация аъзоларининг шу топдаги тараддуди арафа бозоридан ўғилқизларига байрам совғаси олиб бораётганга ўхшаб кетарди. Шуларни кўнглимдан ўтказиб турувдим, Туроб Тўла ёнимга келиб, у ҳам худди шу фикрни айтди. Бир нафас икковлон Тошкентни эсладик.

Қайси бир аймоқда ёки сомонда бўлмайлик, кутиб олувчиilar қаторида ҳам, кузатувчиilar орасида ҳам ўғилқизлар, пионер ўқувчиilar байроқчаларини ҳилпиратиб, рус, ўзбек, мўғул тилларида «дўстлик» сўзини такрорлашар, ҳар такорида кишини тотли ҳаяжонга солишарди. Ўзлари мактабларида кутиб олишганда-ку, асти қўяверинг. Фахрий пионерликка қабул қилиб, бўйнимизга

қизил галстук тақиб қўйишади. Қайси ота ё она шу дақиқада бўйнига осилиб, эркалик қиладиган қизалоги ёхуд ўғилчасини эсламайди, қўмсамайди, кўнгли алланечук бўлиб кетмайди дейсиз? Кейин мўғул пионерларининг худди бизнинг пионерларникига ўхшаган значогини тақиб қўйишади-да, честь беришади. Сиз ҳам честь бериб, пионерликни қабул қиласизу, ўзингизни тутиб туролмайсиз. Жажжи қизчани бағрингизга оласиз, пешанасидан ўпасиз, меҳмоннинг эътиборига сазоёор бўлганидан қувонган қизча қип-қизариб, уялиб, яна честь бериб, ўртоқлари даврасига югуради, ўз ҳаяжонини ҳовлиқиб гапира бошлайди, фахрий пионер амакига ўғил ёки қизчасини эслатиб, багридан қочиб келганини билади, дейсизми? Бола — болалигини қилади-да.

Бола! Марҳум Шоаҳмад ака биринчи марта болалар уйига бориб, бола олмоқчи бўлганида, тарбиячи аёлни қаттиқ койиб бергани сира эсимдан чиқмайди. Тарбиячи отадан неча ёшли бола олишини сўрагану, Шоаҳмад ака: «Барибир», деган. Жинсини сўраган: «Барибир», — деб жавоб қайтарган. Шундан кейин тарбиячи қайси миллат боласини олмоқчи эканини сўраганида, Шоаҳмад аканинг ғазаби қайнаб, койиб берган: «Мен мол бозорига келганим йўқ, синглим. Одам боласини бағримга оламан, деб келдим. Ҳамма миллат боласи бир бола — одам боласи, уқдингизми?»

Бола ҳамма ерда ҳам ширин, азиз, бири биридан шўх, ёқимтой, кўҳлик. Дунёнинг нариги чеккасида ҳам ўзу, бериги қирғоғида ҳам. Худди ана шу ширинтойлар, эркатой-

**лар** бугун бизни ўз пионерлар саройида шундай кутиб олишдики, бу маросимнинг ҳар бир дақиқаси ҳаяжонли, унтуилмас, қалбларнинг аллақаерини тўлқинлантириб юборадиган, сўз билан ифодалаб бериш қийин бўлган дақиқалар әди.

Улан-Батор пионерлар саройининг қўшқаватли, байрамга безатилган, ўзбек, рус, мўғул тилларида табрик сўзлари ёзилган алвонлар тортилган биноси олдидаёқ саф тортган, қўлларида гул ушлаган пионерлар даврасига тушиб қолдик. Гул байроқчаларини силкиб, қарсак чалиб,, «дўстлик» сўзини уч тилда такрорлаб бизни қаршилаётган пионерлар пастки қаватдан юқори қаватгача жонли коридор ташкил қилишибди. Ана шу коридордан юқори қаватга — катта залга кириб бордик. Бу ерда сарой пионерларининг вакиллари саф тортиб, рапортга тайёр туришарди. Бош пионер вожатий рапортни қабул қиласа, ўзбекистонлик меҳмонларни фахрий пионерликка қабул қилиш маросими бўлди. Кейин пионерлар саройи бадиий ҳаваскорлари тайёрлаган концертни кўрсатиши.

Концерт программаси шу қадар хилмажил эдики, профессионал ижрочилар қатнашаётганга ўхшарди. Программани олиб бораётган қизча — кулча юзли, ўн уч ёшлардаги Эрдэнэтуя шунчалик маҳорат билан чаққон ҳаракат қилардики, кўпчилигимиз унга маҳлиё бўлиб қолгандик. У рус тилида, мўғул тилида сўзлаб туриб, ўзбекча рақсни әълон қилди. Атлас кўйлак, дўппи кийиб, сочларини майдалаб ўрган қизлар рақсга тушишганида, бамисоли шаҳримиздаги пионер саройларидан бирида ўтиргандек ҳис

этдик ўзимизни. Концерт анчагача чўзилди. Охири рус тилида «Доимо бўлсин қуёш» ашуласини биргалашиб айтдик.

Бизга пионерлар саройидаги турли тўгаракларнинг ишларини кўрсатишиди. Пионерлар саройига бундан ўн йил муқаддам В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги шарафига улуғ халқ хуралиниң фармони билан В. И. Ленин номи берилган экан. Беш мингдан ортиқ пионер қатнашадиган бу сарой келажак авлодни муносиб ўғил-қизлар қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Биз, пионерлар саройидан чиқиб, болалар билан хайрлашар эканмиз, улар Ўзбекистон пионерларига салом йўллаб қолишиди. Байрам арафаси ўз юртимизда, пионерлар ўртасида бўлганимиздек, қувноқ, мароқли ўтди.

Кундузи делегациямиз аъзолари В. И. Ленин ҳайкали ёнига гулчамбар қўйишда қатнашдилар. Совет Иттифоқи гимни ҳамда дўст Мўғулистон Халқ Республикаси гимни садолари остида улуғ доҳий ҳайкали ёнида унга бўлган меҳр-эътиқодимиз, ҳурматимизни бажо келтирдик.

Кечқурун Улуғ Октябрь социалистик революциясининг, шонли 52 йиллигига бағишлиланган тантанали йигилишда қатнашдик.

Бу фақат бир кунли таассуротнинг қисқа тафсили. Мамлакатимиздан узоқда — дўстлар ҳузурида шонли байрамни худди уйимиздагидек кутиб олдик. Эртага байрам... Яна қанча ҳаяжонли учрашувлар, таассуротлар...

*Улан-Батор — Тошкент  
1969 йил, ноябрь*

## ЗАРАНГ БАРГИ

Тошкентда тонг отди,  
Монреалда кун ботди.

Ён дафтар тутиш фақат ёзувчи ёки журналистга хос эмас. Ҳаммада ҳам бўлади у. Фақат бирор тутади, бирор тутмайди. Тутганларнинг бирорлари хотираларини мунтазам ёзиб боради, бирорлари онда-сонда қайд қиласди, ошхатга ўхшаб, исм-шариғлардан бўшамайди... Аммо сафарга, айниқса, юртидан ташқарига отланганларнинг ён дафтар тутмагани, уни тўлдирмагани камдан-кам бўлса керак. Нотаниш шаҳарларда бегона кишилар билан бўлган учрашувларнинг таассуроти ҳам, кўрган-билган, эшитганларидан олган завқи ва ҳаваси ҳам, кўиглини хира қилган воқеа, нарсалар ҳам, раҳми келиб ачинган, меҳр-шафқати тўлибтошган дақиқалари ҳам, қисқаси, қалбida нимаики түғён урган бўлса, иложи борича, ўзи тушунадиган қилиб уни дафтарга туширишга уринадики, бу унинг ҳайтида унутилмайдиган хотира бўлиб қолади. Кези келиб, ҳатто зарурат бўлмаганида ҳам, уни бир варақлаб чиқсанда, ўша сафар янгидан кўз олдига келадики, буни бошқа ҳеч қандай хотира билан қиёс қилиб бўлмайди, ҳатто

Фотосурат ҳам шунчалик хизмат қилолмайди. Ён дафтарни қўйин дафтар, хотира дафтари деб ҳам юритамиз. Аслида, таъбир жоиз бўлса, қалб дафтари деб атаса ҳам бўларкан. Зероки, ҳар бир кишининг ён дафтирига назар ташлаш — қалбига назар ташлаш билан тенг. Ақл-идрохи, табиати, атрофетеваракни кўра билиши бутун бир олам бўлганидек, ён дафтар ҳам ана шу қалб дардини ўзида акс эттириб, сақлаб қоладиган, бири бирига сира ўхшамаган, ўхшаши мумкини бўлмаган бир оламдирки, бу фақат дафтар эгасининг ўзига ва фақат ўзига хос, ўзига мос, ўзига аён бўлади.

Баъзан шукдай ҳам бўлади. Бир неча киши биргалашиб сафарга чиқади-ю, сафар давомида олган таассуротларининг кўпини бири бирига ўхшаб кетади. Буни сұхбатда, фикр олишишда дарров пайқаб оласан киши ва шу ўй-фикрлар ён дафтарда ҳам акс этаётганини билиш қийин эмас. Бу нарса ҳамроҳларнинг фикр-ўйлари бири бирига яқинлигини, сафардан кузатилган мақсад бирлигини кўрсатади.

Сафар анжомларини ҳозирлаб бўлиб, яна нима эсдан чиқдийкан деб, хаёл суриб ўтириб, «бу галги сафарнинг ҳаяжони бошқача-я...» деб ўзимга-ўзим савол бердим ва беихтиёр ён дафтарни қўлимга олдим. Биринчи саҳифасиға тушган жумла ҳам шу бўлган эди. Тошкент аэропортига йигилиб, ҳамсафар дўстлар билан гурунглашиб турганимизда худди мендаги туйғу ҳамроҳларда ҳам содир бўлайтганини сездім. Бирор ҳазилмутойиба билан, бирор жиҳдий вазиятда, яна бирор масофани таққослаш билан фик-

рини изҳор қиласарди. Бўлмаса, буларнинг деярли ҳаммаси ҳар хил сабаб билан мамлакатимизнинг кўп шаҳарларини кезиб чиқкан, бир неча чет мамлакатларда сафарда бўлган кишилар. Аммо бугунги ҳаяжонлари ўзгача: биринчидан, дунёning бир қитъасидан узоқдаги иккинчи қитъасига отланаётган бўлишса, иккинчидан, шу қитъадаги улуғ мамлакатнинг вакиллари бўлиб сафарга чиқаётганларидан фахрланиш — фахрланиш бўлганидаям дабдабасиз, баландпарвоз сўзларсиз, кишиларимизга хос бўлган камсукумлик билан ич-ичидан, қалбдан фахрланиш ҳаяжони эди. Табийки, бу ҳаяжон ҳар бирининг қалб дафтарида ўзига тушунарли қилиб қайд этилган бўлиши муқаррар.

Мана, сафар олдидан азиз тупроғимизнинг кўкка парвоз қиладиган дарвозасида дамланган чойнинг сўнгги пиёлаларини бўшатдик. Самолётга чиқдик. Еру дўстлар қўл силкиб, гул силкиб, атири бўйли рўмолчаларни ҳилпиратиб, сафарларингиз бехатар бўлсин, дея яхши ният тилаб қолиши. Ҳозир, шу топда, биз ўзбек элининг вакиллари бўлиб пойтахтимизга йўл олаётган бўлсак, бу ҳиссиёт Москвада, Шереметьево аэропортида эканимизда чўққисига чиқди. Қалбларимиз бошқача ҳаяжон, тўлқинланиш билан, океанинг нариги томонига, Америка қитъасига улуғ Советлар юртининг вакиллари бўлиб бораётганимизни чуқур сезиш ҳиссиёти билан ура бошлади. Бу ҳиссиёт катта шарафнинг ўзига хос улкан масъулияти, ҳиссиёти, совет кишиси деган номнинг улугворлиги, баркамоллигини ифодалаб турган ҳиссиёт эди.

Жонажон Москва, ёру дўстларнинг қуёшдек иссиқ табассумидан ажралолмай самолётга ўтирас әканмиз, юраклар шув этиб кетди. Бу ҳолатни қоғозда ёзиб, расмини чизиб кўрсатиб бўлмайди. Буни фақат қалб сезади, дўст оғушидан чиқолмай дукиллаб уриб турган юрак тепишлари сезади. Бир неча кунга бўлса ҳамки, азиз юрт, меҳрибон дўстлар, нури дийдалар билан кўришолмаслик — фироқнинг оғир дақиқаларини қалб уриши такрорлаб турарди.

Самолёт қўзғалди, қушдек баландлаб кетди-ю, кўзимизни ердан узолмаймиз... Шудақиқада ён-веримга назар ташласам, деярли ҳамманинг қўлида қалам, дафтар, қоғоз. Ким билади, ким нимани ёзиб қўяётитти. Бирор учган соатимизни қайд қилгандир, бирор кузатгани чиққан дўстини, бирор эсига тушган нарсасини, яна бирор ҳаяжонини босолмай, саҳифага числони ёзганича, нимадан бошлишни билолмай тургандир...

Бир оздан кейин, ўзаро гурунг бошланганида дилдаги ҳаяжон тилга кўчди қолди. Худди юқорида айтганимиздек ҳамманинг ҳаяжони, фикри-ўйи бир: нақадар азиссан, эй она тупроқ. Бир неча кун әмас, бир неча соатга бўлса ҳам сендан узоқлашиш қанчалик оғир әканлигини биласанми?

Бу ҳаво йўли янги йўл. Яқиндагина икки мамлакат ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Москва — Монреаль ўртасида мунтазам ҳаво йўли очилганини биламиш. Эндиликда Шимолий Америка қитъасидаги Канада Москва билан тўшиш-тўғри ва мунтазам қатнаб туриладиган ҳаво йўлинига эга бўлган ягона мамлакат ҳисобланади.

Рига осмонида чегарадан ўтиб, юртимиз билан сўнгги дафъа хайрлашдик. Стокгольм томон учиб кетдик. Авиациямизнинг машҳур конструктори Андрей Туполевнинг ақлидрохи, самолётсоз мутахассисларимизнинг маҳорати, матонати билан яратилган улкан ҳаво кемаси салкам икки юз кишининг ҳар бирини бамисоли қалин кўрпачага ўтқазиб, пар ёстиқда ёнбошлишиб, ҳаловатини бузмай олиб бораради. Ўз қўлимиз билан яратган ўз машинамиз билан фахрланардик, ҳеч бир хавф-хатар хаёлга ҳам келмасди. Йўловчиликлар хизматида елиб-югуриб юрган, юзларидан табассум аrimайдиган сержилва, серта-каллуф, хушмуомала қизлар атрофимизда парвона. Истаган нарсангизни муҳайё қилишади. Чанқадингизми, зерикмадингизми, бирон нарсани сўраб, билиб олмоқчими-сиз — ҳаммасини бажону дил бажаришади. Faқat қаерда, қайси мамлакат осмонида учиб бораётганимиз, дунёни қойил қолдирган пўлат қушимизнинг тузилиши, жаҳон кўргазмасида таҳсинга сазовор бўлганини микрофон орқали аввал рус тилида сўзлаб, кейин инглиз тилида гапира бошлашганда яна авиациямизнинг куч-қудрати билан фахрланиш туйғулари фикрни қамраб оларди. Бунинг боиси биринчидан, узоқ масофага ўз лайнеримизда учайтганимиз бўлса, иккинчидан, куни кеча, парвозимизнинг арафасида, Москвада авиация байрами бўлиб, кечқурун, ёстиққа бош қўяётганимизда ана шу тантана шарафига пойтахт салют бериб, ўз авиаторларини қутлаган ва бу туйғулар ҳали фикр-хаёлдан, кўз ўнгимиздан узоқлашиб улгурмаган эди.

ҳайратда эканлигини пайқаб олиш қийин әмасди.

Аэропортда хийла вақт ўтириб қолдик. Мэр вакили кетма-кет савол берарди. Иложи борича кўпроқ нарсанни билиб олишга қизиқарди ва жавоб берадиган президентимиздан кўзини узмасди, ҳар бир ҳаракатини синчилаб кузатарди.

Шаҳарга қараб йўл олдик. Совет павильонидаги дўстларимиз бизни меҳрибонлик билан қуршаб олишганди. Биз учун ажратилган резиденцияга келиб, жойлашиб олдик ҳамки, тепамизда парвона бўлишади, нима қилишсаки, бегона юртда заррача бўлса ҳам уринмасак. Бунинг устига ҳамюртларидан янгиликларни сўрашар, таниш-билишларининг саломини эшишиб, юборган хатларини ўқиб, ўзларини кўргандек хурсанд бўлишарди. Осоимас, ахир улар тўртбеш ойдан буён шу ерда. Минг хат келиб телефонда гаплашганлари, бизга ўхшаганларнинг етказган саломлари бўлгани билан дийдор кўришиш, бири бирининг меҳрига қониш, бағрига кириб, тафтида маст бўлиш, энтикиш, хурсандчиликдан кўз ёши тўкишга не етсин. Хуллас, узоқ узоклиғини, фироқ фироқлигини қиласр экан-да. Соғиниш билан юзларимизга, кўзларимизга узоқ-узоқ тикилишади, қайта-қайта сўрашади, сира тўйишмайди...

Овқатланиб бўлгач, шилқ этиб тушдик. Чарчаганмиз, кўзлар беихтиёр юмилар, мижжага тиргович қўйиб ҳам эплаб бўлмасди. Ахир шу тобда москваликлар авжи ширип уйқуда, Тошкентдагилар-ку, тонг оттиришган. Буни пайқаган дўстларимиз, меҳри-

бонона бизга қулиб боқишарди. «Агар ҳозир ётиб ухласаларинг, кейин кўникиш қўйин бўлади, яхшиси, сабр қилинглар, кўча айланинглар», деб маслаҳат беришарди.

Монреаль Канаданинг ўқта вилоятларидан бири — Квебек вилоятига кирадиган энг катта шаҳар. Салкам уч миллион аҳоли яшайдиган бу шаҳарни Шимолий Американинг Парижига ўхшатса бўлади. Французлар истиқомат қилиши ва шу тилда гаплашиши жиҳатидан ҳам Монреаль дунёда Париждан кейинги иккинчи шаҳар ҳисобланади.

Биз Монреалинг асосан, канадалик французлар истиқомат қиласидиган қисмида, сокин маҳаллалардан бирордаги қўшиқаватли шинамгина расмана бинога жойлашдик. Расмана дейишимизниң боиси шуки, бу ердаги икки, уч ва баъзан тўрт қаватли бинолар нинг деярли ҳаммасида ҳар қаватга алоҳида кириладиган зиналар кўча томондан қурилган. Баъзилари очиқ, баъзиларининг тепаси соябонлар билан ёпилган. Айтишларнича, бу канадаликларниң ўзига хос миллий услуби эмиш. Бу сринг ёзи буздегига ўхшаб иссиқ бўларкану, аммо серёғирлиги важиданми ҳаво нам ва ниҳоятда дым бўлар экан. Кеч кирдими, зиналарда, айвонларда одамлар ярим ялангоч дам олиб ўтиришади. Аммо қиши қаттиқ келаркан. Шуни ўйлаганда бу зиналар анча ноқулайликлар тугдирса керак. Ким билади дейсиз, бизга ғалати кўрингани билан ўзлари буни пайқамас, ахир ўз услублари-ку. Аммо биз жойлашган бинонинг зинаси ичидан қурилган, расмана бино.

Экипаж аъзолари, стюардесса қизларнинг ҳаракатида, чекрасида, муомалаларида ҳали ҳам байрам кайфияти, завқи сезилиб турарди.

Партия, совет жодимлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, адабиёт вакилларидан иборат делегациямизга бир гуруҳ ўзбек санъаткорлари, шунингдек, жаҳон кўргазмасини, Ҳанада шаҳарларини кўриш истаги билан бораётган туристлар ҳамроҳ эди. Стюардесса қиз Осло осмонида учиб бораётганимизни эълон қилиб бўлгани ҳам йўқ эдик, кимдир ўрнидан туриб, нариги салондан рубобчи йигитимиз Аббос Баҳромовни бошлаб келди. Ҳозиргача ўз ўй-Фикрлари билан банд бўлган, газета, журнал ўқиётган, ёниверидагилар билан суҳбатлашиб келаётган йўловчиларнинг эътиборини ўзбек чолгу асбобининг ёқимли куйи банд қилиб олди. Бир неча соатли фироқ яна ўз кучини кўрсатди. Бир зумда хаёл жонажон юртнинг сўлим боғ-роғларига, шаҳар-қишлоқларига, ҳар кимнинг ўз хонадонига, меҳрибонлари ҳузурига элтди. Бир куй чалиниб бўлгунча, ватанин сайр қилиб чиқди. Соғиниш соатлари бошланди қўйди... Куй-куйга, хониш хонишга уланиб кетди. Осмони фалакда бамисоли ўз уйимизда, ўз куйимиз билан маст эдик.

Берген, Исландия, Гренландия, Ньюфаунленд осмонида парвоз этиб, ниҳоят, Монреаль кўкига яқинлашдик. Жаҳон кўргазмаси туфайли ҳаммага маълум бўлиб қолган шаҳар, унинг заркокилларини ювиб ўтадиган сержилва гўзал дарё — Авлиё Лаврентий

дарёси, кўргазма павильонлари қўгиричоқ уй-чалардек кўзга ташлана бошлади.

Соатларимизга қараганда, кеч қоронгиси тушиб, уйқуга бош қўядиган пайт. Аммо бу ердагилар тушликни қилиб бўлган ёки энди-гина тушликка ўтираётган эди.

Аэродромда бизни кўргазмадаги Совет павильонининг ходимлари, Канададаги ва-колатхонамиз хизматчилари, Монреаль шаҳри мәрининг вакили кутиб олишди.

Табиийки, бирон шаҳарга иккинчи бир мамлакатдан меҳмон келса, ҳаммани қизиқтиради. Кутиб олувчидан тортиб, хизмат қилиб юрганларгача келган одамларга қўгиричоқ дўконига кириб қолган гўдаклардек бошдан-оёқ қизиқиб қарайди, гапларига қулоқ солади. Аммо бизнинг делегацияга бўлган қизиқиши одатдагида ташқари эди. Буни ҳар биримиз Монреаль тупроғига қадам қўйган дақиқамизданоқ сеза бошлаган эдик. Шаҳар мәрининг вакили қорачадан келган, бароқ қош, ўрта бўй ва ўрта ёшлардаги кўринишдан оғир-босиқ (балки протокол қоидалари талабига кўра ўзини шундай тутаётгандир, ахир бир кўришда одамнинг босиқ ёки енгилтаклигини билиб олиш анча қийинку) киши делегациямиз бошлиги Ёдгор Содиқовна ва унинг ҳамроҳлари билан кўришиб бўлиб, бизни аэропорт залига бошлаб бораркан, дунёда биринчи ва яккаю ягона аёл президент билан, президент бўлгандаям хотин-қизлари бундан ниҳояти қирқ йил мұқаддам паранжи ичida юрган, саводсиз бўлган мамлакатда етишиб чиққан президент аёл билан учрашгани, сухбатлашганидан

Дастлабки дақиқалардаёқ Бодри номи билан юритиладиган бу күчада болажон, серфарзанд оиласлар яшашлигини пайқаб олиш қийин эмасди. Болали уй бозор дегани миздек, унча узун бўлмаган, пкки томони катта-катта кўчага чиқадиган бу кўчани ҳам, «болали кўча бозор», деб атаса бўларди. Болали уйда сир ётмайди. Ҳар қандай янгиликнинг биринчи жарчиси ҳам бола бўлади. Машиналаримиз бино олдига келиб тўхташи билан уларни ўраб олган болалар бирпас қизиқиб, аланглаб бизларга тикилиб турган бўлишди-да, худди команда берилгандек бирдан тарқалишди. Шу заҳотиёқ ён-веримиздаги, кўчанинг нариги бетидаги хонадонлар, болохоналарда, балконларда аёллар пайдо бўлди. Ўлар ҳам бегона юртдан келган одамларга тикилишар, алланималар ҳақида ўзаро пицирлашишарди. Бола — болалигини қиласди. Ҳали жойлашиб улгурмаси мизданоқ жужуқлар яна эшигимиз олдида ўралашиб қолишли. Аввалига ҳадиксираб, тортиниб туришди-ю, сал ўтмай әлакишиб кетишли. Кимдир жажжи бир қизалоққа қўлидаги гулдастадан битта гулни олиб узатган эди, қолганлари ўраб олиб, чуғурлашиб кетишли. Яна кимдир чўнтагидан значок чиқариб, юзлари чанг босган, тиззасининг кўзи тупроққа беланган, сариқ соч, кўзлари тийрак болага узатган эди, қолганлари қўлларини узатиб «амаки, менгаям медаль беринг» деб чуғурлашиб кетишли. Нарироқдаги машина ёнида турган, кўринишдан шу ерли бир киши хижолат тортгандай, француз тилида бир нарса деди болаларга. Афтидан, у: «Ахир, меҳмонлар чарчаб келишган,

ўз холларига қўйинглар, боринглар, ўйнанглар» деди шекилли, болалар бир нафас тинчишиди ю, сал ўтмай яна болалигини қилиб «Амаки менгаям»га ўтишди. «Мана пучуқвой» дея сепкилдор болага кимдир битта значок узатди. Хуллас, чўнтагини кавламаган киши қолмади. Эртасига эрталаб, нонуштага бораётганимизда, яна шу жужуқларни кўрдик. Энди улар кечагидан ҳам кўпайишган эди. Ҳатто ичиде кеча тиззаси тупроқ, юзлари чанг бўлиб юрган болакай, кимдир значок тақдим қилганида зўрга «спа-си-б» деб жавоб қайтарди. Дарров буни ҳам ўрганиб олибди.

Шу кундан бошлаб, болалар ҳар кунни эрталаб чуғурлашиб бизни кузатиб қўйшар, қайтганимизда кутиб олишарди. Биз ҳам ўрганиб қолгандик. Эртасидан бошлабоқ бирининг қўлида тахта, бирида картон қоғоз пайдо бўлди. Олган совғалари — ҳар турли значоклар, чақаларни шунга қадаб, коллекция тўплашар, бир-бирларига кўз-кўз қилишарди. Соким кўча сукунатида шуларнинг овози, кулгиси, йигиси ҳукмрон эди. Назаримда, Бодри кўчасидаги шу болалар зерикаб юришган экану, бизнинг келишимиз уларга бир дунё, катта воқеа бўлиб қўринди, дам олиб, яйрагандай бўлишди. Ўзимиз ҳам анча ўрганиб қолдик.

Машинамиш шаҳар кўчаларидан ўтиб, Монт-Рояль тогининг илон изи йўлларидан баландлаб борарди. Тепаликка чиқиб, машинадан тушганимизда оқшом ўзининг ҳарир пардасини эндигина ёйишга ҳозирланётган, кўкўпар биноларда бирин-кетин чироқлар ёна бошлаган эди. Тош зиналардан юқорига

күтарилилдик. Монреаль биз самолётдан кўрган ёхуд ҳозиргина автомашиналарда кўчаларидан ўтиб келганимиздаги шаҳарга сира ўхшамасди. Бу ердан у бутун борлиги, кўркинсалобати, ҳусн-жамоли билан намоён бўлди. Бамисоли табиат мана шу Монт-Рояль тоғини фақат ва фақат Монреални томоша қилиш учун яратиб қўйгандек.

Америкача кўлам, европача дид-услубда қурилган бу шаҳар кўкка бўй чўзган кўп қаватли бинолар, уч-тўрт қаватли иморатлари, бири бирига жуда ўхшаб кетадиган кўчалари ва ниҳоят, бағридан оқиб ўтадиган, улкан ва узун кўприги шаҳарнинг камаридек белини боғлаб турган Авлиё Лаврентий дарёси билан ҳусн бобида дунёдаги энг гўзал, сўлим шаҳарлар билан беллашман деб тургандек.

Табиат оқшоми шошарди. Бирпасда у қора пардасини ҳамма ёққа ёйиб: «Қани, шаҳар, мени тилка-пора қиласиган кучингни кўрсат», демоқчидаи бўларди. Шаҳар ҳам шошарди, кетма-кет чироқларини ёқиб, қора пардани ёриб, жамолини намоён қилишга шошарди. Аммо тунни қувмоқчи бўлган нур унинг ҳамма ерини баб-баравар ёритолмасди. Баланд қават биноларнинг тепасида ёнган кучли прожекторлар ёнидагиларнинг нурини писанд қилмасди, босиб кетарди, шаҳарнинг энг катта, энг гавжум марказий кўчаси — Сан-Кэтриндаги ранго-ранг рекламаларнинг чироқлари нури кўзни қамаштирас, ўз навбатида булар ҳам бошқа кўчалардаги нурни назар-писанд қилмаётгандай әди. Бу чироқлар бетиним ҳаракатда. Ўчади, ёнади, рангини ўзгартиради, нур тилга ки-

риб, одамлар билан, шаҳар билан сўзлашади. Тинмайди, чақиргани чақирган: «Келинг, магазинимизга марҳамат!» — дейди. «Биздан харид қилинг», — дейди. «Қарзга олаверинг, пулини кейин тўларсиз», — дейди. Тунда нур тилга кириб авж қилса, кундузлари хилма-хил, кўзни қамаштирадиган бўёқлар тилга киради. Ҳар қадамда рўпрангиздан чиқиб, юқоридагиларни такрорлайверади. Кўчаларда әртадан кечгача, оқшомдан тонггача шунга дуч келади киши. Уйда-чи? Дам олиб ўтирганингизда ҳам шу. Телевизорда бирон фильмни охиригача кўриш амри маҳол. Картинани шартта бўлиб, ўртасида яна ўша совуннинг энг яхшиси бизда ёки тиш пастасининг бунақангি ярқирадиганини бошқа жойдан тополмайсиз, деганга ўхшаш мақтovларни әшиятасиз. Бизга ғалати туюлган бу нарсаларга бу ерликлар ўрганиб қолишган, албатта...

### експо — 67

Авлиё Лаврентий дарёсининг қоқ ўртасига, оролларга жойлашган ЭКСПО — 67 жаҳон кўргазмаси Монреалнинг ҳуснига тушган хол мисоли. Ҳамма павильонлар нурга кўмилган, сержилва дарё уларнинг аксини ойнадагидек акс эттириб турибди. Сон-саноқсиз павильонлар орасидан дарров кўзга иссиқ кўринган ўз павильонимизни топиб олдик. Кўкка парвоз қилмоқчи бўлиб турган учар гиламдек савлат тўкиб турибди. Унинг олдидаги улуғвор «Ўроқ ва болга» ҳайкал композицияси ҳам яқъол кўзга ташланади.

Шаҳар оқшомида кӯчалар гавжум. Гавжум деганимизда биз кўпроқ одамлар билан бўлган гавжумликни тушунамиз. Бу ерда кӯчаларда одамлар кам кўринади. Улар машиналарда. Шу туфайли ҳам кӯчалар машиналарга тўлган, машиналар билан гавжум. Айниқса, кечки пайтларда машинада юргандан пиёда юрган маъқулроқ. Шунчалик тирадиб кетадики, деярли ҳар эдлик-юз қадамда тўхтаб, имиллаб юришга мажбур бўлади.

Шуълага чўмган, реклама чироқларининг минг хил товланиб, кўз қисиб, қош қоқиб, имо-ишора қилиши билан нафас олаётган кӯчалардан ўтиб борарканмиз, баландликда, ҳозиргина биз турган жой — Монт-Роялдаги улкан бут шаҳар тепасида кўкка бўй чўзиб, гўё одамларнинг савоб ишлари ва гуноҳларини ҳисоб-китоб қилиб тургандай кўринади. Билмадик, қайси бир ишни савобга йўяди-ю, қайси бирини гуноҳга. Бу бизга қоронғи. Аммо бир нарса равшанки, монреалликлар жаҳон халқларининг ҳаётини, әришган ютуқларини бир кўзгуда акс эттиришдек яхши ниятли, катта савоб ишни қилганлар, биз ҳам ана шу савоб иш туфайли бу юрганга ташриф буюрганимиздан курсанд әдик...

Эртаси куни кўргазмага бордик.

Экономика, фан, қурилиш, маданият соҳасида әришилган ютуқларнинг жаҳон кўриги — «ЭКСПО — 67» номи билан юритилаётган кўргазманинг иш бошлаганига тўрт ой бўляпти. Бу кўргазма канадаликлар учун икки муҳим санани байрам қилиш — Канада конфедерациясининг юз йиллиги ҳамда

Монреаль шаҳрининг уч юз йигирма беш йиллигини нишонлашга тӯғри келаётган бўлса, биз, совет кишилари учун Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг шонли әллик йиллиги тантаналари арафасида ўtkазиляпти.

Монреаль океандан бир ярим минг километр узоқликда жойлашган бўлишига қарамай, унинг порти мамлакатнинг асосий портларидан бири ҳисобланади. Океан лайнерлари шаҳар марказида кенглиги уч километрга ёйилиб кетадиган Авлиё Лаврентий дарёси орқали бемалол портга кириб келаверади. Шаҳардаги бинолар жуда зич қурилгани туфайли кўргазмани ташкил этишда унга қулай жой топиш масаласи катта муаммо бўлиб қолган эди. Шунга қарамай, кўргазма ташкилотчиларининг дадиллик билан тузган янги режалари ҳаммани қойил қолдирган. Улар кўргазмани портга туташган Маккей буруни билан Сент-Элон ҳамда Нотр-Дам оролларига жойлаштиришни таклиф этишган.

Бу режанинг кишини ҳайратга соладиган жойи шунда эдики, жуғрофия хариталарида фақат Сент-Элон оролинигина учратишингиз мумкин. Унинг қиргоқларидаги сердараҳт салқин парк ҳамда бутун қулайликларга эга бўлган чўмилиш жойлари монреалликларнинг севимли сайргоҳлари эди. Маккей бурунининг сатҳи бўлса айтарли катта эмас, энсиз. Нотр-Дам ороли мутлақо йўқ эди.

Кўргазма ташкилотчилари ўи беш ой мобайніда кўлами жиҳатидан улкан ишни бажардилар. Дарё тубидан 29 миллион тонна

тупроқ чиқарилиб, ағдарма машиналарда қирғоққа келтириб түкилди, натижада Маккей буруни кенгайтирилиб, Сент-Элон ороли анча чўзилди. Дарёнинг жанубий қирғоғидаги саёз жойларга тупроқ түкилиб, янги, сунъий Нотр-Дам ороли — парки, кўли, кўрғазни ва каналлари бўлган катта орол бунёдга келтирилди. Шундай қилиб, кўргазма майдони тўрт юз гектарга кенгайтирилди. Бу албатта, улкан Авлиё Лаврентий дарёсининг сувига таъсир этмай қолмади. Сув сатҳи баъзи жойларда икки-икки ярим метргача кўтарилди.

### «Замини башар»

Кўргазма гоясини ифодалайдиган девиз топиш масаласида Монреалда анча бош қотиришган. Ниҳоят, француз ёзувчisi, қаҳрамон учувчи, гитлерчиларга қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлган Антуан де Сент-Экзюперининг «Замини башар» номли асарининг номини қўйишга қарор қилинди. Бу девиз кўргазманинг темасини очиб беради. Шу китобдаги «Инсон бўлмоқ — ҳар бир қўйиган тошинг билан дунёни қуришга кўмаклашаётганингни ҳис этмоқ демакдир» деган сўзлар кўргазма олдига қўйилган мақсаднинг фалсафий ифодаси бўлиб хизмат қиласди.

«ЭКСПО — 67» нинг асосий темаси — «Замини башар» — кўргазмада қатнашаётган мамлакатларнинг миллий павильонларида, Канаданинг маҳсус павильонлари, шунингдек, кўргазма даврида олиб борилади.

ган ҳар турли информацион воситалар орқали очиб берилади.

«ЭКСПО — 67»да Европа мамлакатларидан 17 таси, Осиё мамлакатларидан 10 таси, Африкадан 26 ва Америка қитъасидан 7 мамлакат иштирок этмоқда. Социалистик ҳамкорликдаги мамлакатлардан: Совет Иттилоғи, Чехословакия, Югославия ва Куба қатнашмоқда. Ҳаммаси бўлиб 62 мамлакат иштирок этаётган, ҳозирга қадар жаҳон миқёсида ўтказилган кўргазмалардан кўлами ва мамлакатлар сони жиҳатидан энг улкан бўлган бу кўргазмани бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқишининг ўзи бир неча кунни олади. Ундаги миллий павильонлар, тематик павильонлар, киноленталар, магнит ленталаридағи ёзувлар, стендлардаги экспонатлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб бериш у ёнда турсин, уларнинг тўла рўйхатини тузганда ҳам бир китоб бўларди. Шу туфайли, мазкур очеркда қисқача маълумот ва бир сайёҳнинг кўрганлари, ундан олган таассуротларидан баъзиларини келтириш билан кифояланмоқчимиз.

Кўргазмага асосан Маккей буруни бошлиниадиган жойдан кирилади. Бу ерда 12 минг автомашина турадиган майдон, чап томонда 25 минг кишили стадион қурилган. Ўнгда «ЭКСПО — ЭКСПРЕСС» темир йўли ўтади. Шу ердан тематик павильонлар бошлиниади.

Совет Иттилоғи павильони Авлиё Лаврентий дарёсидаги Нотр-Дам оролига, бу оролни нариги Сент-Элон ороли билан бирлашибадиган улкан кўпприк ёнига жойлашган. Павильон биноси ойна, алюмин, пўлат ва

бетондан гигант трамплин шаклида қурилган. Унинг қайирма томи худди ҳавода осилиб тургандек ёхуд кўкка парвоз қилмоқчи улкан қушнинг қанотидек кўзга ташлаади.

Биз павильонни айланиб чиқиб, пастга, катта томоша залига тушдик. Зал одамлар билан лиқ тўла. Ҳатто зинапояларда ўтиришипти, тик туришипти. Бу ерга турли мамлакатларнинг журналистлари, кўргазмани кўргани келганлар Ўзбекистон делегацияси билан учрашиш учун тўпланишган. Матбуот конференциясида делегация бошлиги, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ёдгор Содиқовна Насриддинова республика босиб ўтган шонли йўл ҳақида гапириб берди. Унинг сўзи тугаши биланоқ саволлар туша бошлади. Журналистлар ҳам, кўргазмага келганлар ҳам савол беришарди. Бирини ўзбек хотин-қизларининг аҳволи қизиқтирса, иккинчисини президентнинг қаерда тугилиб, қаерда ўқигани, яна бирини кўп болали оналарга бериладиган имтиёзлар қизиқтириарди. Бир мухбир Тошкент, Самарқандга бориш мумкинми, деб сўрайди.

— Марҳамат, — дейди Ёдгор Содиқовна, — истаган шаҳрингизга боришингиз мумкин. Ҳар йили юртимизни кўргани минглаб туристлар келиб туришади.

Табиийки, кўпларни Тошкентнинг ҳозирги аҳволи қизиқтириарди. ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Рафиқ Нишонов зилзила оқибатларини тутатиш, шаҳарни тиклаш, янги уй-жойлар қурилаётгани ҳақида батафсил гапириб бераркан,

залдагилар диққат ва эътибор билан тингларди унинг сўзларини.

Матбуот конференцияси тугаб, навбат санъатчиларга келди, зал боягидек тирбанд. Эшикдан янгидан-янги одамлар кириб келиб, тик туришарди.

Санъат кишилар қалбига таржимонсиз стиб боради. Бугунги биринчи концертдаёқ, тузилган программага янги қўшимчалар киритилди. Буни залда ўтирганлар, уларнинг бетўхтов қарсаклари киритди. Ҳалимахоним Носировани ҳам, Галия Измайловани ҳам, Сасон Беньяминовни ҳам, Клара Юсуповани ҳам, Қаҳрамон Дадаевни ҳам, ёқимтой пианиночимиз Офелия Юсуповани ҳам қайта қайта саҳнага таклиф этишарди. Бугун ҳам, бундан кейинги концертларда ҳам ана шундай бўлди. Сафаримиз тугади ҳамки санъатчиларимизни қўйиб юборишмади, яна бир ҳафта концерт қўйиб беришга олиб қолишди.

Бугунги учрашув бошланғичи эди. Шундан кейин бундай учрашувлар кўп жойда бўлиб ўтди. Кўргазмадаги павильонларнинг қайси бирига кирап эканмиз, мезбонлар самимият билан кутиб олишар, ўз павильонларидағи экспонатларни мамнуният билан кўрсатиб, охирида делегация аъзолари билан суҳбатлашишар, мамлакатларини ва ёки павильонларини акс эттирадиган бирон ёдгорлик совға қилишарди. Биз ҳам қараб турмасдик, албатта. Бирининг бошига дўппи кийгизсак, бирининг кўксига лўппи пахтаси чаногидан тўкилай деб тургани акс эттирилган значок тақиб қўярдик.

Канада павильонига кирганимизда, павильоннинг бош комиссари бизни жуда мам-

пунлик билан кутиб олиб, инглизчалаб: «Энг мўътабар кишиларни кутиб олаётганимдан мамнунман», дейди.

Чехословакия павильони ҳамма вақт гавжум, ҳамманинг диққатини ўзига тортади. Одамлар соатлаб навбат кутиб туришади. Унинг заллари бири биридан чиройли, нозик дид билан безатилган. Павильонда чехословак халқининг ҳаётини акс эттирувчи тарихий, бадиий экспонатларни, «Саноат тараққиётининг симфонияси» деб номланган ажойиб бўлимни зўр қизиқиши билан томоша қилинади. Ҳар бир экспонат халқининг қадиимий традициялари сақланиб қолгани, ривожланиб бораётганидан, қўли гул моҳир усташлар яратган ажойиб буюмлар ўзининг зийнати, юқори сифати билан ҳамон алоҳида ажралиб турганидан далолат беради. Моҳир қўллар шиша ойнадан анвойи хил буюмлар ясаб, гапиртириб юборган деса бўлади.

Павильонда бизга ажойиб кинофильм кўрсатишиди. Кибернетика ҳисоблаш принципида олинган бу картина шундай намойиш қилинади: қисқа метражли фильмнинг сюжети томошабинларнинг талаб ва хоҳишлири билан ривожланиб боради. Экраннинг теварак-атрофида залдаги креслоларнинг номерлари ёзилган. Номерлар икки рангда: қизил ва кўк. Саҳнанинг икки ёнига рақамлар санаб бўлинганда натижасини кўрсатадиган рамка ўрнатилган. Фильм бошланади. Маълум жойга келиб тўхтайди, асосий қаҳрамон «Мақсадга эришиш учун нима қилиш керак?» деб ўйлаб турганида экрандаги қаҳрамон саҳнада пайдо бўлади ва «Қани, сизлар қайси йўлни танлардингизлар?» дея савол

беради. Залдагилар ўз хоҳишларига кўра, креслолардаги тугмачани босишади. Бир зумда экран атрофида қизил-кўк рақамлар гайдо бўлади ва шу заҳотиёқ ҳисобланиб, на-тижаси саҳна ёнидаги рамкаларда кўрсатида-ди. Шундай қилиб, томошабинлар воҳеани қай йўсинда давом эттиришни истаган бў-лишса, фильм сюжети ўша йўсинда, улар-нинг хоҳишларига қараб ривожланаверади ва яна шунга ўхшаш ҳал қилиниши лозим бўлган жойига келганда боягидек томоша-бинларнинг хоҳиши ҳисобга олинади. Шу тахлитда фильм тугагунча давом этади.

Техник жиҳатдан жуда қизиқ бўлган бу фильмни кўриб бўлиб, ёнимда ўтирган Восил Қобуловга «Нима дейсиз?» дегандай қараган эдим, у ҳеч ажабланмай:

— Киночиларимиз ҳафсала қилишса, ўзимизда ҳам шундай фильм яратсак бўла-ди, яхши, қизиқарли сценарий бўлса бас, -- деб қўйди. Миннатдорчилик билдириб, па-вильондан чицар эканмиз, павильон комис-сари қўярда-қўймай кабинетига бошлади, машҳур чехословак пивосидан чанқов бости-га татиб кўришга таклиф қилди.

Кўргазма инсон ақл-идроқи, меҳнати билан яратилган ва унга хизмат қилаётган моддий ва маънавий бойликларни кўзгуда акс эттириб турибди мисоли. Ҳар мамлакат ўз миллий павильони билан бир қаторда ҳалқаро тематик павильонларда ҳам ишти-рок этади. «Инсон — тадқиқотчи» деб ном-ланган тематик павильон бўлимлари, унга қўйилган экспонатлар — Жаҳон кўргазмаси-нинг «Замини башар» деган ғуманистик девизини яққол акс эттириб турибди.

«ЭКСПО — 67»ни кўргани келган саёҳ — у қайси мамлакатдан, қайси миллатдан ва қандай мазҳабга мансуб эканлигидан қатъи назар, улкан кўргазмадаги стендларни кўздан кечираркан, кўз олдига яна бир бор француз йигити, баҳодир учувчи Антуан де Сент-Экзюпери келади. Унинг «Замини башар» номли китобини ўқиганини, ҳозиргина Франциянинг миллий павильонидаги стендлардан бирида Сент-Экзюперининг магнит лентасига ёзиб олинган сўзини тинглаганини эслайди. Ҳа, чиндан ҳам унинг китобининг номи «ЭКСПО — 67»нинг девизи килиб олингани жуда тўғри бўлган, дея кўнглидан ўтказади.

«Инсон — тадқиқотчи» павильонидан ана шундай таассурот билан чиқиб келган киши қадимий дengiz кораблларининг улкан мўрисини өслатувчи кул ранг иншоот — ёни-веридаги бинолар орасида алоҳида ажralиб осмонга бўй чўзган иншоотга рўбару келади. Бу — Англия павильони. Павильоннинг ичкарисига бамисоли ним қоронги ғорга киргандек кириб борилади. Кейин харсанг тошларга, қояларга урилаётган дengиз тўлқинларининг шовқини остида аста-секин павильон залларига чиқилади. Иншоотнинг ўзи ҳам, ундаги экспонатлар ҳам мамлакатнинг тарихидан, бир вақтлардаги қурдатидан ҳикоя қилиб беради.

Франция павильонига киришингиз билан катта залда музика садолари қулоқни қоматга келтиради. Үн минут давомида момақалдироқ гулдирашини ҳам, чақмоқ чақишини ҳам, чинқирган овозни ҳам әшитасиз. «Космик — нур — музика» деб номлан-

ган бу ссанс кишида ажиб бир ҳиссиёт уйғатади.

Югославия павильонида мамлакат ҳаётини акс эттирувчи катта-катта рангли суратлар ойнабандли рамкаларда автоматик рационалда алмашиниб турадики, бамисоли республика бўйлаб сайр қилаётгандек бўласан киши. Экспонатлар дид билан жуда чиройли қилиб безатилган.

Кубанинг қаҳрамон ҳалқи ўз революцион тарихини ҳикоя қилувчи ажойиб экспонатларни кўргазмага қўйган. Озодлик йўлидаги мардонавор кураш, революцион ҳаракат павильондаги фотоҳужжатлар, газета нусхаларининг саҳифалари, кинофильмларда ўз аксиини топган.

Монреалда бўлган кунларимизда виставканинг Совет павильонида ўтказган учрашивларимиз, савол-жавоблар, суҳбатлардан ташқари турли соҳаларнинг вакиллари делегациямиз аъзолари билан учрашиш истаклари ни ҳам билдиришди. Медицина соҳасида ўтказилган суҳбатдан қайтгач, бир профессоримиз кечгача ҳаяжонини босолмай, гапириб юрди, «Қизиқ,— дейди у,— буқоқни даволаш ҳақида гапирсам, елкаларини қисишади, ишонишмайди. Бепул медицина хизматини ҳикоя қилганимда ҳайрон бўлиб қолишади... Бразилияда, агар хотини буқоқ бўлса ундан ажралиш қонунлаштирилган дейишди...»

Чиндан ҳам биз учун оддий туюлган кўп нарсалар канадалпкларни, кўргазмага келгандарнинг кўпларини ҳайратда қолдирарди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Кибернетика институтининг

директори, атоқли олим Восил Қобулов ҳам Монреаль университетига таклиф қилинди. У ерда ҳисоблаш техникаси билан танишди, олимлар билан учрашув ўтказди.

Кўргазмага келувчилар иложи борича кўпроқ нарсани кўра олишлари учун кўргазма территориясида транспортнинг турли воситаларидан фойдаланилган. Махсус электропоезд қатнаб туради. Французча «Ла балод» («сайр қилиш») деб номланган кичик-кичик, ёни-вери очиқ, соябонли вагончаларга ўтириб, сайд қилиш ҳам мумкин. Ҳайдовчи микрофон орқали қаерда нималар борлигини тушунтириб боради. Икки кишили велорикшаларда юриб, томоша қилиш мумкин. Айтишларига қараганда, велорикшаларнинг деярли ҳамма ҳайдовчилари фурсатдан фойдаланиб, пул ишлаб олаётган студентлар эмиш. Кўргазманинг очилиши канадалик ишсизларнинг жонига оро киргизган. Уларнинг кўпчилиги павильонларнинг қурилиши даврида ҳам, ҳозирда ҳам кўргазмада иш билан таъмин этилган.

Транспортнинг «Монорельс» деб аталган тури кўргазманинг тепасида пўлат тирговичларга ўрнатилган изларда юради. «Монорельс»да павильонлар оралаб, дарё ёқалаб, кўл устидан, шаршара тагидан, кўприклар тепасидан ўтасиз, улкан шиша шар — Америка павильонининг қоқ белидан тешиб кириб, нарёгидан чиқасиз. Ҳуллас, «Монорельс»да кўргазманинг ҳамма жойини тедадан туриб томоша қилиш мумкин.

«Монорельс» ўтадиган Америка Қўшма Штатларининг павильони Совет павильонининг рўпарасида — нариги Сент-Элон ороли-

га жойлашган. Баландлиги 57 ва диаметри 76 метрли шар кундузи қуёш нурини ўзида акс эттириб, жилоланиб туради, кечқурунлари ичидан берилган нур билан ним ранг олтин тусига кириб ярқирайди.

Биз, кўргазмага борган биринчи кунимизда, машинадан тушар эканмиз, кўзимиз дастлаб ана шу шарга тушди. Шоферга қараб, «чиройлиг-а» деган эдик, у кулди:

— Кўриниши чиройли. Одамлар «совун пуффак» деб аташади.

— Қизиқ. Совет павильонини-чи? — дея шошилиб сўради ҳамроҳларимиздан бири ундан.

— «Парвоз қилаётган том» дейишади.

Совет павильони ҳақида юқоридагидан ташқари лиа «учар гилам», «гигант трамплин», «парвоз қилаётган қуш қаноти» дейишганинни эшитдик. Шуниси характерлики, ўзаро суҳбатларда ҳам, матбуот саҳифаларида баён этилаётган фикрларда ҳам кўпинча СССР павильони билан АҚШ павильонининг қиёфаси ҳақида гап борарди. Яхшиси, ҳурматли китобхонлар, матбуотда босилган кўплаб мақолаларнинг бир-иккитасидан олинган намуналар билан танишинг. Ўз-ўзидан равshan бўлиб қолади.

Мана, кўргазма очилган куннинг эртасигаёқ «Монреаль Стар» газетасининг комментатори Брус Тейлор ўзининг «Монреалнинг куни ва туни» номли мақоласида шундай деб ёзади: «Совет павильонига нисбатан Америка павильони «ичи бўм-бўш сўргиچ» — бу «ўн миллион доллар сарфлаб, байрамга атаб олинган курка товуқ...»

Джон Даунинг «Торонто Телеграмм» га-

зетаси саҳифасида «АҚШ ҳафсалапи пир қиляпти» деган рубрика остида шундай деб ёзади: «АҚШ павильонининг ичидаги улкан экспонатларни кўришдан умидвор бўлган томошабин олдида павильон болалар йўнаётган совун пуффакдек ёрилиб, ҳавога учиб кетади... Аммо шундай бўлса ҳам павильонга кирганлар, айниқса, АҚШ дан келганлар ўзларини бирмунча алданган ҳис этишлари муқаррар...»

«Стар» газетаси 24 май сонида, газетхонларнинг хатлари босиладиган бўлимида, Америка гражданларининг «ЭКСПО»даги ўз павильонлари ҳақида баён қилган фикрларини босиши давом эттиради. Мана шулардан бири — Ральф Вулфнинг хати. У шундай деб ёзади: «...АҚШ павильонини яратишда иштирок этган бир солиқ тўловчи сифатида павильон ҳақидаги ўз фикримни айтишни бурчим деб ҳисоблайман. Монреалда кўрсатиш учун танлаб олинган экспонатлар менини хижолатда қолдирди ва нафрат туйгусини уйғотди: ...архитектурадан бошқа ҳаммаси бирон-бир ўй-фикрлаш имкониятидан маҳрум этиб қўяди ва менинг жалқимни кулгили бир аҳволда кўрсатади. Кимdir атайлаб, канадалик қўшниларимизни ҳақорат қилишга уринган деб ўйлаб қоласан киши... Мен, кўргазмага менинг ҳукуматим юборган экспонатлар учун Канада халқи олдида кечирим сўрамоқчиман».

«Томас Таймс Джорнал» газетасининг 6 июндаги сонида «ЭКСПОда руслар ғолиб чиқмоқдалар» сарлавҳали мақолосида шуларни ўқиймиз: «АҚШ павильонида сиз экспонатларни кўриш учун қатъий чеклаб

қўйилган тартибга риоя қилишга тайёр бўлишингиз керак. Чунки сизга белгиланган маршрутни ўзгартиришга ҳам, орқага қайтишга ҳам йўл қўйишмайди. Ҳамма ерга кўпроқ соқчиларга ўхшаб кетадиган гидлар қўйилган. Сиз павильондан ўзингизни бамисоли чақирилмаган меҳмондек ҳис этган ҳолда чиқиб кетасиз... Рўпарада СССР павильони жойлашган. Сиз бу улкан ва жуда ажойиб павильонга ўзингизни интизор бўлиб кутилган меҳмондек ҳис этган ҳолда кириб борасиз.

Стендлар ёнида туриб тушунтираётган ходимлар сермулозамат, олиҳимматлик билан кутиб олишади. Улар бутун Россияни кўз олдингизга келтириб қўйишади ва бу суҳбатни шундай очиқ қўнгил ва дўстона самимият билан олиб боришадики, шу нарсани АҚШ павильонида кўрмаганингта ачинасан, киши...

\* \* \*

Юқорида айтганимиздек, мамлакатларнинг ўз миллий павильонлари билан бир қаторда Совет Иттифоқи ҳам ўзининг салмоқли ҳисссасини қўшган халқаро тематик павильонлар: «Инсон — тадқиқотчи», «Инсон ва ишлаб чиқариш», «Инсон ва саломатлик», «Инсон — яратувчи» павильонлари ҳам борки, булардаги экспонатларда инсон ақлидроқи, меҳнатининг маҳсули бўлган техника, фан тараққиёти намуналари, уларнинг истиқболи билан танишасиз, одам ақлини

шошириб қўядиган автоматларнинг ишини кўрасиз.

Табиийки, кўпроқ кўриб, кўпроқ билиб олишга қизиққан томошабин-сайёҳ вақтни тежайди, овқатни ҳам йўл-йўлакай қилади, кечга томон чарчаб, ҳолдан тойиб қолса ҳамки, павильондан чиққиси келмайди. Шу туфайли у аввал одамлар сийракроқ павильонларни кўришдан бошлайди. Навбат кутуби қолинадиган павильонлар олдида одам сийраклашадиган фурсатни кутади. Кутади-ю, барибир Совет Иттилоғи павильони олдидаги гавжумлик бир дақиқа ҳам тинмайди, ҳамма вақт одам, узундан-узун чўзилиб кетган навбат. Эрталаб, кўргазма эшиклари очилгунга қадар одамлар навбатга тура бошлишади. Биз бўлган кунларда бирон соат ҳам одамлар сийраклашиб қолганини кўрмадик. Айтишларига қараганда, кўргазма очилган кундан буён шундай экан. Бундан, павильон залларига одам сигишмаганидан навбат чўзилиб кетса керак, деб ўйламанг. Асло. Совет Иттилоғи павильонига кириш бошқа павильонларга қараганда жуда қулай. Иккита эскалатор тинимсиз ишлаб туради, навбатда турганлар сира тўхтаб қолмайди. Шунга қарамай, навбатнинг охири узилмайди. Павильонимиз ЭКСПО даги әнг гавжум павильон ҳисобланади.

Бизга қизиқ бир воқеани айтиб беришди: ўн биринчи май куни павильонга кириб келаётган томошабинлардан бирини қўққисдан тўхтатиб, ичкарига таклиф қилишган. Меҳмонга хотира совғаси — самовар билан чойнак тақдим этишган. Бу — павильонга шу куни кирган миллионинчи томошабин-

сайёҳ, Британия Колумбияси вилоятидан келган меҳмон эди.

Жаҳон кўргазмасидаги Совет Иттифоқи павильонига қўйилган экспонатлар ҳаммаси социалистик давлатимизнинг ярим асрлик ҳаёт йўлиниң якунини, совет кишилари қўлга киритган ютуқларни акс эттиради. «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсоннинг баҳт-саодати, фаровон ҳаёт кечириши учун» шиори билан яшаб, ҳаёт кечираётган, равнақ топаётган мамлакатимиз «Замини башар» деган гуманистик девиз остида ўtkазилаётган Жаҳон кўргазмасига ўзининг муносаб, арзигулик бисотини, орзуистагини, эртанги кун реал режаларини қўя олган.

Совет Иттифоқи павильони кўргазма майдонининг сатҳи (13 минг квадрат метр) ҳамда ундаги экспонатларнинг сони (ўн мингга яқин) жиҳатидан энг катта павильон ҳисобланади. Унда 600 кишили томоша зали, 1100 кишили ресторон бор.

Павильонга жойлаширилган экспонатлар бешта тематик қисмдан иборат: Совет Иттифоқи — меҳнаткашларнинг социалистик давлати; экономика, техника ва фаннинг тараққиёти; халқ маорифи; маданият, санъат; соғлиқни сақлаш; меҳнаткашларнинг иш шароити ва моддий таъминоти; космос ва океанларни ўрганиш; авиация ва ниҳоят, СССР нинг халқаро сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқалари бўлимидан иборат. Бу экспонатлар павильон залларига шундай жойлаширилганки, «ЭКСПО—67» нинг «Замини башар» девизига мос тушган. Томошабин-сайёҳ аввал денгиз,

дарёларда сайр қилади (биринчи қават), кейин ер юзини кезади (иккинчи қават) ва ниҳоят, кўкка парвоз қилади, хоҳласа, улкан ҳаво «кемасига» ўтириб, ўн минут давомида космосда «сайр» этади (учинчи қават).

Бу ерга келувчилар бамисоли қалин китобнинг муқовасини очибоқ, муқаддимага қўзи тушгани сингари, павильоннинг ташқи қиёфасини — унга кираверишдаги безакларни кўриши биланоқ, ичкарида нималар билан танишниш мумкинлгини пайқаб олади. Павильонга кираверишда ўн бир метрли улкан «Ўроқ ва болға» ҳайкал-композицияси салобатли кўзга ташланади. Унинг олди томонига 1917—1967 рақамлари ҳамда Совет Иттифоқининг герби шакли туширилган. Ён томонларига барельефлар ўйилиб, уч тилда — рус, француз ва инглиз тилларида «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсоннинг фаровонлиги, баҳт-саодати учун» лавҳалари, «Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенгҳуқуқлилик, Дўстлик, Баҳт» сўзлари ёзиб қўйилган.

Павильон олдидаги кенг майдоннинг ўнг томонида, кўкка бўй чўзган флагштокда ҳамма иттифоқчи республикаларнинг давлат байроқлари даврасида СССРнинг давлат байроғи ҳилпираб, узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради.

Павильоннинг ҳар бир бўлими, ундаги ҳар бир экспонат совет кишиси инсон учун, унинг фаровон ҳёти, баҳт-саодати учун нималар қилаётгани, нималарга қодир экани, унинг режалари ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда Бухоро зардўзларининг кийим-кечаклари билан граждан ҳаво флотининг янги

самолёти — яқин орада Москвадан Канадага уч ярим соатда учиб бора оладиган «Ту—144» самолётининг макетини ҳам, ёқут олмаси билан янги ўзлаштириладиган ерларнинг сугориш системасини ҳам, хохломалик ҳалқ усталарининг ажойиб ўймакорлик санъатларини ҳам кўради. Хохломалик ўймакорлар шу ерда, ўз стендларп ёнида ишлаб ўтиришибди. Томошабин-сайёҳлар уларнинг ёгочдан турли буюмлар ясашаётганини кўришади. Ора-сира усталар қўлларидан чиққан буюмни томошабинлардан бирига тақдим этишади. Шундай воқеанинг гувоҳи бўлдик. Усталардан бири қўлида ўйиб ишлатётган овчи ит шаклини тамомлаб, меҳмонлардан бирига тақдим әтган эди, бунни кўриб турган калта лозим, енг-ёқасиз кўйлак кийган, қора кўзойнакли ёш жувон меҳмонга яқинлашиб «Неча доллар экан?» дея сўраб қолди. «Бепул» деган жавобни эшитиши ҳамоно кўзойнагини олди, елкасини қисиб, ажабланди, ит шаклига суқ-ҳавас билан тикилиб турган кўзлари чақчайиб, ҳайрон бўлиб қолди. Афтидан, бу аёл совғанинг бебаҳолигини ё билмайди, ё тан олмайди.

Дунёда энг улкан домна печининг макетини кўриб ҳайратда қолган томошабин соглиқни сақлаш, она ва болани муҳофаза қилиш бўлимида узоқ туриб қолади. Бепул медицина хизмати, тугруқхоналар, чақалоқ ҳали оламга келмасиданоқ у ҳақда қилинадиган ғамхўрликлар — булар ҳаммаси кўпчилик сайёҳларга эртакдек бўлиб туюлади.

Кўргазма шаҳри Монреаль «ЭКСПО—67» баҳонаси билангина метро қурди. Шу туфайли ҳам канадаликлар тўртта шаҳрида 400

километр масофали метрополитен ишлаб турган СССРнинг бу соҳадаги тажрибалари ни қизиқиб томоша қиладилар.

Стендларга қўйилган фотоҳужжатлар, расмлар, ўнлаб кичик экран ҳамда телевизорларда кўрсатилаётган фильмлар совет кишиларининг меҳнати, ҳаёти, дам олишини ёрқин акс эттиради. Хоҳлаган томошабинлар залларни кўриб бўлиб, шу ернинг ўзидаёқ кафеда, барда, ресторанда овқатланишлари мумкин. Совет республикаларидан келган пазандалар тайёрлаган лаззатли русча, кавказча, украинча, ўзбекча, молдаванча овқатларни татиб кўриш имконига эгадирлар.

Мамлакатимизнинг «ЭКСПО — 67» да иштирок этиши шонли әллик йиллик юбилейга тўғри келди. Эллик йил ичидаги совет кишилари қўлга киритган ютуқларни бутун жаҳонга намойиш қилиб кўрсатишида ҳар бир иттилоғчи республика кунлари ўтказилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бунда республикаларнинг делегациялари бевосита қатнашишлари, бу ерга келувчилар билан учрашиб, матбуот конференциялари ўтказиш, республикаларнинг атоқли санъаткорлари иштирокида концертлар кўрсатилиши ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Канада матбуоти иттилоғчи республикаларнинг миллий кунларини, умуман, Совет павильонининг ишини ўз саҳифаларида муентазам ёритиб борди.

## Ўзбекистон куни

Якшанба куни барвақт тургандик. Ҳаммада байрам, тантана кайфияти, юртимизда

байрам тонг отарида бўладигани сингари бир-биримизни муборакбод қиласардик. Хоналарда телефонлар тинмайди. Гоҳ санъатчиларимиз қўнғироқ қилишади, гоҳ павильондаги дўстлар қутлашади. Эрталабдан ҳаво булат эди, «ишқилиб, ёгмаса бўлди» дерди ҳар ким осмонга қараб. Бўлмади, сал ўтмай ёмғир шивалай бошлади. Наҳотки, байрамимиз ёмғирда ўтса, деб ташвишланардик.

Соат тўққизларда кўргазмага етиб келдик. Ёмғир ёғаётган бўлишига қарамай ҳар кунгидек буғун ҳам павильонимиз олдида одамлар гавжум, навбат кутиб турганлар сафи павильон ёқалаб чўзилиб борарди. Павильон бош комиссарининг хонасига кириб борарканмиз, ходимлар байрам билан табриклаб кутиб олишарди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси бир-бирларини Ўзбекистон куни билан муборакбод қилишар, ҳамманинг чеҳрасида шодлик, тантанали ҳаяжон... Мана шу ерда, бегона юртдаги Жаҳон кўргазмасида улуг мамлакатнинг вакиллари бўлиб миллий байрам тантаналарини ўтказишдек шарафга муяссар бўлганликларидан фахрланиш ҳис-туйғулари тўлиб-тошган эди.

Павильонимиз директори, очиқ кўнгил, ширинсухан, юз-кўзларидан меҳр тўла табассум аrimайдиган Павел Алексеевич Червяков ҳам беқасам тўн, чуст дўппи кийиб, шойи қийиқ боғлаб олган. Ўзбеклар удумини қилиб, қучоқлашиб кўришарди. Басавлат гавдасига тўн, дўппи шунчалик ёпишиб тушган эдики, ўзбекдан ажратиб бўлмасди. Ходимлардан бири иш билан шошиб хонага кирди, уни таниёлмай, «Павел Алексеевич канилар» дея суриштира бошлаган эди,

Павел Алексеевич унинг ёнига бориб: «Хоним, менга ўзбекча гапирсангиз тушунаман, марҳамат қилиб, таржимонга мурожаат қилинг...»— дея ҳаммани кулдирди.

Республика байрамига Оттавадан СССР-нинг Канададаги элчиси Иван Фадеевич Шпелько ҳам келган эди.

Ҳаяжонли дақиқалар... Соат ўнга яқинлашяпти. Совет павильони олдидаги майдон сдамлар билан тўлган. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат байроғи тагида миллий кийимларда санъаткорлар саф тортишган. Нарироқда Ўзбекистондан, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келган туристлар туришибди. Ўзи шу ерда бўлса ҳам фикри хаёли Тошкент қурилишларида, ташилаётган гишт, қорилаётган цемент, қад кўтарган янги бино кўз олдидан кетмайдиган Абдуҳамид Қаюмов ҳам, сармарқандлик олима Гулширин Сахибоева ҳам, ёзувчи Борис Пармузин, олмалиқлик бинокор Мамажон Саидов, журналист София Соколова, Анатолий Стажилоларни кўрамиз. Фото, телевизион ва киноаппаратлар тинмайди. Севимли режиссёrimиз Латиф Файзиев, нозик дид, эпчил операторимиз Турди Нодировлар ҳам унутилмас бу дақиқаларни суратга олишга шошилишади.

Павильон ходимлари тўдасида Лолаҳон Абдушукуровани кўрамиз. У ҳозир, павильон эшиклари очилиши ҳамоно ўз стендлари ёнига бориб, одатдаги очиқ чеҳра билан меҳмонларни кутиб олади. Космосга қилинган парвозлар, совет фани, техникасининг мўъзижалари ҳақида француз тилида ўз ҳикоясини бошлайди. Айтишларича, кўп-

лар французча равон гапирадиган бу ўзбек қизидан «Парижнинг қайси институтида ўқигансиз?» деб сўрашармиш ва «Тошкентда» деган жавобига баъзилар ишонмасмиш ҳам. Ошпазимиз Ваҳобжон Умаров ҳам шу ерда, хизматчилар орасида турибди. У икки кўзини байроқдан олмайди. Ўзи бошидан кечирган ҳаяжонли дақиқаларни ўйлаяпти, у ҳозир. Кўргазма очилиши маросимида Республикализ байроғини кўтариш шарафига муяссар бўлган бу йигит мана тўрт ойдан бери павильон ресторанида лаззатли таомлар билан ҳўрандаларни хушнуд қилмоқда...

Павильон раҳбарлари, элчихона ходимлари, делегация аъзолари микрофон олдида туришипти. Павильон директори ўртоқ Червяков қисқача нутқ билан байрам маросими ни очиб, делегацийи бошлиги Ёдгор Насриддиновага сўз беради. Ўртоқ Насриддинова қардош миллӣ республикалар оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси — Совет Ўзбекистони ҳақида гапириб, тўпланганларни павильонга таклиф қиласиди.

— Дўстлар, азиз меҳмонлар, павильонимизга марҳамат! — дейди.

Совет Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон гимнининг садолари салобатли янграйди. СССР халқ артистлари Ҳалимахоним Носирова, Мухтор Ашрафийлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Давлат байрогини аста-секин кўтарадилар. Майдонга тўпланган минглаб кишиларнинг нигоҳи ҳилпираб турган байроққа — озодлик ва тенглик рамзига қаратилган.

Қаҳрамон Дадаевнинг чилдирмаси садолари байрам тантаналарини бошлаб беради,

Раққосаларимиз Галия Измайлова, Клара Юсупова, Равшаной Шариповалар майдон йұртасында ўйинга тушиб кетадилар. Хонандаларнің ашулалари, музика садолари күкни қоплайди. Эрталабдан буён ҳавони қоплаб ётган булатлар ҳам сийраклшиб, ёмғир тина бошлайди. Одамлар тобора күпайиб бормоқда. Делегация аъзолари павильон раҳбарлари, әлтихонамиз ходимлари павильонга йўл бошлайдилар. Улар иккита эскалатордан юқорига кўтаришлар эканлар, кетма-кет артистлар юришади, баландлаб бораётган зиналарда раққосалар ўйин, хонандалар ашулани, музикачилар куйни авжига чиқаришади. Шу зайлда катта залга кириб борилади. Ана энди тантана шу ерда, кетма-кет кириб келаётган томошабинлар даврасида давом этади.

Ўйин қизиб кетди. Давра тобора кенгайиб, янгидан-янги одамлар ўртага тушарди. Бирини қистаб тортишса, бошқаси ўзи қўшилиб кетарди. Бундай пайтда унча-мунча ўйинга тушиб юрганларни ҳам, умрида қўлларини ёзиб, музика мақомига қадам ташла-маганларни ҳам пайқаб олиш қийин эмас. Шулар ичида тўлачадан келган, оппоққина, ўрта бўйли бир аёлнинг ўйини мени қизиқтириб қолди. У қўлларини ёзиб, даврага отилиб кирди, тортинчоқлик ҳам қилмади, ийманиб ҳам турмади, дарров қовушиб, бинойидек ўйнай кетди. Қўл ташлашлари, куйга мослаб оёқ босишлари, сал әгилиб, кўз сузиб қадамини санашлари ўзбекча рақснинг ўзига хос сирларидан унча-мунча хабардор эканлигини кўрсатарди. Уни раққоса деб бўлмасди, албатта. Аммо биринчи

марта ўйнаши әмаслиги ҳам кўриниб турибди. Фақат давра айланаркан, нима учундир юзлари, кўзларидағи кулги зўрма-зўраки ёки бирон нарсадан чўчиб турганга ўхшарди, худди мана шу ҳадиксираш әркин ҳаракат қилишига ҳалал бераётгандай кўринарди. Европалик аёлларга ўхшамасди у. Эҳтимол, ўйинга тушмаганида, қовушиб, муқомлари ўзига ярашиб турмаганида буни сезиб олиш қийин бўларди. Ким бўлди экан, деб ўйлардим.

— Ҳув анави кишининг хотинига ўхшайди,— деди ёнимда турган Борис Пармузин.

Анави киши дегани аёлнинг эрими, йўқми, давранинг бир чеккасида писиброқ турарди. Разм солдим, у, қарсак чалишни ҳам, чалмасликни ҳам билмасди. Қўллари қовушмасди. Ўйни-кулгидан завқ олаёттипти-ми ёки жигар-багри эзилиб кетяптими? Ҳар қалай, у тўйга келган азадорни эслатарди. У якка әмасди. Бундай қоронгида топишганлар кечадан буён шу ерда ўралашиб қолишиди, артистларимизнинг концертларида пайдо бўлишиди. Булардан бири, бўйнига фотоаппарат осиб, бетиним сурат олаётгани ўзини тутиб туролмади. Даврани ёриб кириб, қўлинин кўксига уриб барада: «Дўст», «Дод» дея бақира бошлади. У зўр бериб қарсак чалар, олдинга интилар, кўзлари косасидан чиқиб кетай дерди. Ўзини тутолмасди-ю, шу ҳолатда ҳам ора-сира қўллари бўшашиб, бир нафас тўхтар, олазарак ён-верига қараб оларди. Ким билади дейсиз, у ҳозир ёру жўралари даврасида bog кўчадан ўтиб бораётган бежирим ўралган мисқоли салласида

жигаси товланиб турган куёвни кўриб, богоғлар қўйнига сингиб бораётган сурнай навоснин эшитаётгандир. Эҳтимол, ўшанда у куёвнавкар бўлиб (насиб қилган бўлса, албатта), унинг қулологига сирли насиҳатларни пичирлагандир... Ҳовлисида ёхуд қўшниси-никида фарзанд туғилиб, суюнчига югургани, бешикка соганида нон олиб қочгани, ногорачи келганида мис баркашдаги тўла сув тагидан тангани тишлаб олаётган ўйинчининг букилишига маҳлиё бўлиб, оғзи очилиб қолгани кўз олдига келаётгандир. Катта базмдаги карнай-сурнай, ногора-чилдирма қулоқларини қоматга келтиргани, бошида лаган, қўлларида қайроқ ўйинчи, патнис ушлаб даврага тушган ҳофизлар... Эҳ-а, буларни унутиб бўлармиди, ҳар эсга тушганда титратиб юборади-ку...

У тинмай қарсак чаларди, «Дўст», «Дод» деб бақиради. Қўлини кўксига уради. Бу бақириқ ҳозир ўйинга таҳсиндан кўра кўпроқ ўз қисматидан барала дод дейиши эди. Сезилиб турарди.

Унинг бу ҳаракатларини кўриб турган ҳамроҳларимиз бир-бирларига маъноли қараб олишарди. «Ҳоли шу экан-ку...» деган фикр кечарди ҳозир уларнинг қарашида. Шундай фикр кечарди-ю, ташга тепмасди, кишиларимизга хос олижаноблик, юксак одоб бунга йўл қўймасди.

Тантананинг давоми павильоннинг концерт залига кўчди. Бу ерда — одамлар билан лиқ тўла залда санъаткорларимиз катта концерт қўйиб беришди. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган турли миллат кишилари артистларимизни қайта-қайта сахна-

га таклиф этишарди. Залга одамлар сигмай кетди. Киролмай қолганлар павильоннинг секцияларига ўрнатилган рангли телевизорлар орқали концерт кўришарди.

Нью-Йоркдан келган бояги «Дод» солаётганлар залнинг чап қанотида тўдаланиб ўтиришарди. Энди улар фото, кино ва магнит ҳамда ёзув аппаратларини ишга солишарди. Тинмай суратга олишар, микрофонларини саҳна олдига қўйиб ёзишарди. Уларнинг ҳар бирининг бутун вужуди кўз бўлиб рақкосага тикиларди, қулоқ бўлиб хонандани тингларди. Кўзларининг бардоши чидамади, ўпкалари тўлиб, йиглаб юборишиди...

Шу топда, залнинг бир парчасини банд қилиб ўтирган мана шу ҳамтовоқларни кўриб, Ҳамза номидаги театrimизнинг саҳнаси кўз олдимда намоён бўлди. Бамисоли, «Қонли сароб»ни томоша қиласдим, ҳозир. Ҳурматли китобхон, драматург Сарвар Азимовнинг бу асарини кўргансиз ёхуд радио орқали эшитгансиз. Мана ўша ҳаққоний асарнинг реал қаҳрамонлари шу ерда ўтиришипти. Сиз кўрган ё эшитган персонажларнинг ҳар тоифасидан бор. Ҳатто дунёнинг оқ-қорасини ажратадиган бўлиб қолган, аммо нималигига ҳали чуқурроқ тушуниб етмаган қиз ҳам ўтирипти. У дўппи кийиб олган. Тийрак кўзларини саҳнадан узмайди. Ким билади, унинг ёш қалбida нималар тугён уряпти, ҳозир. Балки ҳаётида кўрган, кўраётганлари, тарбиясида эшитганлари сароб эканлигидан ҳайратдадир, аросатдадир. Концерт охирида, «Ўзбекистонни биласизми?» деган мавзуда ўtkазилган викторина

пайтида шу қиз саволлар ёзилган варағларни күтариб, бизга яқинлашди. Қайси бир саволни ҳам сўраб олмоқчиди. Гапиради-ю, чўчириди, ёни-верига қараб оларди. У билишни истарди. Кўпроқ, яхшироқ билиб олишни истарди.

Дарвоқе, викторина саволларига жавоб берганлар — Ўзбекистонни билишни истаганлар орасида француузлар, араблар, инглизларнинг исмларини ҳам эшидик.

Викторина пайтида қизиқ бир воқеа рўй берди. Ҳамроҳларимиздан бири ёнида ўтирган, бизга ҳамсафар бўлиб кўргазмага келган озарбайжонлик дўсти Али Иброҳимовга дўппи тортиқ қилиб, бошига кийгизиб қўйди. Шунда, чап қанотда ўтирганларнинг кўзлари ўйнаб кетганини кўрсангиз... Улар тинчиёлмади, ўзини тийиб туролмади. Бир нечтаси барака ўрнидан туриб, ёнимизга келди. «Бизга ҳам совга қилсаларинг...» дея гўдаклардек ялиниб қўлларини чўзишарди. Тўладан келган, паст бўй, бўйнига фото ҳамда магнитофон аппаратларини осиб олган йигитнинг хотини «эрим айтишга уяляпти, жудаям дўппи кийгиси бор...» деб илтижо қилди. Делегация аъзоларимиздан бири шартта бошидаги дўпписини олиб узатди. Ана, эр-хотиннинг миннатдорчилигини, хурсандчилигини кўрсангиз, шу топда, айтиб бўлмайди. Шундан кейин бошқалари ҳам «менга-чи?» деб ялиниб тураверишди. Бошимдаги дўппини олиб узатган эдим, орқароқдаги биттаси қўлини чўзиб, илиб кетди. Бу-ку, дўппи устида бўлаётган гап. Улардан бири, анча ёшларга бориб қолгани «бир парча мана шу атласдан ё бека-

самдан бўлса... тобутимга солиб, беармон кетардим...» дейди.

Дўппи... бир парча атлас... совға... Нима деган гап булар. Ўйлаб қараганда айтишга арзимайди. Аммо бунинг замирида нияти бузилиб, нобоб қадам қўйган ёхуд кўр-кўрона шуларга эргашиб, ҳасрат-надоматда юрганлар ҳаётидаги фожиа ётарди. Буни уларнинг ўзлари ҳам сезарди.

Булар кимлар, қайси шамол учирди бу ёққа? Сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Ўзлари гапириб беришарди.

— Шу кунни орзиқиб кутган эдик,— дейди бири.

— Ёзиг олганларимизни эшитиб, суратларни кўриб юрамиз,— дейди иккинчиси.

— Жуда соғинган эдик, роҳат қилдин,— дейди яна бири.

Шундай дейишади-ю, ўзлари кимлигидан оғиз очолмайди, гап шунга тақалганида дудуқланишади. Биз-ку ортиқча контиков эмасмизу, ўзлари ҳадиксирашади, исм-шарифларини тўгри айтишмайди.

Концертда «дўст» дея бақириб ўтиргани залдан чиқа туриб, хайр-хўшлашган бўлди, «салом айтинг», деди. «Кимга» десам, «Тошкентга» деди. «Кимдан» десам, шошиб, мендан узоқлашиди, қўлини силкиб, «қоридан», деганича эшикка чиқиб кетди. Яна бири, ориқдан келган, анча ёшга бориб қолгани Абдуҳамид ака билан суҳбатлашиб турарди, наманганлик эканини айтди. «Наманганнинг қаеридан?» десам, «у жойнинг номи ўзгариб кетгандир» дея чап берди. Ҳамроҳларимиздан бири самолётга чиққанимизда чўнтагидан бир парча қогоз олиб ўқиди-ю, ўзини

тутолмай кулиб юборди. Қарасак, ўшалардан бири ўзининг Нью-Йоркдаги адресини ёзиб берибди-ю, исми-фамилиясини «эсидан чиқариб» қўйибди.

Аммо булар орасида юзи шувутлигидан хижолат бўлиб биз билан очиқ кўришганлари ҳам бор. Элликларга бориб қолган, автобус ҳайдовчи шофер сўраша туриб кўзларига ёш олди. Очилган кўз ноласи юзларига дув тўкилди. У, ҳамشاҳарларимни кўраман деб, ўз автобусида Монреалга келибди. «Юртимга бориш тараддуидаман, жуда соғин-дим, бугунги кун мен учун унтилмас бўлди», дейди...

Совет павильонидаги Ўзбекистон куни байрами кечгача давом этди. Катта залда қайта-қайта концерт кўрсатилар, павильон залларида ўзбек қўйлари янграб турарди, телевизорларда республикамиз ҳаётини, кишиларимизнинг меҳнат ва ижод фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатли киноленталар, бадиий фильмлар кўрсатиб турildи.

Кино залида Ёдгор Содиковна Насриддинова нутқ сўзлайди, деб радио орқали эълон қилиниши ҳамоно зал яна одамлар билан тўлди. Яна концерт кўрсатилди.

Павильон директори байрам тантаналари якунида маъмурият делегация аъзоларини павильоннинг фахрий хизматчилари этиб тайинлаш ҳақида буйруқ чиқарганини тантанали вазиятда эълон қилиб, делегация аъзоларига павильон ходимиининг значокларини ҳамда ёдгорлик совғаларини топширди. Маъмурият кечқурун делегация шарафига катта қабул маросими ўтказди. Бунга «ЭКСПО—67» даги павильонларнинг комиссарлари, хо-

димлари ҳам таклиф этилган эди. Охирида делегациямиз павильон раҳбарлари, ходимлари шарафига қабул ўтказди.

Заррада қуёш акс этганидек, ўн беш қонқардошни бир оиласа бирлаштирган улуғ мамлакатимизнинг куч-қудрати, ҳусн-жамоли мана шу кафтдек ерда ёрқин акс этиб турарди. Совет павильонида бугун ана шу оила аъзоларидан бири — Ўзбекистон куни зўр тантана билан байрам қилинди.

### Онтарио соҳиллари

Сафаримиз охирлаб қолганди. Эртасига Канада шаҳарларини сайдр этгани жўнадик.

Кенг ва қулай автобусда Монреалдан чиқиб, Канаданинг пойтахти Оттава томон йўл олдик. Кўчалар кенг, адил, текис бўлганидан машинамиз учиб бораарди. Бизга ҳамроҳ бўлиб бораётган таржимон, итальян йигити Габриелнинг дастлабки тушунтиришларидан бири шу бўлди. Канададаги йўллар учга бўлинади. Миллий, федераль ва вилоят йўллари. Бунга биз дастлаб тушунмадик. Кейинчалик, сафар давомида шоферимиз йўл ўртасидаги тўсиқлардан ўтатуриб, йўл ҳақи тўлаганида билдик.

Квебек билан Онтарио бирлашган жойдан ўтиб бораётганимизда машинамиз нима важдандир секинлаб қолди, ҳайрон бўлиб сўрасак, «бу ерда бундан ортиқ юриб бўлмайди» деди шофер. Ахир йўл текис бўлса, тез юрганини ким билиб ўтирибди, деган саволимизга: «Тепада вертолёт кузатиб учиб юрибди. Тезликни сал оширсан, 100 доллар жарима тўлайман», — деди у.

Салдан кейин бояги тезлик билан юриб көтди. Атлантик океангача борадиган бу йўлнинг Оттавагача бўлган қисмида, ҳар икки томонида, асосан, сутчилик фермалари жойлашган. Икки томон кўз илғамас ям яшил кенгликтан иборат. Тўда-тўда ўтлаб юрган сигирлар бамисоли яшил денгизда бўғзигача сувга ботиб сузнб юргандек кўринади. Мирзачўл срларида тер тўкиб, жазира масида тобланган инженер Эҳсон Низомов суқ билан тикилади, кўз узолмайди. «Табиат сахийлигини шу ерга қилган экан-е... Тағинам чорвачилик гуркирамапти-да»,— дейди у.

Канаданинг пойтахти Оттавага етиб келдик. 500 минг аҳоли яшайдиган кичик, аммо шинамгина шаҳарни, парламент биносини томоша қилиб чиқдик.

Машинамиз йўлга тушди. Сал юрмай Онタрио кўли — «минг орол» кўли соҳилларига етиб келдик. Қирқ километр масофада — кўлнинг ўртасида кичик-кичик ороллар кўриниб туради. Бу оролларда битта-иккитадан чиройли уйлар дараҳтлар орасидан кўзга ташланади. Ниҳоятда гўзал оромгоҳ. Дам олувчилар, туристлар жуда кўп келишади бу ерларга. Кўлларни ижарага олишади.

Ниҳоят, Онタрио вилоятининг маркази, Қанадада озодалик, саранжом-саришталнида «шаҳарлар маликаси» деб ном олган Торонтоға етиб келдик. Бу ерда, асосан, инглизлар истиқомат қиласи. Айтишларича, Торонтода Монреалга қараганда иш ҳақи баландроқ, молларга қўйиладиган такси ҳақи камроқ, транспорт арzon экан. 56 қаватли улкан бино биқинидаги меҳмонхонага жойлашдик. Торонто оқшомида шаҳарни томоша қилдик.

Бу ерда ҳам реклама чироқлари сон-саноқсиз, кўзни қамаштиради.

Бизни «Жанада — СССР» дўстлиги жамиятига таклиф этишди. Жамоатчилик асосида ташкил этилган, эндиғина етти ёшга кирган бу жамият аъзолари 1200 оилани бирлаштиаркан. Жамият канадаликларни Совет Иттифоқи, жумладан, Ўзбекистон ҳаёти билан таниширишда бирмунча ишлар қилганлигини айтиб беришди. Дўстона ўтган бу учрашувда жамият раиси Лесгантнинг «биз совет кишиларини севамиз, ҳурмат қиласиз, совет давлатининг тинчликни сақлаш йўлидаги барча ҳаракатларини қадрлаймиз» деган сўзларини мамнуният билан эшийтдик...

Эртасига Ниагара шоввасига бордик. Ўқув китоблари, расмлардан, кинофильмлардан бизга таниш бўлган машҳур шовва чиндан ҳам гўзал әди. Қичик Ниагара шаҳри ҳамма вақт меҳмонлар, туристлар, дам олгани келганлар билан гавжум бўларкан. Шинам, озода, ниҳоятда дид билан қурилган бинолар, сайдроҳлар, гулзорлар... Булар ҳаммаси кишини ўзига жалб қиласи. Шаҳарда қанча киши истиқомат қиласа, шунча дам олувчилар, сайдёҳлар келиб тураркан. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳар ким ҳам келолмайди, қурби етганлар келади бу ерга. 35 қаватли минора устидан улкан шоввани, шаҳар манзарасини томоша қилиб, ниҳоят, туннеллар орқали маҳсус кийимларда шовванинг таккинасига бордик. Олтмиш ‘метр баландликдан отилиб тушаётган шаршара тўзони тагида бўлдик.

Ниагара дарёсининг шу қисми ҳам, оқи-

ми ҳам Америка билан Канада чегараси ҳисобланади. Нариги қиргоқ Қўшма Штатларга, бу ёғи Канадага қарайди. Шовванинг ҳам ярми Америка томонда.

Шовва бетўхтов гувиллар, сув зарралари қуёш нурида товланиб, ажиб камалақлар ясар, табиатнинг бу мўъжизасини ўзбек операторларидан биринчи бўлиб Турди Нодиров суратга оларди. Насиб қилса, экранда биргалашиб кўрармиз.

Ниагара билан хайрлашарканмиз, таас-суротлар орасида ён дафтарга «Шовванинг ҳар томчиси олтин бўлиб тушяпти...» деб ёзиб қўйгандим. Қадамингга пул дегандек, бу сайргоҳ ҳам пул, пул, пул деб туради...

Торонтода барвақт йўлга чиқиб, кечга томон Монреаль аэропортига келдик. Дўстлар кутиб туришарди. Қучоқлашиб хайрлашдик.

Хайр, ёру дўстлар. Хайр, байрогида заранг барги товланиб турган, юз йиллигини байрам қилаётган Канада.

Биз самолётга ўтираётганда москваликлар уйқуда эди. Йўлда, осмони фалакда тунни кўрмай, оппоқ тонг қўйнида юртимизга етиб келдик.

### Хотима ўрнида

Дунё тарихида энг йирик кўргазма — Монреалдаги «ЭКСПО—67» кўргазмаси ўз ишини тамомлади. Олти ой давомида кўргазма унда иштирок этган мамлакатлар сони жиҳатидан ҳам, уни келиб кўрувчиларнинг сони жиҳатидан ҳам рекорд қўйди.

Матбуот хабарларидан бизга маълумки,

кўргазмани 50.306.648 киши келиб кўрган. Кўргазманинг охирги кунида эллик миллионинчи томошабин - сайёҳга — Монреалда истиқомат қилувчи Марта Расини деган аёлга 1970 йилда Япониянинг Осака шахрида ўтказиладиган Жаҳон кўргазмасига бепул бориш ҳуқуқини берадиган биринчи билет топширилди.

Совет Иттифоқи павильони уни келиб кўрганлар сони жиҳатидан биринчи ўринни эгаллаб, рекорд қўйиши бизни беҳад қувонтиради. Мамлакатимиз павильонини 13 миллион киши томоша қилган. Иккинчи ўринда Канада. Унинг павильонларини 11 миллион киши келиб кўрган. Франция ва Америка Қўшма Штатлари павильонларига 9 миллиондан киши кирган. Бешинчи ўринни Чехословакия павильони (8,5 миллион киши), олтинчи ўринни Англия павильони (5 миллион киши) олди.

Жонажон мамлакатимиз Жаҳон кўргазмасида яна бир ғалабани қўлга киритди.

*Монреаль — Тошкент  
1967 йил, июль-август*

Ота-боболаримиздан ўтиб келаётган ажойиб удумларимиз бор. Қарияларимиз кечки оқшом тушиши олдиdan кўкда ярқираб турган нозик ҳилолни кўришлари ҳамоно юзларига хушнудлик югуриб, шу ой, шу қунга ўйнаб-кулиб етганликлари шукронасига, энг яхши, әзгу ниятларини дилдан ўтказадилар. Қўлларини юзлари, кўз-қошларига суртадилар, шу дақиқада яхши ниятнинг әлчисини — норасида гўдакни бағриларига босиб, юзларидан ўпадилар... Шу гўдак ҳаётидек беташвиш, беғубор, қувноқ бўлсин, ҳаёт дейдилар. Бундай пайтларда мовий осмон қулогига исирга таққанини пайқаган хонадонларда бир-бировларини муборакбод қилаётган, болаларни ўпиб, бағриларига босаётган қариялар, ҳатто бир-бировлари билан қучоқлашиб кўришаётгандарини учратиш мумкин. Янги туғилган ой янги қувонч олиб келади... Бугина әмас, халқимиз ҳар бир янгиликни очиқ чехра билан қувнаб кутиб олади. Бўртиб чиққан бойчечак, кўзларни қувонтирган бинафша қўлдан қўлга ўтиб, нозик бўйи дилларни чоғ қилганини

кўрганмисиз? Ўрик гули, шафтоли гули, ялпиз баррасини-чи? Сумалакка атаб ўсти-рилган қўлбола бугдой қўкини-чи? Меванинг дастлабки донасини, резаворнинг тўнғич қўкини «омонлик-эсонлик» дея кўзга суртиб, татиб кўрган, татиб қўрибоқ ёнидагисига мамнуният билан узатган дақиқалар-чи? Ўҳӯ, қай бирини айтиш керак. Санаб чиқишинг ўзи бир китобга сигмайди.

Башарият тарихида, ривоятлар, ҳикоятлар, афсоналарда ҳам, халқ донишмандлиги, ҳикматларида ҳам мана шу удумларнинг бариси замирида, табиат марҳамати, Инсон мўъжизаси, унинг шукроналиги замирида буюқ бир ҳаётбахш куч борки, мавжудот шоҳи, ҳаёт булоги Қўёш ҳам унга тан беради. Бу — Инсон меҳр-оқибатидир.

Асрлар оша яшаб, пишиб чиниқсан, тиникиб бизгача етиб келган ва давримиз, замонамиз, жамиятимиз, эътиқодимизнинг талаб-эҳтиёжидан туғилган, яратилаётган янги расм-удумларимизнинг барида, унинг магзи-магзида кўнгил кўнгилдан сув ичади деган ҳикмат, меҳр товланиши, оқибат ётади.

Инсон меҳри! Зоти башар меҳри! Ўҳӯ, не-не алломалар ёзмаган, фикр юритмаган меҳр ҳақида. Меҳрнинг ёши муҳаббат ёшидан катта бўлса бордирки, зинҳор кичикмас. Зероки, меҳр — муҳаббатнинг онаси бўлгусидир. Бинобарин, меҳр қанчалик кекса бўлса, шунчалик ҳамиша навқирон. Ҳамиша товланиб туради.

Не баҳтдирки, ана шу товланган меҳрдан баҳра 'оламиз. Ана шу баҳрамандликнинг шукронаси ўлароқ мазкур сатрларни ёзиш ва Янги йил тонг отарида Сиз билан азиҳ

дўстим, баҳам кўришга жазм этдим. Бўлмаса Йнсон меҳри ҳақида икки энлил қоғоз бетида тўлароқ, мукаммалроқ гап айтиш осон иш эмас.

Мана, Янги йилга ҳам етиб келдик. Юқорида айтганимиздек, бу ҳам янги расм, янги удум. Бу расм Октябрь қуёши билан хонадонимиизга кириб келганича, қаттиқ ўрнашиб олди. Шундай ўрнашиб қолдики, ҳозирги ўғил-қизларимизга «илгари арча байрами, янги йилни кутиб олиш расм эмасди» дейиш, «маҳалламиизда биттаям саводли йўқ эди» ёки «электр чироғи бўлмаган» деб ишонтиришдек амри маҳол бўлади.

Мана шу биттагина расмнинг ўзида—янги йил, арча баҳонасида товланган меҳру оқибатлардан қанчадан-қанча баҳра оламиз. Бунга шунчалик ўрганиб қолганмизки, бирон-бир марта бу тўгрида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Йнсон табиати шундай. Нимаики руҳияхолатига, ақл-идрокига, қон-қони, жон-жонига сингиб кетган бўлса уни сира ўйламайди. Уйқу, тановул, кун, тун ҳақида ўйлаб кўрмагандек гап бу ҳам.

— Ассалому алайкум, янги, етмиш бешинчи йил. Ассалому алайкум, азизлар, янги йилингиз қутлуғ бўлсин!— деймиз бугун меҳримиз товланиб бир-биримизга.

Янги йилни кутиш янги расм бўлса, ўтган йилнинг сарҳисобини қилиш ҳам одат туслига кириб қолди. Яхши одатга риоя қилмаслик одобдан эмас. Бироқ сухбатимиз китоб саҳифасининг ниҳояти бир-иққи бетида бўлаётганини ҳисобга олсак, бир неча йил, наинки бир неча, бир неча ўнлаб йилнинг мазмунига teng бўлган етмиш тўртимизнинг бу-

тун фазилатларини санаб чиқишга имконият қолмайды. Ахир қай бирини айтши керак. Жаҳонда энг улкан Байкал Амур магистрали — БАМнинг қурила бошлаганини? Бундан роппа роса тўққиз кун муқаддам марказий матбуотда бир сурат босилиб чиқди. Пўстин кийиб олган куёвнавкар, қиз янгаси Бахт уйидан чиқиб келаётган келин-куёвга меҳр билан боқиб, уларга баҳт тилашяпти, тўпигини ёпиб турган қордек ҳарир никоҳ кўйлаги устидан почапўстин кийиб олган келин қувончидан олд тугмаларини қадамаган, сурат тагига: «Аёз ва Қуёш — БАМда никоҳ. Татьяна ва Владимир Пузанковларни табриклаймиз», деб ёзилган. Келинг азиз китобхон, шу Янги йил тонг отарида биз ҳам асримизнинг буюк иншооти бунёдкорларини муборакбод этайлик: «Қўша қаринглар, ували-жували бўлинглар...» Эртасига яна бир сурат чиқди, кўргандирсизлар. Дарвозасига тарашадек-тарашадек ҳарфлар билан «Тиндинёнок» деб ёзив қўйилган ҳовлида ўн нафар тойчоқлар қор бўрон ўйнашяпти. «Кечагина тайга эди, шу жойлар...» дейди газета. Унисида ҳам, бунисида ҳам инсон меҳри товланиб турибди, муҳаббати бўлса айтдик-ку аёзда ҳам...

Фан оламида нима гап?

Жаҳон миёёсида юқ ташиш борасида мисли кўрилмаган воқеа гувоҳи бўлдик. Оғирлиги, мураккаблиги, нозиклиги, масъулияти жиҳатидан Аср Юки деб номланса арзийдиган бу нодир ойнани манзилга — Кавказ тоглари тепасига уч ҳафтада етказиб берган транспортчилар бу ишга роса тўққиз йил тайёрлик кўрдилар. Жаҳон илму фани ҳали

билмаган бу ноёб ойна — обсерватория кўзгуси йигирма беш минг километр масофадаги ёниб турган шамни кўра олади! Ақл-идрок мўъжизаси дейсизми? Тўғри, фақат инсон, ҳазрати инсон меҳри тушгани учунгина, меҳри қўйгани учунгина ноёб кўзгу яралгап!

Санои-нафиса оламида не гап? Меҳмондўстмиз. Гапни меҳмондан бошлий қолайлик. Нафосат оламининг маликаси Жоконда мамлакатимизга ташриф буюрганидан хабарингиз бор. Асрлар оша жаҳондаги барча санои-нафиса ихлосмандларини мафтун қилиб келаётган бу ноёб асар — Жоконда билан учрашиш, унинг рўпарасида чорак дақиқа (ҳа, қатъий регламентга кўра учрашув муҳлати шундан ошмаслиги керак) ҳусни жамолига маҳлиё бўлишга мұяссар бўлган баҳтиёрлардан бири Жокондани тантанали кузатиш маросими куни икки энлик хат билан пул киритибди. «Бир жуфт гул олиб Жокондага тақдим этишингларни илтимос қиласман...» дебди. Илтимос бажо келтирилиб, маликани Парижгача бир жуфт — оқ ва қизнл гул кузатиб, ҳамроҳ бўлиб борган, гул әмас, гул шайдоси, нафосат соҳибининг меҳригиёси ҳамроҳ бўлиб борган...

Тўйлар-чи? Ўҳу... Молдаванлар бошлаб беришди олтин тўйни. Кетидан қирғизлар, туркманлар, тоҷиклар тўй-тўйлашишди. Ўзимизда-чи? Одамларимизнинг, қон-қардошларнинг бу тўйлардаги меҳр-оқибатларини ёзмоқ учун шоир айтганидек, осмон сиёҳдон, дengiz сиёҳ бўлмоғи даркор.

Меҳри дарё олтин қўллар яратган пахтамиз-чи? Беш миллион уч юз минг тоннали осмонўпар хирмонимиз қуёш нурида кўз-

ни қамаштиар экан, бу худди ана шу кўнгли оқ, дили пок пахтакорнинг меҳри товланишининг ўзгинаси.

Меҳр! Бир нигоҳ ташлаганда товланган мөҳр тошни эритади, дейишади. Муболага дейсизми? Аммо мантиқли муболага.

Хозир-ку учрамас-а. Учраса ҳам ондасонда киши билмас бўлиб ўтар. Аммо авваллари, ҳатто, бизнинг ёшдаги аёлларнинг кўплари билган, баъзилари бошидан ҳам ўтказган удумлар ҳам бўлган: никоҳ куни жўралари — куёвнавкарлар билан қизникидан келиб, сурнайнинг ҳазин навоси остида дарвозадан ҳовлига қадам қўйган баҳодирини тўлқинланиб, тошиб келган ички ҳаяжон, бир олам қувонч билан кўз ёшлигинн тиёлмай бағрига олган она унинг сандиқ ҳиди анқиб турган зарбофини, мисқоли салласию ялтираб турган жигасигата қайта-қайта ўпаркан, шу дақиқадаги меҳрининг товланишини айтинг. Нимага, қайси гўзаллигу, қай қудратга тенглаштириб бўлади буни. Ана, қариндош-уруғлар, янгалар, эгачи-сингиллар ўраб олишди куёвни, кетма-кат сочиқилар сочиляпти, болалар қийчуви «Наво»ни босиб юборгудай. Гулхан атрофида «Ёр-ёр» янграйди. Куёвни курсига, етти қават кўрпача устига ўтқазиб, қўлига тиқмачоқдай мурғакни тутқазишиади. Яна сочқи сочилади. Шу дақиқаларда онаизорга қаранг. Кўзларида меҳр, юзларида меҳр, бутун вужуди, ўй-хаёлида меҳр, орзу-умидида меҳр... Товланади, товланиб-товланиб ўғилнинг бахти йўлида унинг устидан сочиқилардек сочилади. Отаси-чи? Ҳув, девор ёнида сипо, ҳеч нима пайқамаётгандай ту-

рибди-ю, аммо шу томондан кўзини олмайди, юрагида, дилида онаникидан кам бўлмаган ҳаяжон тугён уриб, меҳри ловиллайди. Ўйин-кулги, «Ёр-ёр» авжига чиққандা, куёвни янгалари оҳиста ичкарига бошлайдилар. Ана, у чиллали уйнинг остонасидан қадам қўйди. Қўйди-ю, кучли ҳаяжон билан зимдан кузатиб турган онасининг чақирган овозини эшитиб, ялт этиб орқасига қарди. Қизик, шунча тўполонда, қий-чувда ёлғиз онасининг секингина чақирганини эшитса-я. Эшитди-ю, ёниб турган юзини онасиға ўғирди. Шошиб қолган она, оҳиста «бахтли бўл, болам...» деди ял-ял ёниб. Онаизор. Қаранг. Фарзанднинг бахтини ўйлаб турган мана шу дақиқада унинг меҳридан бенасиб бўлиб қолаётгандек ғулғула тушармиш юрагига. Қаллиғига яқинлашишидан олдин ўғлини чақиришининг боиси ҳам шунда эмиш. Меҳри менда қолсин, дермиш.

Афсонанамо эски бир расм-ку, аммо инсон меҳрининг қудратли тимсоли бор бунда.

Чой дамлаб, қўйиб бериш насиб қилганими? Қайтариб, тобига етказиб, гардишига олтин узук солинган пахта гул пиёлада ҳамроҳингиз ва ё азиз меҳмонга чеҳрангизда ним кулги, сермулозамат билан узатганингиздаги меҳр товланишини нимага қиёс қиласа бўлади? Йўқ. У беқиёс. Мавжудот, табиатдаги энг гўзаллар гўзали Зоти башар чеҳрасидаги табассум қалқиб, кўзларида ўт чақнадими, меҳр меҳрни товлатгани, кўнгил кўнгилдан сув ичгани шу!

Чой қўйиш меҳнатмас, санъатга, ихлос санъатига, узатиш нафосатга, роҳатга айлангандагина Инсон юзининг бутун гўзал-

лигидан баҳра олиш, меҳригиёсидан баҳра олиш насиб этади. Яшириб нима қилдим. Бир одатим бор. Машинкада босолмайман. Қўлимдаги қалам бармоқларим орасида қизиб турмаса, юрак тепишим унга уриб турмаса, қоғоз бетига тушаётган фикрлар ёлғондакасига ўхшайди, меҳрим тушмаётганга ўхшаб туради. Бир чеккаси ўрганиш ҳамдир.

Хемингуэй Сан-Франциско-де-Паулага келганида шаҳар аҳолиси унга Куба байронини тақдим этади. Кекса ёзувчи ички ҳаяжон билан байроқни ўпади. Пайтни қўлдан бой берган баъзи фотографлар яна такрорлашни илтимос қилганларида, адид байроқни чин қалдан меҳри товланиб ўпганини айтиб, такрорлашга рози бўлмайди.

Меҳри дарё авлодлармиз. Буюк инсон Владимир Ильич Ленин назари тушган, меҳригиёси билан вояга етганмиз. Меҳримиз товланиши ўша Аврора залларидан... Урушнинг даҳшатли кунлари қамалда бўлган ленинградликлар Алишер Навоий юбилейини ўтказганлар. Бемеҳрлар бундай ишни қилломайди. Бомбардимон оқибатида вайрона ва яксон бўлган шаҳар тугруқхонасида икки мурғак тирик қолади. Марказдан шу мурғаклар жонини сақлаб қолиш учун маҳсус самолёт юборилади. Тошбағир бу ишни қилмайди. Етим-есирлар, бошпанасиз қолганларга уйнинг тўрини бериб, қалбининг қўрини бахшийда қилган меҳрибонлар сонсаноқсиз эканлигини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ўлим ҳақ. Унга шак келтириб бўлмайди. Ҳаёт бор жойда у ҳам ҳовизу нозир.

Биз миннатдор бўлиб хайрлашаётган етмиш тўртимиз бошимизга ногаҳон, бевақт жудоликларни ҳам туширди. Буни эслашнинг ўзи нақадар оғир. Начора. Модомики, сарҳисобга амал қиласар эканмиз, бундан кўз юмиб, ё четлаб ўтолмаймиз.

Шундай ажали ногиҳон бўладики, эшитишинг ҳамоно бир лаҳза ҳамма ёқ остинустун бўлиб кетади, ларзага келади, ақл-ҳуш, бутун вужуд кесак бўлиб қолади. Кўзнинг нури хиралашади, ҳамма ёқни туман босиб, қора булут қоплайди. Қани энди, ҳадеганда ўзингни ўнглаб ололсанг.

Куз. Октябрнинг бошлари. Оқшомда келди шум хабар. Василий Шукшин оламдан ўтибди. Соппа-соғ юрган, яқиндагина домла Шолоховнинг уйида бўлиб, олган бир олам таассуротларини мухбирларга гапириб берган, кечагина кинога олинаётган жойда интерьюлар берган, ўзи ҳам мақолалар ёзган одам... Назаримда, осмону фалакни ёритиб юборган кучли чақмоқ асрий ўрмондаги навқирон азим дарахтни чўрт кесиб қулатгандек, қулагану кўз юмган.

Дарди дунёим қоронги бўлди-ю, ўйлаб кетдим. Аввалига бирон фалокат оқибати деб ўйладим. Ахборотда ё айтилмади, ё мен яхши эшитолмадим, деган хаёлга бордим. Барibir эмасми? Ундай бўлди нимаю бундай бўлди нима... Ўша лаҳзада бунинг унчалик аҳамияти йўқ эди. Бошқа нарса қамраб олганди. Нега мен ҳатто ихтиёrimни йўқотиб қўйдим шу топда, нега бу хабар мени оғир тошдай босиб қўйди? Василий Шукшинни бирон марта кўрган, учрашиб, ҳамсуҳбат бўлган, лоақал қўл олишиб ё бош эгиб сў-

рашган, ҳеч бўлмаганда бирон даврада узоқдан кўрган бўлсам ҳам, ҳа ўшанда меҳригиёси кўнглимда чараклаб кетганди, шутуфайли ҳозир юрагим ачиб, гам-алам чекяпман, деб ўйлардим. Йўқ. Уни мен шахсан танимасдим. Сизлар қатори, муҳтарам китобхон, суратини кўрганман, кино экранидан сўзларини әшифтганман, асарларини ўқиганман (шунда ҳам ҳамма асарларини деёлмайман). Ихлосманд бўлиб қолгандим, севиб қолгандим, холос. Сабаби шу, бошқа сабабларини тополмаётиман шу топда. Тополмайману, аммо бир қиёсчувалган калла, айқаш-уйқаш фикр-ўйларни босиб келарди: Шукшин — Ҳамза. Нега энди? Ҳар иккови-нинг санъат, адабиётнинг, ижоднинг турли қирраларида ижод қилганликларидаги ўхшашиблик туфайли шундай қиёс хаёлга келяптими? Йўғ-э, дейман, ўзимга, ё уларнинг ўг юраклигиданми, ё ҳақ юраклигиданмикин? Билмадим, сиз нима дейсизу, китобхон ҳамроҳим, ҳар қалай, бу ўхшашиблик ҳам жудаям бежизмасди.

Шу оқшом ҳам, эрталаб ҳам ҳеч нарса татимади. Бу хабарни нега бунчалик ўзимга оғир олаётганимни билолмасдим. Билмаганимдан баттар хуноб бўлардим. Охири ўзимни кўнглим бўшлиқда айблаб, бир оз таскин топдиму, хизматга жўнадим. Ҳеч шубҳасиз, иш билан дарров тарқайди бундай кайфият, одамлар билан бўлганда унутилади. Бугун, қаранг, акси бўлди. Ким билан телефонда гаплашмай ё ҳамкасабалар билан учрашмай, гапни Шукшиндан бошлашади. Шунчаки гапириб қўя қолмай, кечирмаларини батафсил сўзлашади. Назаримда, кеча-

дан буён мендан ўтаётганларнинг ҳаммасини бирор оқизмай-томизмай уларга етказгани, улар ҳозир шуни ўзимга такрорлашаётгандай.

Газеталарда, радио, телевидениеда таъзиялар берилди. Дағн этилди. Унга бағишлиланган мақолалар, театр, томоша залларида унинг хотирасига бағишиланган кечалар ўтказилди ҳамки, ҳамон менга нега бунчалик таъсир қилганига тушуниб етолмасдим. Шу орада «Литературная газета»нинг навбатдаги сонида Александр Чаковскийнинг таъзияномаси чиқиб қолди. Ўқиб туриб, ёқамни ушладим. Во ажабо, шунақаям тасодиф бўладими, дейман ўзимга ўзим. Йўқ. Бу шунчаки тасодиф әмасди. Бу улкан сўз устасининг маҳорати эди. Дири ўткир, инсон ички кечирмаларини зийраклик билан илғаб оладиган сўз устасининг маҳорати эди. Фарқи, у бу маҳоратини таъзияномада кўрсатганди, бир мен әмас, минг-минглаб мендақаларнинг — Василий Макарович мухлисларининг дард-аламларини ифода қилганди.

Кунлар ўтган сайин, Шукшин ҳақида матбуотда чиқаётган нарсаларни ўқиган сайин ўзимга тасалли берардим, кўпчилик ҳамкаслар менга ўхшаш ҳолатни кечирганликлари қандайдир таскин бергандай бўларди, бу табиий бир ҳол, деб ўйлардим. Адабиёт, санъат аҳллари давримизнинг талантли йирик санъаткорига ҳамкасб бўлганликлари учун ҳам шундай ҳол рўй беряпти, дердим ва шуларнигина кўзда тутардим, холос.

Аммо, орадан сал ўтмай бир гапни эшишиб, кетма-кет газета саҳифасида шу ҳақда

ўқиб, ларзага келдим. Бу халқимиznинг, кишиларимизнинг, юқорида айтганимиздек, Владимир Ильич Лениннинг табарруқ назари тушган кишиларимизнинг меҳр-оқибатлари әдики, унга минг бор саждаю лак-лак таъзим камлик қиласи, тоғлар тизмаси икки букилиб, қўл қовуштириб таъзим бажо келтиришлари ҳам камлик қиласи. Василий Макарович оламдан ўтгандан кейинги дастлабки кунларнинг ўзидаёқ унинг Москвадаги уйига, Кино комитетига бир юз олтмиш мингта таъзиянома келибди. Шукшиннинг бевақт ўлимидан ларзага келган, изтироб чекканларнинг нолаю фигонлари әди бу! Но-водевичье гўристонидаги қабрига қўйилган гулчамбарлар, гулдасталар, қизил бодрезак новдалари орасида оқ кабутарлардек ҳар кил қофозлар — открытка, дафтар вараклари, конвертлар — кишиларнинг меҳр-оқибатлари нидоси, сўнгги видолашувининг аччиқ изтироблари битилган номалар қабр пойига тўкилган.

Ҳамкаслари, ёру дўстларининг айтишларига қараганда, «Улар Ватан учун жанг қилдилар» фильмси суратга олинаётган жойдан унинг жасадини Москвага жўнатишаётганларида, аэропортда маҳсус самолёт учиш чизигида тайёр турган ҳолда ҳам одамлар оқими, жамоат Василий Макарович билан видолашиб олишмагунча тобут қопқогини ёпмасликни қаттиқ туриб талаб қилишган...

Бир юз олтмиш минг таъзия! Бир юз олтмиш минг меҳр-оқибат! Бутун ижодини халқига, юргига бахшида қилган Ҳазрати инсон меҳри-саҳоватига бу ҳаммаси. Бу бир юз олтмиш минг меҳр-оқибат қофозга туш-

ганигина холос. Шу нома бир юз олтмиш мингу биринчи бўлар деган тасалли кўнглимни сал тинчиди.

Сарҳисоб дедик. Танимиз сог, хотиримиз жам, кўнглимиз тўқлиги, энг муҳими ёру дўстлар, қон-қардошлар, кўпмиллатли аҳил оиласиз дастурхони бутлиги, меҳроқибатларимиз тобора ошиб бораётганини мамнунлик билан қогозга тушира туриб, кўнгилни хира қилган бир ҳодиса хаёлни олиб қочди.

Меҳри зўрнинг қаҳри қаттиқ бўлади. Оддий ҳақиқат, табиий ҳол бу. Аммо бу сафар суҳбатимиз меҳроқибат борасида бўлганидан, қаҳрни тилга олмадик. Бу бошқа мавзу. Аммо... худди шу дақиқада, мана шу дилхушлик чоғида, ўтган йил биз яшаб турган мана шу замини башарда ўн миллион киши очликдан ўлгани, тўрт юз олтмиш миллион киши очликдан ўлимга маҳкум этилганини эсласак, беихтиёр этларимиз жимирилашиб кетади. Айнан шу дақиқанинг ўзидаёқ Сизга кино экранида ва ёки фотосуратда хандаққа ташланиб, бир чеккадан отиб ўлдирилган бузоқлар қалашиб ётганини кўрсатса нима дер эдингиз? Гўшт нархи тушиб кетишидан хавфсираган пулдорларнинг иши бу. ГФРда чиқадиган «Квик» буржуа журнали босиб чиқарган расмда худди юқоридаги воқеа акс эттирилган. Бир томонда юпун, йиритиқ кўйлаги тагида бўртиб чиққан қовургалари устихонига ёпишган, чиллакдек хумкалла бола ҳолдан тоийиб, тиланчилик қилишга қўлининг мадори келмай ўтирибди. Ёнидаги суратда бояги гап. Устма-уст қалашган бузоқлар мурдаси.

Қизиқ, хандақ тепасида одамлар туришипти... Журнал: «Бу иккала сурат замини башаримиздаги баъзи тартибларни ўзгартириш пайти келмадимикин, дея дод-фарёд қилаётгандек...» деб ёзиб қўйибди тагига. Буржуа журналининг ўзи шундай деб тан олишга мажбур бўлган.

Шу ўринда яна бир чекинишга жазм этдим. Монреалда ЭКСПО кўргазмасидаги лавҳа кўз олдимга келди.

Одамлар билан лиқ тўла ним қоронғи улкан залга кирасизу, кўзингиз хира ёруғлик, қулогингиз бундай кўпчилик тўпланганда камдан-кам бўладиган гайри табиий сокинликка ўрганиб улгурмасданоқ, қўйқисдан чақалоқнинг бутун зал бўйлаб янграган «инга»сини эшитасиз. Нималигига тушуниб етмай мурғакнинг ўзини, эндиғина она қорнидан орга тушган, ҳали киндиги узилмаган кичик Инсонни — одам ушоғини экранда кўрасиз. Бамисоли шу ерда, мана шу турганлар орасида ҳозир бир аёлнинг кўзи ёриди-ю, одамлар нима қиласини билмай, бир нафас гангиб, жим қолгандай... «Хой, нега ағраясизлар, болани олинглар... Она-сига қаранглар... Мана бу рўмолга ўранг... Диванга, диванга олайлик... Хой, пайпогини... эркак одам нимага тушунарди, тарқалинглар, ҳаво олсин... Димиқиб кетди... Сув сегинг, сув... Мана, сув... Ҳа, умри билан берган бўлсин. Ана, келди машина... Бу ёққа...» деб тетиккина кампир жонсарак бўлаётгани, атрофдагиларнинг олағовури ҳали бошланганича йўқдай...

Вужудингиз титраб кетади, руҳия-ҳолатингизни аллақандай тушуниб бўлмайди-

ган туйғу — дилғашликмі, севинч, меҳр-шафқатми, даұшатми ё ғуурмі — билиб бўлмайдиган ҳис-туйғу қоплаб олади, булар бири бирига қоришиб кетиб, кучли ҳаяжонга солади кишини. Ақл-идрокни бир зум шошириб, гангитиб қўяди. Балки бунинг маъноси анави бутун девор бўйи чўзиз ёзилган, электр нурида ёритилган лавҳададир, деган хаёл билан ёнимга ўгирилдим, таржимонни ахтардим. «Ҳар секундда инсон оламга келади» деб ёзилган эди. Шу заҳотиёқ экранда ўн хонали рақам пайдо бўлди. Бу рақамлар ер юзидағи аҳолининг сонини кўрсатарди. Бирпасда унинг ўнинчи хонасидаги охирги рақам ўзгарди, яна боягидек чақалоқ йифиси, экранда мурғакнинг ўзи... Яна бир Инсон оламга келди, замини башар уни ўз бағрига олди...

Экрандаги чақалоқ ҳам, унинг «ингаси» ҳам боягининг ўзи-ку, аммо кишида шундай таассурот пайдо бўладики, гўё кино камераси жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, ҳар дақиқада оламга келаётган янги Инсон истиқболига пешвоз чиқпб, шу заҳотиёқ уни суратга олиб кўрсатиб тургандай бўлади.

Ким билади дейсиз, ким туғилди ҳозир? Мария Кюрими ё Шота Руставели? Жон Ридми ё Петр Чайковский? Балки Ибни Сино ёки Комаров оламга келгандир? Эҳтимол, Антуан де Сент-Экзюпери тугилгандир?

Бу фикрлар ларзага келтиради одамни, тиним бермайди, ҳаяжонга солади. Гўдакнинг жаҳонга жар солиб, замини башарга қўйган жажжи қадами, ёқимли «инга»си қутлуг бўлишини, сира завол кўрмаслигини,

кўзлари бомба портлашинимас, камалак товланишини томоша қилишини, қўллари, қуролмас, севгилисининг қўлларини ушлшини, қулоқлари қон-қон йиглаганлар фарёдинимас, шаршара овози, қушлар навосини эшитишини истайсан, қаҳқаҳалари кўкни қоплашини истайсан. Зинҳор-базинҳор, уруш даҳшатини кўрмасин шулар, дегинг келади барада! Бу залга кирган қалби пок, яхши ниятли ҳар бир кишининг юраги ана шундай ҳис-туйғуга тўлади.

«Жаҳонда ҳар куни 200 минг бола оламга келади,— дейилади кечагина босилган матбуот хабарида,—шундан 40 проценти бир умр қорни тўйиб овқат емайди...»

Азиҳ китобхон! Энди ўйлаб кўриш-чи, қанақа мәҳру, қанақа оқибат бор бу ерда. Биз юқорида айтганимиздек, ўзимиз, ўзаро шу қадар меҳр-оқибатга ўрганиб қолганимизки, мана шунақанги ҳиёс қилгандагина бунинг қадрини эслаймиз, кўз олдимизга келтирамиз.

Тинчлик тарафдорлари совет ҳаракатининг йигирма беш йиллигига бағишлиланган конференция бутун жаҳон тинчлик тарафдорларининг диққат-эътиборини ўзига тортди. Икки кун давом этган конференция минбарида сўзланган оташин нутқларда совет кишиларининг худди мана шу меҳр-оқибатлари ҳақида тўлқинланиб гапирилдики, шу йиғин иштирокчиси сифатида ажойиб кишиларимиз, замондошларимизнинг бебаҳо инсоний фазилатларини асарларимизда ёрқин акс эттиришдек шарафли масъулиятни чуқур ҳис этдим.

Бу фазилатлар бизда ватанимизга,

халқимизга, раҳнамо партиямизга бўлган эътиқодимиздан, меҳри оқибатимиз шундан.

Бир нарсага эътибор қиласайлик. Урушнинг биринчи кунидан то охирги кунигача бевосита иштирок этган, унинг барча азобмашаққатларини кўриб, бошидан кечирган меҳри дарё Инсон тинчликни сақлаб қолиш, уруш деган даҳшатнинг хавфини йўқотиш шига бошлилик қилишнинг ўзи бизнинг юксак баҳтимизки, олижаноб инсоний фазилат—меҳр-оқибатнинг юксак намунаси дидир.

Ҳа, ҳар биримизнинг меҳримиз партиямиз меҳрибонлигидан. Башариятнинг баҳтли зоти бўлганимиз билан фахрланамиз. Биз Инсон ҳазратига сажда қилсак арзийди. Унинг меҳру оқибатига қўша таъзим лозим. Зоти башарнинг меҳри ошиб бораверади.

1975 йил, 1 январь

# МУНДАРИЖА

Таъзим . . . . .	3
Асад либоси . . . . .	15
Бирлик . . . . .	27
Нафасдек изиз . . . . .	34
Фарғона чинорлари . . . . .	42
Меҳмон меҳр товлади . . . . .	52
Сўз субути билан . . . . .	57
Ёрқин йў . . . . .	67
Ён қўшни — жон қўшни . . . . .	74
Ҳамон юракларда . . . . .	80
Заранг барги . . . . .	88
Зоти башарнинг меҳри ошар . . . . .	135

---

*На узбекском языке*

*Рахмат Файзи*

*Очерки*

*ПОКЛОН*

*Редактор Х. Маҳмудова*

*Рассом А. Кива*

*Расмлар редактори А. Бобров*

*Техн. редактор Т. Смирнова*

*Корректор Т. Тошев*

Босмахонага берилди. 24/III—1975 й. Босишига рускат этилди. 25/IX—75 й. Формати 70×90<sup>1/32</sup>. Босма л. 4,75. Шартли босма л.5,56. Нашр л. 5,1. Тиражи 30000. Р 09609 Гафур Гулом номидаги Адабиёт на санъат нашириёти, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 3—75.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитети нинг Тошкент полиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан. Самарқанд шаҳридан Морозов номли босмахонада № 1 қоғозга босилди. Самарқанд шаҳри, Кузиницкая кўчаси, 82. 1975 йил, заказ № 1715 Баҳоси 17 т.